

338  
И 47

Н. А. ИМИНОВА

# РИСК - МЕНЕДЖМЕНТ




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИМИНОВА НАРГИЗАХОН АКРАМОВНА**

## **РИСК - МЕНЕЖМЕНТ**

**(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)**



**ТОШКЕНТ – 2017**

УЎК 005.334(075.8)

КБК 65.290-2я73

И 47

Н.А.Иминова.: Риск-менежмент. Т.: «Aloqachi», 2017, – 184 бет.

ISBN 978-9943-5144-9-2

Ушбу ўқув қўлланмада рискларни бошқаришнинг назарий асослари, Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланиши, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот рисклари тушунчаси ва моҳияти, иқтисодий рискларнинг хусусиятлари ҳамда уларнинг турларини, рискларни бошқаришни ташкиллаштириш ва баҳолаш усуллари, рискларни сифат ва миқдор таҳлили, ахборот макони қонуниятлари, ахборот рискларини суғурталаш асосида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муқобил усуллари ёритиб берилган.

Ушбу ўқув қўлланма талабаларда олган билимларини мустаҳкамлашга ва чуқурлаштиришга, мамлакатимизда содир бўлаётган иқтисодий ҳодисаларни мустақил таҳлил қилишга ва тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ахборот технологиялари университетининг «АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент» йўналиши талабалари ва ушбу мавзуга қизиқувчилар учун мўлжалланган.

УЎК 005.334(075.8)

КБК 65.290-2я73

И 47

Масъул муҳаррир: и.ф.д., профессор А.М.Қодиров.

Тақризчилар: и.ф.д., профессор Ш.Н.Зайнутдинов;  
и.ф.н., доцент. Ш.Ш.Тўраев.

Ўқув қўлланма Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-методик Кенгашининг қарори билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-5144-9-2

© «Aloqachi» нашриёти, 2017.

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг XXI асрга қадам қўйиши ахборот ва телекоммуникация тизимларида революцион ҳолат бўлиб, иқтисодий интеграция асосида дунё микёсида либераллашув ва глобаллашувнинг кучайиши бўлиб донг таратди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқиروزлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»<sup>1</sup>.

Бу шароитда мамлакатимиз олдида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувнинг чуқурлашиши ҳамда жамиятнинг турли соҳаларига янги ахборот технологияларини жорий этиш каби вазифалар қўндаланг қўйилди. Ҳозирги кунда қайси тармоққа тегишли бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай корхонанинг бозордаги муваффақиятли фаолияти тобора кўпроқ унинг турли характердаги ахборотларни йиғиш самарали қайта ишлаш ва таҳлил қилишга боғлиқ бўлиб қолади. Компьютер технологиялари ривожланиши анъанавий усуллар билан ҳимояланиш мумкин бўлмаган ҳолда умуман янги айтарли даражада катта молиявий йўқотишларни келтириб чиқарувчи хавфларни туғдирмоқда. Шунинг учун айтиш керакки, агар корхонада ахборот рискларини бошқариш яхши йўлга қўйилмас экан, демак бу хавфсизлик тизими самарасиздир.

Рискларни бошқариш – бу рискларни идентификациялаш, таҳлил қилиш ва корхонада ахборот хавфсизлигига доир рискли ҳодисаларнинг салбий натижаларини минималлаштириш, ижобий натижаларини максималлаштиришга доир қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлардир. Ахборот рискларини

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирузи, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009, 31-бет.



тахдид қилиш мавжуд бўлган қимматли ахборот бўйича юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш учун рискларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатлар билан солиштириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш учун зарур.

Мамлакатимиз корхоналарида риск омилига эътибор асосан мустақиллик йилларида, босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошланди. Бозор муносабатлари шароитида рискларни бошқариш ва ҳисобга олиш бошқарув назарияси ва амалиётининг таркибий қисми сифатида мустақил назарий ва амалий аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида – «Иқтисодиётимиз ва жамиятимиз ҳаётида ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб, 2013 йилда 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинди..» деб таъкидлашлари алоқа, ахборот ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича миллий дастурлар ишлаб чиқиладиганлигини ҳамда ахборот-коммуникация тизимлари хўжалик юритиш шаклларини ва усулларини такомиллаштириш заруратини асослаб беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва мутаносиб равишда қарши ҳаракатларни ташкил этиш”га эътибор қаратилганлиги, айни дамда ахборот ва унинг хавфсизлигини таъминлаш ва бошқариш долзарблигини белгилайди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбатида турли рискларнинг пайдо бўлиш тезлигини ҳам ошириб юбормоқда. Зеро, ҳар қандай ривожланиш янги-янги ноаниқликлар пайдо бўлиши билан

боғлиқ, рисклар эса ноаниқлик маҳсулидир. Шу сабабли ҳам рискли вазиятларни профилактика қилиш, бартараф этишни таъминловчи рискларни бошқаришнинг замонавий тузилмалари ва механизмларини барпо этиш, корхона ҳамда ташкилотларни доимий ва барқарор ишлашининг асосий ва муқаррар шарти бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, корхонада ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини юритишда кўплаб хўжалик қарорларини қабул қилиш бу қарорлар асосида корхона мақсадини бажариш жараёнини бошқаришга тўғри келади.

Республика телекоммуникация соҳасида рискларни идентификациялаш, таҳлил қилиш ва корхонада ахборот хавфсизлигига доир рискли ҳодисаларнинг салбий натижаларини минималлаштириш, ижобий натижаларини максималлаштиришга доир қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлар, рискларни бошқаришни такомиллаштириш, бозор иқтисодиётида вужудга келган ҳар хил ноаниқликларни, яъни рискларни бошқариш ҳамда таълим сифатини оширишда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида етук, малакали ва билимли кадрларни тайёрлашда «Рискларни бошқариш» фанига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Ушбу ўқув қўлланманинг асосий мақсади талабаларнинг бозор иқтисодиёти шароитида рискларни бошқариш, «Риск менежмент» фанининг мақсад, мазмуни ва моҳиятини тушуниш. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланиш хусусиятларини билиш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот рискларини бошқариш тизимининг назарий асосларини ўрганиш, ахборот рискларининг хусусиятлари ва уларнинг классификациясини ҳамда иқтисодий рисклар хусусиятларини ўрганиш, рискларни бошқаришни ташкиллаштириш, зарурияти, моҳияти ва уларни баҳолаш усулларини таҳлил қила олиш, рискни сифат ва миқдор таҳлили ва уни ўтказиш услуги бўйича кўникмалар ҳосил қилиш, ахборот макони қонуниятлари ҳақида билимларга эга бўлиш, ахборот рискларини суғурталаш ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муқобил усулларини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўқув қўлланма таълим сифати ва самарадорлигини оширишда, талабаларни мустақил фикрлаш, мамлакатимизда

содир бўлаётган ҳодиса ва воқеаларни тўғри таҳлил қилишга ҳамда тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ахборот технологиялари университетининг барча йўналиши талабалари, профессор – ўқитувчилари ва ушбу соҳага қизиққан барча мутахассислар учун мўлжалланган.

# 1. «РИСК-МЕНЕЖМЕНТИ» ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ

- 1.1. Рискларни бошқаришнинг мақсади ва вазифалари.
- 1.2. Риск тушунчаси ва таърифларига берилган назарий қарашлар.
- 1.3. Бошқарув объекти сифатида рискларни ўрганиш.  
Мавзу бўйича таянч иборалар.  
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.

## 1.1. Рискларни бошқаришнинг мақсади ва вазифалари.

Муаммолар ечимининг турли йўллари топиш, танлаш ва ўзгартириш фақат муқобил вариантлар мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади. Шу сабаб тадбиркорликнинг зарурий шарти изланишда ва турли-туман ҳолатларда иқтисодий фаолиятнинг усуллари танлаш эркинлигида намоён бўлади. Фаолият доирасида фойда олиш ёки зарар кўриш мумкин бўлган барча жараёнда риск мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам бизнесни рисксиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Рискларнинг ортиши – бу моҳиятан тадбиркорлик эркинлигининг акси бўлиб, бунинг учун ўзига хос тўлов ҳамдир. Бозор муносабатлари шароитида яшаб қолиш учун техникавий янгиланиш, дадиллик ва тинимсиз изланишга таянилади, бу эса ўз навбатида рискларни намоён бўлишини кучайтиради. Демак, бундан менежер рисклардан қочмаслиги, балки унинг даражасини баҳолай билиши ва рисклардан келадиган зарарларни пасайтириш мақсадида уни бошқара олиши лозим.

Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда риск ҳолатини ўрганиш фойдани оширишга кенг имконият яратади. Собиқ иттифокда бошқариш ва иқтисодиёт назариясида риск воқелигига мутлақо эътибор берилмаган. Мамлакатимиз корхоналарида риск омилига эътибор асосан мустақиллик йилларида, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошланди. Чунки риск омили бозор иқтисодиётининг ажралмас бўлагидир. Ҳозирда рискларни бошқариш юзасидан кадрларнинг хали етарлича малакага эга бўлмаганлиги учун ҳам кичик ва хусусий бизнес билан шуғулланувчилар фаолиятида йўқотишларга учрамоқда.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши, бозор муносабатларига ўтиши иқтисодиётга оид фанлар туркумига «риск» – тушунчасининг кириб келишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда, республикамиз университет ва институтларида умумий «риск менежмент» алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда.

Рискларни бошқариш фанининг мазмуни кенг қиррали бўлиб назарий, методологик, амалий ва услубий жиҳатларни қамраб олади. Улар фанни ўзлаштириш жараёнида ўрганилади. Бундан ташқари фаннинг асосий мазмунини унинг бошқариш тамойиллари, қонуниятлари, ўлчов усуллари ва коэффицентларини ҳисоблаш услубиёти ташкил этади.

Фаннинг мақсади – рискларни бошқаришнинг назарий жиҳатларини ўрганиш, уни амалиётга жорий этиш билан биргаликда бошқаришни такомиллаштириб боришдир.

Фанни ўқитишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Менежментда рискларни бошқариш, уни корхона ва ташкилотларни бошқариш жараёнида қўллаш, рискларни бошқаришнинг амалий ва назарий томонларини ўрганиш;
- рискларни бошқариш даражасини баҳолаш, турлари ва уларни чеклашни ўрганиш;
- рискларни баҳолаш ва уларни ҳисоблаш усулларини ўрганиш;
- рисклар даражасини пасайтириш ва уни олдини олиш омилларини, суғурталаш асосларини ўрганиш;
- рискларни бошқаришни молиялаштириш ва унинг манбаларини билиш;
- рискларни бошқаришнинг ҳуқуқий чегараларини ўрганиш ва билиш в.ҳ.

Рискларни бошқариш фанини ўрганиш ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга асос бўлади, иқтисодиётда маблағларнинг беҳудага сарфланишини олдини олади.

## 1.2. Риск тушунчаси ва таърифларига берилган назарий қарашлар.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг замонавий ҳолати хўжалик юритишнинг маъмурий тизимидан бозор тизимига ўтилганлиги тўғрисида хулоса чиқаришнинг имконини беради. Шу сабабли ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланишига алоҳида аҳамият қаратилган. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланиши давлатнинг бошқарувдаги аҳамиятини янада орттириб юборди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» китобида ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидлаб ўтилган.

АКТ (ахборот коммуникация технологиялари) биринчи навбатда, фуқаролар ва жамиятнинг иқтисодий ўсиши ва қаноатлантириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу соҳада хизмат кўрсатувчилар молиявий, юридик ва ижтимоий жавобгарликни ўзига қабул қилганда, рискнинг аниқ жараёндаги қиймати белгилаб олинади.

Корхона ва муассасаларнинг иқтисодий муносабатларини жаҳон андозалари даражасида шакллантириш учун, аввало, рискларни бошқариш, уларни корхона фаолиятига “зарар” етказиш даражаларини мувофиқлаштириш зарур. Бунинг учун энг аввало риск тушунчасининг мазмун моҳиятини, назарий жиҳатларини англаб оломоқ лозимдир.

Риск сўзининг моҳияти тўғрисидаги хилма-хил фикрлар кўп ҳолларда бу ҳодисанинг серқирралиги, амалда мавжуд хўжалик фаолияти қонуниятларида унинг тўлиқ тан олинмаслиги, шунингдек реал иқтисодий амалиётда ва бошқарув фаолиятида етарлича қўлланилмаслиги билан шарҳланади. Бундан ташқари риск – бу бир-бирига мос келмайдиган, баъзида ҳатто қарама-қарши реал ҳолатлар йиғиндисидан иборат мураккаб жараёндир. Рисклар ҳақида сўз кетганда, ушбу сўзнинг луғавий маъносига эътибор қаратиш лозим. Чунки кўпгина мутахассислар ушбу сўзни ўзбек тилидаги “хавф”, “хатар”, “таваккалчилик” каби

жумлалар билан алмаштириб таржима қилишади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу жумлалар “риск” сўзининг маъносини тўлиқ ифодамайди. “Риск” тушунчаси иқтисодий таърифда ишлаб-чиқаришни банкротликка ёки иқтисодий барқарорликка олиб боровчи фаолиятни ўзида акс этиши тушунилади. Риск – бу келажакда номаълум бўлган шароитларда олдиндан номаълум бўлган-ижобий, нолинчи ёки салбий натижани олишнинг потенциал имкониятидир.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда риск сўзини “хавф”, “хатар”, “таваккалчилик” деб ифодайдилар, жумладан, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, “Таваккалчилик-бу бирон иш билан шуғулланиш оқибатида зарар кўриб қолишдан қутулиб қолиш имконияти”<sup>2</sup>, дея таъриф бериб ўтса, А.Ўлмасов “Фирманинг ўз фойдаси ва ҳатто капиталидан ажралиб қолиш эҳтимоли тадбиркорлик хатари дейилади”<sup>3</sup>, Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқуловлар ўз ишида фоиз хавф-хатарига “фоиз хавф-хатари деганда, фоиз ставкаларининг даражаси ва ҳаракатининг ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфи”<sup>4</sup> деб бериб ўтилган таърифида рискни хавф-хатар ибораси билан талқин қилишга ҳаракат қилишган.

Бошқа олимлар эса, рискни “ноаниқлик”, “қалтислик”, “тахлика” деб таъриф беришади. Масалан, Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраевлар “Тадбиркорлик фаолияти-юримдик ва жисмоний шахслар томонидан мулккий масъулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш мақсадида тахлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир”<sup>5</sup> деб тадбиркорликка берган таърифида рискни тахлика иборасини қўллаган.

Юқоридаги тушунчаларнинг иқтисодий моҳияти ва ушбу талқинларнинг қай даражада ҳақиқатга яқин эканлигини аниқлашга ҳаракат қилдик. Лекин бу атамаларнинг назарий

<sup>2</sup> М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент.– Тошкент.: “Ўқитувчи”, 2001., 583 б.

<sup>3</sup> А.Ўлмасов, Иқтисодий асослари.– Тошкент.: “Меҳнат”, 1997й, 165 б.

<sup>4</sup> Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқулов. Кредит: 100 саволга 100 жавоб.– Тошкент.: 1996й. 80 б.

<sup>5</sup> Ш.Шодмонов, Р.Алимов, Т.Жўраев. Иқтисодий назарияси. – Тошкент.: “Молия”. 2002й.

жиҳатиға эътибор қаратилса, бу тушунчалар бир-бири билан ўзаро боғлангандек кўринишиға қарамай, улар аҳамияти ва иқтисодий мазмуниға кўра турличадир.

“Риск”, “таваккалчилик” каби тушунчаларни бир хил маънодаги тушунчалар деб бўлмади, чунки улар корхоналар фаолиятида турли томонлари ва қирраларини ўзида намоён қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, риск-хавф-хатар, таваккалчилик, йўқотиш ва зарар ёки фойдани юзага келтирувчи омил ҳисобланиб, ушбу иқтисодий тушунчалар мазмунини ўзида акс эттиради. У корхоналар фаолиятини хавф, хатар, таваккалчилик, йўқотиш ва зарар ёки фойдага олиб боришда ҳамда уларнинг юзага келишида бошланғич манбаа бўлиб хизмат қилиб, ноаниқлик асосидаги объектив характерга эга иқтисодий категория ҳисобланади. Г.П.Грабовий ҳам “Риск-корхона ресурсларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад ола олмаслик, кўшимча харажатлар қилиш хавфидир”<sup>6</sup> деб эътироф этади. А.Н. Фомичев ҳам ўз илмий қарашларида “Риск-ресурсларни йўқотиш ёки қутилаётган даромад эҳтимолини ифодалайди”<sup>7</sup>, деб таърифласа, И.Евстафьев эса “Риск – бу ташкилот ёки техник тизимнинг фаолиятиға салбий таъсир этувчи эҳтимоллар ва оқибатлар билан ифодаланувчи ҳодисаларни пайдо бўлиш эҳтимоли. Риск – бу ҳодиса эмас. Риск – бу эҳтимол”<sup>8</sup>, - деб таъриф беради.

Демак, риск ўзининг миқдорий ҳажмиға ва сифатий даражасиға эга фаолиятдир. Ҳар бир корхона ёки ташкилот ўз фаолиятини нима бўлса бўлар, каби таваккал фаолиятға асосан эмас, ҳисоб-китоб қилинган, ўз хоҳишиға эга, охириги натижаси аниқ бир ҳўжалик фаолияти якуни билан белгиланади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, таваккалчилик риск муҳитидаги хавф-хатар даражасиға боғлиқ ҳолда, келгуси натижа ижобий самара бериши аниқ бўлган ва у олдиндан кўрилган ҳолда амалға оширилади. Бу эса риск ўзига хос чегара ва ўлчамлар орқали

<sup>6</sup> Г.П.Грабовий. и др. Риски в современном бизнесе.– Москва.: Аланс, 1999г, 27стр.

<sup>7</sup> А.Н.Фомич, Риск менеджмент.– Москва.:2009г. 9 стр.

<sup>8</sup> И.Евстафьев,Тотальный риск-менеджмент. – Москва.:2008г. 36стр.



аниқланиладиган фаолият эканлигини, таваккал билан бир хил тушунча эмаслигини кўрсатмоқда.

“Риск” атамасининг келиб чиқиши грек тилидан олинган деб ҳисобланади, бу “*ridsikon*”, “*ridsa*” сўзлари қоятош, қоя, хавф, таҳдид маъносини, таваккал қилиш эса, “қоялар ўртасидан оралаб ўтиш”, яъни хавф, таҳдид вазиятида ҳаракатланишни билдиради. “Риск” атамасининг шунга ўхшаш аҳамияти “таҳдид”, “хавф” каби кўпгина европа – француз(*risquee*), италян (*risiko*), немис (*risk*), инглиз (*risk*) ва бошқа тилларга эга. Риск сўзининг замонавий кўриниши турли-тумандир. Одатдагидек қабул қилишда бу атама ҳар қандай ҳаракатларнинг қулай ёки ноқулай оқибат, ноаниқлик, хавфлилик, кўркувлик, муваффақиятлилик ёки муваффақиятсизлик, вариантларни ёки муқобилни танлаш ва бошқалар билан асосланади.

Рискни фаолият элементи сифатида қараб, унинг оқибати кутилмаган натижаларни юзага келтирадиган фаолият унсури сифатидаги қарашлар билан И.Балабанов ўз фикрини билдириб ўтган<sup>9</sup>.

Я.Р.Рейлян ҳам ўз тушунчаларида рискни ташқи муҳитнинг турли хил ҳолларида, турли имкониятларни амалга ошириш натижаларини бир-бирига мувофиқ келмаслиги билан боғлайди.<sup>10</sup>

Демак, кўриб ўтганимиздек, юқоридаги тушунча ва иборалар турлича маънога эга бўлиб, **риск** – бу ҳам фалсафий, ҳам тарихий, ҳам иқтисодий категория сифатида намоён бўлмоқда. Риск инсоният ривожининг энг дастлабки пайтиданоқ, яъни одамда эҳтимоли бўлган хавфдан кўркув ҳисси пайдо бўлиб оқибат шаклланиши билан боғлиқ. Яъни риск жуда қадимги категориялардан. Аммо рискларни ўрганиш фан сифатида энди шаклланимоқда. Демак, риск энг аввало салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолли ноаниқлик билан боғлиқ. Инсониятнинг барча ривожланиши мана шу содир бўлиши эҳтимоли бўлган хавф-хатарларни олдини олиш, улар билан курашишдан иборат бўлди. Бу ҳаракат айниқса сўнгги асрларда алоҳида аҳамият касб

<sup>9</sup> И.Т.Балабанов., Риск – менеджмент. – М.: «Финансы и статистика» 1996г. 192-стр.

<sup>10</sup> Я.Р.Рейлян. Аналитическая основа принятия управленческих решения. – М.: «Финансы и статистика» 1989г. 78-стр.

этнода. Зеро инсон ҳаётига, айниқса унинг иқтисодий фаолиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган рисклар даражаси кучайиб кетди. Шу сабаб ўтган асрнинг 90-йилларига келиб ноаниқлик ва риск факторларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий қарорлар ишлаб чиқишнинг методологик асосларини яратишга зарурият туғилди.

### **1.3. Бошқарув объекти сифатида рискларни ўрганиш**

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўплай адабиётларда риск тушунчасига хавф эҳтимоли ёки омадсизлик сифатида қаралмоқда. Юқоридаги таҳлиллардан рискни фақатгина омадсизлик, хавф-хатар, йўқотишлар каби салбий оқибатларни юзага келтирувчи имконият эмас, балки, риск – хавф-хатар билан боғлиқ ноаниқлик муҳитидаги фаолият олиб борилиши ва иқтисодий субъектга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жараёнларнинг сабаб ва оқибати берадиган натижа – кўзланган режани амалга ошириш ёки ошира олмаслик ва фойда ёки зарар кўриб қолиш каби эҳтимолий натижаларни берадиган объектив иқтисодий категория деб эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Тасодифларни пайдо қиладиган жараёнлар, ҳодисалар ҳамда объектларнинг моҳиятига мувофиқ объектив ва субъектив тасодифларга бўлинади. Объектив тасодиф табиат материяси, унинг моҳияти билан боғлиқ. Энг яққол шаклда объектив тасодиф молекула, атомлар, элементар заррачалар даражасидаги микродунёда намоён бўлади. Субъектив тасодиф эса тасодифий ҳодисалар сабаблари ва моҳияти тўғрисидаги тўлиқ бўлмаган ахборот билан аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда, инсон иродаси ва тушунчасида ҳам рисклар вужудга келадиган жараёнларнинг субъектив-объектив табиати тўғрисида фикрлар келтирилган.

Риск, у мавжудлиги ёки йўқлиги тушунилиши, у ҳисобга олинishi ёки ҳисобга олинмаслигидан қатъий назар мавжуд, шунинг учун у объектив табиатига эга. Рискнинг объектив мавжудлиги ҳодисалар, жараёнлар, фаолиятларида реал иштирок этишнинг эҳтимолли моҳиятини аниқлайди. Шу вақтда риск аниқ альтернативни танлаш, уларни дастлабки эҳтимоллигини ҳисоблаш билан боғлиқ, бу унинг субъектив томонидир.

Бундан ташқари, рискнинг таркибини тушуниш учун, унинг қуйидаги асосий турларга ажратиш мумкин:

- субъектив мавжуд rischi ҳаракатларнинг субъектив баҳоси билан тўқнашувида вужудга келадиган қарама-қаршилиқ;
- иккита ёки бир нечта қарорлардан бирини танлаш зарурлигини кўзда тутадиган альтернативлик;
- пайдо бўлиш шакли ва таркиби бўйича бир турда бўлмаган рискнинг тасодифан мавжуд бўлиши билан боғлиқ бўлган ноаниқлик.

Рискнинг вужудга келиш сабаби қандай бўлишидан қатъий назар, мазкур риск билан боғлиқ йўқотишларни иложи борича қисқартиришга интилиш, ҳар бир субъект учун табиий ҳолдир. Бу эса бошқарув қарорларини қабул қилиш ёрдамида амалга оширилади ва бизнесда риск менежмент деб ҳам аталади. Менежерлар riskни тўлалигича бартараф эта олмаса ҳам, уни мавжуд бўлиш ҳудудини аниқлаб, ҳажмини ўлчаб, оптимал даражасини ҳисобга олиб, доимий равишда уни маълум миқдорда бошқаришга эришиши мумкин. Инсоният табиатан riskдан қочишга интилади. Ҳар қандай ишончсизлик ўзига ҳос тарзда маълум даражадаги йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ҳавф даражаси ортиши мумкин:

- тўсатдан ва кутилмаганда ўртага муаммо кўндаланг бўлиб қолганида;
- корхонанинг илгари орттирган тажрибасига тўғри келмайдиган янги вазифалар ўртага қўйилганда;
- раҳбариятнинг зарур ва шошилиш чоралар кўра олмайдиган ва бу нарса молиявий зарар етказа оладиган ҳолатларда;
- корхона ёки бошқа ташкилот фаолиятининг мавжуд тартиби ёки қонунларининг номукамаллиги аниқ вазиятга тўғри келадиган чора-тадбирларни кўришга ҳалал берадиган ҳолатларда.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Риск, ахборот коммуникация-технологиялари, инқироз, зарар, корхона, хўжалиқ фаолияти, таваккалчилик, ҳавф, хатар, фойда, имконият, фоиз, ноаниқлик, даромад, харажат, ҳужжат, ахборот тизими, жамиятни ахборотлаштириш, ҳавф даражаси, тасодиф.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Рискларни бошқариш фанининг вазифалари нималардан иборат?
2. Рискларни бошқариш деганда нимани тушунасиз?
3. Рискларни бошқариш фанининг мақсади нима?
4. Риск сўзининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Бошқарув объекти сифатида рискларни тушунтиринг.
6. Қандай ҳолларда хавф даражаси ортиши мумкин?
7. Рискларнинг таркибини билишда қандай турларга ажратилади?
8. Рискнинг вужудга келиш сабаби қандай?
9. Тасодифларни пайдо қиладиган жараёнларни ёритинг.
10. Риск тўғрисида назарий ёндашган олимларимизнинг тушунчаларини ифодаланг.

## 2. ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 2.1. Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиш хусусиятлари.
- 2.2. Ахборотлашган жамият тушунчаси ва унинг ривожланиш тенденциялари.
- 2.3. Ахборот-телекоммуникация тизимининг ҳуқуқий асосларини шаклланиши.
- 2.4. Ахборот-телекоммуникация тизимларини бошқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

### 2.1. Ахборотлашган жамият шаклланиш хусусиятлари.

Кишилиқ жамиятининг ҳозирги босқичида ривожланиш тенденциялари изчиллик билан ахборотлашган жамият шаклланишига олиб келади. Иқтисодий нуқтаи-назардан замонавий концепциялар жамиятнинг қуйидаги асосий турларини алоҳида ажратиб кўрсатмоқда:

– *индустриаллашмаган жамият*, унда қўл меҳнати ва ҳайвонлар мушак кучидан фойдаланишга асосланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, – шунингдек, хунармандчилик устунлик қилган;

– *индустриаллашган жамият*, бу жамият қарийб 300 йил олдин шакллана бошлаган бўлиб, унинг асосий иқтисодий тавсифномаси саноат ишлаб чиқариши ҳисобланади;

– *постиндустриал жамият*, унинг асосий тавсифномаси хизматлар соҳасининг устувор ривожланиши бўлиб, у саноат ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан устунлик қила бошлайди. Бу жамият XX асрнинг ўрталаридан шакллана бошланган.

– *ахборотлашган жамият*, унда ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ахборот хизматлари кўрсатиш кишилар ижтимоий-иқтисодий фаоллигининг қолган барча турларидан устунликка эришади.

Инсоният тараққиёти янги босқичининг таърифи 2000 йил жаҳоннинг энг йирик саккиз мамлакати етакчилари томонидан Глобал ахборотлашган жамият ҳақида Окинава хартияси қабул қилиниши билан боғлиқ. Бу ҳужжатнинг эълон қилиниши билан

«ахборотлашган жамият» атамасининг янги ижтимоий-иқтисодий тузум сифатида узил-кесил мустақамланиши рўй берган эди. Унда йигирма биринчи аср жамиятининг шаклланишига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири сифатида ахборот-телекоммуникация технологияларининг роли аниқ белгилаб берилган: «Уларнинг инқилобий таъсири кишиларнинг турмуш тарзига, маълумоти ва ишига, шунингдек, ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро таъсирига тааллуқли бўлади. Ахборот технологиялари тез орада жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳаётий аҳамиятга молик рағбатлантирувчи воситасига айланади»<sup>11</sup>.

Ахборотлашган жамият тушунчаси XX асрнинг 60-йилларида ифодалаб берилган эди. Атамага муаллифлик Токио технология институти профессори Ю.Хаяшига, шунингдек, Япония Ҳукумати қатор ташкилотларга тегишли бўлиб, улар орасида Иқтисодий режалаштириш агентлиги, Компьютерлар ишлаб чиқиш ва фойдаланиш институти, Саноат тузилмаси бўйича Кенгаш ҳам бор. Бу ташкилотларнинг 1969-1971 йиллар учун ҳисоботларида Ахборотлашган жамиятда компьютерлаштириш жараёни кишиларга ишонарли ахборот манбаларига йўл очиб берадиган, уларни қўл меҳнатидан халос қиладиган, ишлаб чиқаришни юқори даражада автоматлаштиришни таъминлайдиган бир жамият сифатида таърифланган. Бунда маҳсулотнинг ўзи «ахборот сиғими кенг» (ўз кийматида инновациялар, дизайн, маркетинг, телекоммуникациялар, ахборот билан ишлашнинг юқори даражасига ҳам эга бўлади), «...жамиятнинг ривожланиши ва таълимни ҳаракатлантирувчи кучга моддий маҳсулот эмас, балки ахборотлашган маҳсулотни ишлаб чиқариш айланади»<sup>12</sup> деб таърифланади.

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI  
TOSHKENT AХBOROT  
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI  
380309  
АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

<sup>11</sup> Глобал ахборотлашган жамият Окинава Хартияси (G8)  
<http://www.iis.ru/events/okinavva/charter.ru.html>

<sup>12</sup> Masuda Y. Information Society as Postindustrial Society/Wash/World Future Soc, 1983.C.2.

## 2.2. Ахборотлашган жамият тушунчаси ва уни ривожланиш тенденциялари

Ахборотлашган жамият (information society) - постиндустриал жамият концепцияси, цивилизация тараққиётининг янги тарихий босқичи бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулотлари ахборот ва билимлар ҳисобланади.

Ахборотлашган жамиятга хос бўлган жиҳатлар қуйидагилардир:

- жамият ҳаётида ахборот ва билимлар аҳамиятининг ортиши;
- ахборот-коммуникациялари, ахборот маҳсулотлари ва ахборот хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиши;
- одамлар ўртасида самарали ўзаро ахборот алоқаларини, ҳамда жаҳон ахборот ресурсларига уланишни, уларнинг ахборот маҳсулотлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайдиган глобал ахборот макони яратилиши.

Табиийки, адолатли, инсонпарвар ва эркин «ахборотлашган жамият» гоёси ҳукуматнинг ахборотлаштириш ва Интернет-технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий иловаларни ривожлантириш дастурлари аксариятига ном берди. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари давлат органлари ахборотлашган жамият шакллантиришда ўта фаол мавқени эгалладилар. Бугунги кунда жаҳоннинг барча етакчи мамлакатлари ахборотлашган жамият барпо этиш ва ривожлантириш борасида ўз сиёсат ва стратегияларини ишлаб чиққанлар.

АҚШ маъмуриятининг Миллий ахборот инфратузилмаси соҳасидаги ҳаракатлар Дастури (The National Information Infrastructure Agenda for action, 1993) Б Клинтон маъмуриятининг энг муҳим ташаббусига айланди.

XX асрнинг 90-йиллари давомида ривожланган давлатларнинг кўпчилигида ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда айнан шунга ўхшаш ҳаракат дастурлари қабул қилинди.

Ахборотлашган жамият барпо этишга кўмаклашиши кўзда тутилган Information Society Forim, European survey of the Information Society (ESIS) каби бир қатор халқаро ташкилотлар тузилди.

Ахборотлашган жамият шаклланиши илғор мамлакатларда мураккаб ижтимоий-технологик жараёнлар – глобал ахборот-

лаштириш натижасида рўй бераётир. Ушбу атама илк маротаба Франция президенти Жаскар д'Эстен топшириғига кўра француз мутахассислари гуруҳи томонидан 1978 йилда тайёрланган «Жамиятни ахборотлаштириш» маърузасида фойдаланилган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу маъруза 1980 йили инглиз тилига таржима қилинганидан сўнг у «Жамиятни компьютерлаштириш» деб номлана бошлади. Бу эса ўша пайтлар кўпчилик ривожланган мамлакатларда ижтимоий онг томонидан жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг инструментал-технологик жиҳатларинигина идрок этилганидан далолат беради. Бу жараённинг гуманитар-социологик ва цивилизация жиҳатлари ўша кезларда ҳали етарли даражада аниқланмаган ва тушуниб этилмаган эди.

Хорижлик олимлар И.Масуду, Д.Белль, И.Мартин ва Э.Тоффлерни кўплаб тадқиқотчилар цивилизация ривожланишининг қонуний бир босқичи сифатида ахборотлашган жамиятни шакллантириш концепцияси мафкурасининг дастлабки раҳнамолари деб ҳисоблашади. Бу жуда ҳам тўғри: негаки бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш учун зарур бўлган ахборот ҳажмини тўрт баравар ошириш зарурлиги исботлаб берилган. Бошқача қилиб айтганда, жамиятнинг моддий фаровонлиги ишлаб чиқиладиган ва фойдаланиладиган ахборотлар ҳажми билан чамбарчас боғлиқдир.

XX асрнинг иккинчи ярмида жамиятда тобора сезиларли бўлиб кўзга ташланиб борган ахборотлар ҳажмининг мислсиз ва шиддатли ўсиши «ахборот портлаши» деб номланган эди. У цивилизация ривожланишининг янги босқичига ўтиши, инсоният тараққиётининг янги, ахборот даври бошланиши аломатига айланди.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёнини бир-бири билан боғланган уч жараённинг йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш тавсия этилади, яъни айнан:

– ахборотларни йиғиш, сақлаш ва тақсимлаш воситалари ва усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган жамиятнинг медиатизациялаш жараёни;



– ахборотларни излаш ва қайта ишлаш воситаларини такомиллаштириш мақсадини кўзлаган жамиятни компьютерлаштириш жараёни;

– кишиларнинг ахборотларни идрок қилиш ва яратиш лаёқатини ривожлантириш, янги билимлар яратиш, жумладан, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда билимлар яратишни ўзида ифода этувчи жамиятнинг интеллектлашув жараёни.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ана шу уччала таркибий қисмлари нафақат инструментал-технологик, балки ижтимоий, “инсоний” компонентларни ҳам мужассам этишини пайқаш унчалик ҳам қийин эмас.

Шундай қилиб, жамиятни ахборотлаштириш цивилизация тараққиётининг объектив қонунларга асосланган глобал жараёни бўлиб, қуйидаги қатор объектив омиллар билан асосланади:

– инсон томонидан сунъий тарзда яратилаётган ўз яшаш тизими шитоб билан ортиб бораётган мураккаблиги тобора ана шу тизимнинг ишонарлиги ва барқарорлигини пасайтирмакда;

– Ер сайёраси табиий ресурсларининг тобора камайиб бориши ва бу билан асосланадиган, ҳозирги вақтда хукмрон бўлиб турган цивилизациянинг экстенсив ривожланиш парадигмасидан воз кечиш;

– экологик хавф-хатарлар ортиб бориши ва ҳозирги замоннинг энг долзарб ва мураккаб муаммоси – инсониятнинг биологик тур сифатида жон сақлаш муаммосини ҳал қилиш зарурати.

Ахборотлаштириш жараёнида жамиятнинг турли соҳалари ахборот воситалари билан тўйиниши рўй беради, ахборот жараёнларининг ҳар хил турларини оптималлаштириш учун мўлжалланган ахборот технологияларининг янгидан-янги турлари ривожланади ва татбиқ этилади, инсон фаолиятининг ҳар хил турлари бўйича маълумотлар ва билимлар банклари ташкил этилади. Ахборотнинг жамият ҳаётида тобора аҳамияти ортади, чунки унинг ривожланишига нафақат илм-фан, таълим ва маданият тараққиёти, қолаверса, давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг миллий хавфсизлигига ҳам боғлиқ бўлади. Бугунги кунда биз шуни тобора чуқурроқ англаб етмоқдамизки, ахборот бу – фаолиятимизнинг иккинчи даражали аломати эмас, балки жамият

тараққийетининг стратегик аҳамиятга молик ресурси, ундан фойдаланиш эса ресурсларнинг бошқа турлари – энергетик, моддий ва инсон ресурсларини тежашга имкон беради.

Постиндустриал жамиятдан ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёни кишилиқ жамияти тараққийети учун инқилобий оқибатларга эга, чунки у янги ишлаб чиқариш ва турмуш тарзи ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятлар янги тизимини шакллантиради. Аммо у сакраш йўли билан эмас, балки тадрижий бир асосда амалга оширилади. Ахборотлашган цивилизация постиндустриал жамият ичида шаклланади ва етилади, одамлар ижтимоий фоллигининг барча соҳаларида босқичма-босқич (гарчи ғоят интенсив бўлсада) унинг ўрнини эгаллаб боради. Мамлакат ахборотлашган жамиятни шакллантириш босқичига ўтишининг мезонлари сифатида қуйидаги уч гуруҳ кўрсаткичлар намоён бўлади:

– жамиятнинг ахборот соҳасида яратилаётган мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг улушини тавсифлайдиган иқтисодий мезонлар. Агар бу улуш 50 %дан ошгудек бўлса, ушбу мамлакатда ахборотлашган жамиятга ўтиш бошланди деб ҳисоблаш мумкин;

– миқдорий ифодаси бўлиб, масалан, ахборот маҳсулотлари, ахборотлаштириш воситалари ишлаб чиқариш ва ахборот хизматлари кўрсатиш билан банд аҳоли улуши хизмат қилиши мумкин бўлган ижтимоий мезонлар;

– жамият ахборот технологиялари соҳасида унинг ахборот салоҳияти ривожланиш даражасини белгилаб берадиган технологик мезонлар.

Ривожланган мамлакатларнинг ахборот ва телекоммуникациялар соҳасида кучли ўсиши турғунлиқ ҳамда сурункали инкироз босқичида турган собиқ республикаларига дахл қилмаган эди. Ўзбекистондаги алоқа ва ахборотларни қайта ишлаш техник воситалари мустақиллик эълон қилинган пайтда хорижий аналогларидан камида йигирма-ўттиз йилга ортда қолиб кетган эди. 1990-йилларнинг бошларида эса давом этаётган кенг қўламли инкироз шароитида ана шу узилиш шиддат билан орта бошлади. Тармоқ ҳолати эса моддий-техник базанинг қоқоқлиги, алоқа воситалари билан жиҳозланиш ва кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифати даражасининг етарли эмаслиги, рақамли тармоқ ва сервис хизматлари ривожланмаганлиги, ахборот пакетлари коммутация-

си билан маълумотлар узатиш замонавий юқори тезликка эга тармоқлари йўқлиги, алоқа воситалари эскирганлик даражаси юқорилиги (50%дан ортиқ) билан тавсифланар эди: Республика телекоммуникацияларнинг жиддий камчилиги эса аналоглар тизимидан фойдаланиш бўлиб, ўша пайтда ривожланган мамлакатларнинг барчаси 180 га яқин хилма-хил хизматлар тақдим этувчи (аналоглар эса 15 дан ортиқ эмас) рақамли телефон станцияларидан фойдаланаётган эди.

Шунга қарамасдан, 1992 йил олимлар тавсияси билан ва уларнинг фаол иштирокида республикада ишлаб чиқариш, бошқарув, илмий ва ижтимоий соҳаларда энг янги электроника воситалари ҳамда ҳисоблаш техникаси яратиш ва жорий қилиш ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсати йўналишларидан бири этиб белгиланган Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунга мувофиқ ахборотлаштириш соҳасида бошқарув ана шу даврда Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника қўмитаси томонидан амалга оширилган. Бироқ бу органнинг функциялари фақат илмий-техник сиёсат юритиш, фан ва техниканинг устувор йўналишларини белгилаб бериш, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаларини таъминлашдан иборат бўлган эди, холос. Бу эса ушбу Қонун қабул қилинган пайтдаёқ ишга лаёқатсизлигини англатарди, чунки уни амалга ошириш учун реал тузилмалар ва механизмларга эга эмасди. Иш Ўзбекистон Республикасини ахборотлаштириш Концепцияси қабул қилинишидан нарига ўтмаган, у эса амалда рўёбга чиқарилмаган эди. Бунинг сабабларидан бири ўша даврда Ўзбекистон иқтисодиётида юзага келган вазият бўлган. Гап шундаки, персонал компьютерлар пайдо бўлиши ахборот соҳасида ўзига хос инқилобни вужудга келтирган эди. Амалда эса бир вақтнинг ўзида собиқ йирик Ҳисоблаш марказлари кераксиз бир нарсага айланиб қолди. Персонал компьютерлар мавжуд парки (мавжуд барча компьютерлар йиғиндиси) эса етарлича эмасди.

Аммо энг асосийси шунда эдики, ахборотлаштириш жараёнлари хали ҳам телекоммуникация тизимлари билан боғланмаган ёхуд яқка тартибдаги ахборот тузилмалари сифатида ташкил этилганди. Шу аснода айнан ахборот комплексларининг телекоммуникациялар воситасида тармоққа бирлаштирилиши муқар-

рар ахборот портлашига ҳамда жамият ва иқтисодиётнинг оммавий ахборотлаштирилишига олиб келди.

### 2.3. Ахборот-телекоммуникация тизимини ҳуқуқий асосларининг шаклланиши.

Универсал ахборот-телекоммуникация тизимини яратиш зарурати Ўзбекистонда илк маротаба 1994 йил март ойида Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастурининг «VI. Бозор инфратузилмаси институтлари тармоқларини ташкил қилиш ва ривожлантириш» ва «6.1. Универсал ахборот-телекоммуникация тизимларини шакллантириш»<sup>13</sup> бўлимларида тақдим этилган эди. Худди шунга ўхшаш вазифа 1995 йилнинг августида «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий вазифалари ва йўналишлари» Давлат дастурининг «II. Бозор инфратузилмаси ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш»<sup>14</sup> бўлимида қайта қўйилган эди. Яъни ахборот-телекоммуникация тизимларини ривожлантириш зарурати ўша кезларда иқтисодий ислохотлар жараёнлари ва иқтисодиётни интенсив ривожлантириш зарурати туфайли долзарб тус олган эди. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ тузилмаларда бу яхши тушуниларди<sup>15</sup>. Бироқ ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар профессионал соҳаларида ҳам ана шу объектив зарур жараённи тушуниб етиш рўй берди. 1995 йилнинг августида, «2010 йилга қадар бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларини таъмирлаш ва

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастури. ЎзР ВМ 29.03.1994й. 171-сонли Қарорига I-илова.

<sup>14</sup> «Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий вазифалари ва йўналишлари». Давлат дастури. ЎзР ВМ 28.08.1995й. 344-сонли Қарорига илова

<sup>15</sup> кўрсатилган Давлат дастурлари лойиҳалари и.ф.д. М.Л.Турсунходжаев ва и.ф.н. В.А.Ивонин раҳбарлиги остида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги Ҳисоблаш маркази билан биргаликда Кўп укладли иқтисодиёт илмий-тадқиқотчилик Марказида тайёрланган.

ривожлантириш Миллий Дастури» қабул қилинди<sup>16</sup>.

Бир томондан, бу телекоммуникациялар муаммосини хал этишда шубҳасиз илгарилаш бўлса, бошқа томондан, ана шу дастурнинг қабул қилиниши мамлакатимиз телекоммуникациялар соҳаси нафақат мазкур соҳадаги жаҳон тенденцияларидан, қолаверса, Ўзбекистон иқтисодиётида ушбу соҳа ролини тушунишга тамомила янгича ёндашув заруратидан ҳам ортда қолиб кетаётганини алоҳида таъкидлаган эди, холос. Бунинг учун иккала дастурнинг мос келувчи бобларини – телекоммуникация бўйича мутахассислар томонидан тайёрланган ва иқтисодий ислохотлар муаммолари устида ишлаган олимлар томонидан тайёрланган, бир ярим йил аввал босилиб чиққан дастурлар номини солиштиришнинг ўзи кифоя. Биринчи ҳолатда жуда тор масала – телекоммуникацияларни ривожлантириш кўйилган эди. Жамиятни ахборотлаштириш хусусида бу ерда сўз ҳам бормаган. Ҳамма нарса ишнинг техник жиҳати – телекоммуникация салоҳиятини янада ошириш ва уни модернизация қилишга тааллуқли бўлган. Иккинчи ҳолатда, эса ахборотлаштириш масалалари асосий масалалар сифатида кўйилган, шундан сўнггина бу жараён замонавий юксак тараққий этган телекоммуникацион тузилмаларсиз иложсиз бир нарса эканлигига ишора қилинган.

Маълумотларни қайта ишлаш ва узатиш техник имкониятларига эга бўлмасдан туриб, жамиятни ахборотлаштириш тўғрисидаги масалани кўйишнинг имкони йўқлиги ҳам ўз-ўзидан тушунарли. Шу жиҳатдан олганда, Телекоммуникацияларни ривожлантириш дастури қабул қилиниши қонуний ва табиий бир ҳолдир. Бироқ, Дастур 2010 йилга қадар мўлжалланганини инобатга олган ҳолда, унда ахборотлаштириш ва ахборотлашган жамиятга ўтиш муқаррарлиги масаласини ҳам акс эттириш керак эди.

Шундан кейин ушбу йўналиш 1999 йил Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни<sup>17</sup> қабул

---

<sup>16</sup> 2010 йилга қадар бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларини таъмирлаш ва ривожлантириш Миллий Дастури. ЎзР ВМ 01.08.1995й. 307-сонли Қарорига 1-илова.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни. 20.08.1999й. №822-1.

қилиниши билан давом эттирилиб, унда ахборотлаштириш ҳақида ҳам, ахборотлашган жамият хусусида ҳам фикр юритилмаган. Шундай бўлса ҳамки, масаланинг ана шундай тарзда Қонуннинг кириш қисмига киритиш учун кўйилиши зарур бўлган, бу эса ушбу меъёрий ҳужжатни рўёбга чиқаришнинг пировард мақсадини қонунчилик тартибда белгилаш ва таърифлашга имкон берган бўлар эди.

Бу орада XXI аср бошларида ахборот-коммуникация технологиялари тузилмавий ислохотлар ва ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, жамиятнинг ишчанлик ва интеллектуал фаоллиги ортиши, халқаро ҳамжамиятда мамлакат нуфузини мустаҳкамлашнинг муҳим ва ажралмас бир қисмига айланди. Бундай шароитларда республикада ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини таъминлаш зарур эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони билан реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳасида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳолининг турли қатламлари замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, бутун мамлакат ҳудудида ахборот-коммуникация технологияларининг техник инфратузилмасини ривожлантириш бўйича энг муҳим, биринчи галдаги вазифалар белгилаб берилган.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадларида Президент Фармони билан Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган эди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилиб, унинг зиммасига иқтисодиётнинг турли соҳаларида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг стратегик

Йўналишларини амалга ошириш юзасидан кўшимча вазифалар юкланганди. Шунингдек, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи этиб белгиланди.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилиш масалалари юзасидан давлат бошқаруви органларига, бюджет ташкилотларига ва хусусий тадбиркорликка ахборот, сервис, консалтинг хизматлари кўрсатиш мақсадида ЎзААА қошида Компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш Маркази («ЎзИнфоком» Маркази) ташкил этилди.

Компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бошқарувни қайта ташкил қилиш ва такомиллаштириш юзасидан мана шу чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди ва мазкур соҳада давлат томонидан тартибга солиш тузилмаси яратилди.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги № 200-сонли Қарори билан 2002-2010 йилларда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастури қабул қилинган эди. Айтиб ўтилган Дастурда аниқ мақсадли йўналишлар ва ривожланиш кўрсаткичлари белгиланган.

Шу билан бир вақтда, 2002-2010 йилларда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Дастурининг номланишидаёқ ана шу соҳадаги сезиларли қолоқликни бартараф этиш зарурати кўзга ташланиб туради. Бундан ташқари, биз рўй бераётган жараёнлар моҳиятини тушунмаслик ва шу туфайли жамиятни ахборотлаштириш тушунчаси компьютерлаштириш ва коммуникацияларни ривожлантиришнинг техник ва технологик жиҳатлари билан чалкаштириш муаммосига дуч келамиз. Шунга ўхшаш жараён 1980 йилда ҳам кузатилган, ўшанда дастлаб франциялик мутахассислар томонидан икки йил муқаддам тайёрланган глобал ахборотлаштириш бўйича ҳужжат инглиз

тилига «ахборотлаштириш» сифатида эмас, балки «глобал компьютерлаштириш» сифатида таржима қилинган эди. Бу эса, 30 йил олдин ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистон ҳам янги аср бошида жамиятни ахборотлаштириш сари йўлини ана шу жараённинг яхши фикрлаб етилмаган гуманитар-социологик ва цивилизациявий жиҳатларидан эмас, балки мураккаб ва сермашаққат инструментал-технологик вазифаларини хал этишдан бошлаганидир.

Фақат 2003 йилга келибгина, ўз кучини йўқотган, 1993 йил қабул қилинган шу номдаги Қонун ўрнига Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни<sup>18</sup> қабул қилинди. Бу тахрирни ўзгартириб қўйишгина эмас, балки мутлақо янги бир Қонун эди. Аввалгисидан фарқли равишда, янги Қонунни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у ваколат берган орган зиммасига юклатилди, бу эса ушбу меъёрий ҳужжатнинг мақомини оширди ва уни давлат ахборотлаштириш сиёсатининг амалий воситасига айлантирди. Ана шу Қонуннинг ўзида ахборотлаштиришга «ахборотлаштириш – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурсларида, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни»<sup>19</sup> сифатида таъриф берилган. Шундай қилиб, бу ерда техник воситалар хусусида эмас, балки ҳозирги замон фани томонидан ахборотлашган жамият сифатида талқин этилаётган сифат борасида янги жамиятни яратишнинг ўта муҳим жиҳатларидан бирини шакллантириш сиёсати хақида сўз бормоқда.

Шундай қилиб, 2004 йил Республикада ахборотлашган жамият юзага келиши учун қонунчилик ва дастурий асослар яратилган эди. Ана шу турдаги жамиятнинг вужудга келиш жараёни узоқ давом этадиган, илмий-техник, технологик, кадрлар ва интеллектуал мадад кучларини талаб қиладиган бир

---

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни. 11.12.2003й. №560-II

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни. 11.12.2003й. №560-II



жараёндир. Бу нарса кучли рақобат ва фаол инновацион ривожланиш шароитида рўй беришини инобатга олганда, у ахборотлашган жамият технологияларини ривожлантириш кескинликлари авжида турган корхоналарнинг сезиларли ва жиддий рисклари билан боғлиқ бўлади. Шу боис объектив тарзда юзага келувчи жараёнларни тартибга солишда ва рискларни бошқаришнинг алоҳида махсус усулларини ишлаб чиқишда давлатнинг доимий иштирок этиши талаб қилинади.

Бу объектив талабларга риоя қилган ҳолда 2004 йилдан кейин Ўзбекистонда ахборотлашган жамият барпо этишнинг техник, технологик ва кадрлар базасини яратишнинг айрим жиҳатларини ривожлантиришга йўналтирилган турли қарорларнинг бутун бошли тўплами қабул қилинди.

#### **2.4. Ахборот-телекоммуникация тизимларини бошқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар.**

Кейинги йилларда глобал алоқа ва ахборот-коммуникациялари: юқори тезликдаги китъалараро супермагистраллардан фойдаланаётган трансмиллий компьютер ахборот-телекоммуникация тизимлари, сунъий йўлдош орқали телевидение, радиоэшиттириш, телефон алоқаси ва ахборотларни факсимиле орқали узатиш воситалари жадал ривожланишини кўриб турибмиз. Бунинг натижасида янги ахборотлашган цивилизация ҳаётий фаолияти учун замин ва асосни ҳавола этувчи тамомила янгича глобал умумсайёра ахборот тизими шаклланади.

Шу сабаб Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўз олдига иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборот технологияларини оммавий жорий этиш ва фойдаланиш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шарт-шароит яратиш вазифасини қўйган. Ана шу вазифадан келиб чиқилган ҳолда, узок муддатли ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган АКТни ривожлантириш Миллий дастури шакллантирилган ва рўёбга чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда инфратузилмани ривожлантириш, жойлардаги давлат бошқарув органлари ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятига АКТни жорий этиш, Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар амалга оширилмоқда. Мазкур

ҳужжатлар 2002-2005 йилларда қабул қилинган бўлиб, 2010 йилга қадар мўлжалланган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг АКТи меъёрий-ҳуқуқий базасини 11 та махсус (тармоққа оид) қонунлар ва 6 та турдош қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ва 600 дан зиёд қонуности ҳужжатлари ташкил этади. Хусусан:

– 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни алоқа тармоқларини ташкил қилишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий асосларини, алоқа шахобчаларини барпо этиш ва улардан фойдаланишда, алоқа хизмати кўрсатишда мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва фуқароларнинг алоқа воситаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ва бошқариш соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифаларини, шунингдек берилган ҳуқуқларни бузганлик ва вазифаларини бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди;

– 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Радиочастота спектрлари тўғрисида»ги Қонуни радиочастота спектрларини тақсимлаш ва фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади;

– 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат;

– 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат;

– 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо ва қоғоз ахборот ташувчида тузилган ҳужжатдаги ўз кўли билан қўйган имзога тенг эканлигини эътироф этиш шартларини таърифлаб беради;

– 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни электрон ҳужжатлар айланиши соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади ва электрон

хужжат айланма иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

– 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Қонундан мақсад республикада электрон тижоратни ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади;

– 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни электрон тўловларни амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Қонундан мақсад – электрон кўринишда тўловларни амалга ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бериш.

Бу қонунларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш сиёсатини юритиш учун АКТ соҳаси турли жиҳатлари ривожланиши учун жавоб берувчи институтлар ташкил этилди. Компьютерлаштириш ва АКТини ривожланиши соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири муовини раҳбарлигидаги компьютерлаштириш ва АКТини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш олий орган сифатида фаолият юритади. Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи сифатида АКТ соҳасида давлат томонидан тартибга солиш бўйича махсус орган саналган Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси (ЎзРААТТДҚ) фаолият кўрсатади.

Ислохотларнинг дастлабки кезларидан бошлаб алоқа соҳаси иқтисодийнинг стратегик тармоғи деб белгиланганлиги, унда давлатнинг етакчи ролини саклаб қолиш кўзда тутилганини ҳам инобатга олиш зарур. Бу ёндашувга мувофиқ, республика ҳуқумати телекоммуникациялар соҳасини эркинлаштиришнинг ўта эҳтиёткорона режасини танлаган эди. Умумистеъмолдаги электр алоқа хизматлари табиий монополиялар сирасига мансуб деб топилган, бу эса давлат томонидан нархлар тартибга солиб турилишини назарда тутар эди. Бироқ, алоқа инфратузилмаси ва маълумотлар узатиш тармоқларини яратиш ва модернизациялаш мақсадида инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароит яратиш зарур эди. Шунинг учун ҳам, бир томондан, маълумотлар узатиш провайдерлари фаолиятини либерал тартибга солиш, секторни қўллаб-қувватлаш борасида чора-тадбирлар кўриш,

бошқа томондан эса, телекоммуникация тармоқлари давлат назоратида бўлишни таъминлайдиган тартибга солиш қоидаларини сақлаб қолиш кузатилмоқда.

Жумладан, 2002 йилдан бошлаб то 2005 йил охирига қадар асбоб-ускуналар импортида божхона тўловларини бекор қилиш, шунингдек, компьютер ва ахборот технологияларига ҳамда уларга сервис хизматлар кўрсатишга ўқитиш бўйича хизматлар кўшимча қиймат солиғидан озод қилиш ҳисобига секторни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қўлланган эди. Янги технологиялар ривожланиши билан умумистеъмолдаги электр алоқа хизматлари 2006 йилдан бошлаб табиий монополиялар соҳасидан чиқарилди.

Умуман олганда Ўзбекистонда ахборотлашган жамият барпо этишнинг энг муҳим элементларидан бири сифатида алоқа соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган зарур меъёрий ва институционал асослар яратилди деб айтиш мумкин. Шунга қарамаздан, ахборот-коммуникация технологиялари дастурларининг фаол ривожланиши, янги технологияларни ривожлантириш ва қонунларни амалга ошириш тажрибаси ҳукуматдан доимий равишда меъёрий асосларни такомиллаштириб боришни талаб қилади. Жумладан, АКТ дастурларини ҳаётнинг турли соҳаларига, масалан, соғлиқни сақлаш ва давлат бошқаруви соҳаларига жорий этиш, электрон тижорат ҳажми ортиб бориши билан тегишли тарзда тартибга солишни талаб қилувчи янгича шарт-шароит ва муносабатлар ҳам юзага келади. Масалан, шахсий маълумотлар ҳимоясини таъминлаш зарурати вужудга келади. Бундан ташқари, кўллаб дастурий ҳужжатлар 2010 йилга қадар бўлган даврга мўлжаллангани, шунингдек, янги технологиялар пайдо бўлишни инobatга олиб, ҳозирги кунда ахборотлашган жамиятни шакллантириш масаласига урғу берган ҳолда ўртача ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган АКТ ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилди.

Шундай қилиб, тараққиётнинг ҳозирги тенденциялари индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга, кейин эса ахборотлашган жамиятга қонуний тарзда ўтилишидан гувоҳлик бермоқда. Мустақиллик қўлга киритилган кезларда Ўзбекистон ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари

соҳасида дунёнинг тараққий этган мамлакатларидан камида йигирма-ўттиз йилга ортда қолган эди. Бу узилиш эса 1990-йилларнинг кенг қўламли инқироzi оқибатида янада ортган эди. Аммо мамлакатимиз илм-фани ва амалиёти, барибир, ахборотлашган жамият яратишнинг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатди ва таърифлаб берди. Қонунчилик ва дастурий кўрсатмалар, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган бир қатор қарорлар аввалбошда ахборотлашган жамият вужудга келиши асосларини яратиш тенденциялари ва қонуниятларини эклектик тушуниш қирраларини ўзида ифода этган. Ахборот ва телекоммуникация тизимлари алоқаси инobatга олинмаган, аксинча, техника ва технология тараққиётига асосий урғу берилган. Ана шу жараённинг гуманитар ва ижтимоий-иктисодий таркибий қисмлари ҳам инobatга олинмаган. Бирок, аста-секинлик билан қабул қилинаётган қарорлар характерида техник, инновацион ва гуманитар таркибий қисмларнинг муштарақлиги ва тизимли характери англаб етилди, телекоммуникациялар ва ахборотлаштириш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Республикада ахборот-телекоммуникация соҳаларини ривожлантириш борасида комплексли дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Бу жараён жадал ривожланиш, ўзиб кетиш аломатларига эга бўлиб, давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қуватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармонида мувофиқ Ўзбекистон алоқа ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитасига айлантирилди ва асосий вазифа ва йўналишлари қуйидача белгилаб олинди:

- ахборотлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражаси, ахборотни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича комплекс миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ахборот ресурслари, ахборот тизимлари ва тармоқлари, дастурий маҳсулотлар ва хизматлар, уларни таъминлаш ва

ҳимоялаш воситалари бозорини жадал ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишга қаратилган умумқабул қилинган халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш ва самарали ишлашининг, шу жумладан халқаро стандартлари, мамлакат иқтисодиётининг тармоқлари ва соҳаларини ахборотлаштириш даражасини баҳолаш меъзонлари ва индикаторлари тизимини жорий қилиш, шунингдек, телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш механизмлари орқали давлат бошқаруви ва назоратини амалга ошириш;
- Телекоммуникация инфратузилмаси ва маълумотлар узатиш тармоқлари, мобил ва йўлдош алоқа тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан, шу жумладан қишлоқ жойларда юқори тезликдаги кенг палосали фойдалана олишни жорий қилиш, телефон алоқа, телевидение ва радиозиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш;
- Давлат бошқаруви органлари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирларни комплекс тизимли таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш;
- Давлат ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини яратиш, маълумотларни узатиш ва алмашиш идоралараро тармоқларнинг интеграцияланган тизимларини яратиш ва бошқариш, электрон ҳужжат айланиши тизимини яратиш, давлат ахборот ресурсларининг интеграциялашуви ҳисобига “электрон ҳукумат” платформасида ахборот муҳитининг янада ривожланишини таъминлаш, вазирликлар ва идораларнинг ягона вертикал корпоратив тармоқларини шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига

интерактив давлат хизматларини кўрсатишнинг электрон шакллари жорий қилиш;

- Ахборотлаштириш соҳасида инвестиция сиёсатини шакллантиришда қатнашиш, инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасига жалб қилинишини таъминлаш, ахборот технологиялари ва алоқани ривожлантириш ва қўллаш билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича, шу жумладан давлат буюртмаси доирасида давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Интернет тармоғининг миллий сегментини янада шакллантиришни таъминлаш, турли йуналишлардаги маҳаллий замонавий веб-ресурсларни, шу жумладан аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг ахборот ва интеллектуал эҳтиёжларини қондириш учун тармоқ ресурсларини яратиш;
- Сифатли рақобатбардош дастурий маҳсулотларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ривожлантириш, дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва жорий қилиш соҳасида хизматларнинг маҳаллий бозорини янада шакллантириш бўйича мувофиқлаштиришни таъминлаш ва ёрдам кўрсатиш;
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, телекоммуникация тармоқларини, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини, шу жумладан телекоммуникация тармоқлари, телерадиоэфир ва ахборот тизимларидаги ахборот хавфсизлигини муҳофаза қилишнинг замонавий технологияларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ахборот ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;
- Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан дастурий маҳсулотлар, маълумотларнинг ахборот базасини ишлаб чиқиш соҳасида кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари, радиочастота спектридан фойдаланиш, кадрларни тайёрлаш

ва инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида, “электрон ҳукумат”ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражасидан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот-коммуникация тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг поласали уланишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, радиочастотали спектрдан фойдаланишни давлат йўли билан бошқариш, лицензиялаш ва назорат қилиш борасидаги функцияларни амалга ошириш;
- “Электрон ҳукумат”ни татбиқ этиш, вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини вужудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш;



- Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш;
- рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашиш ва унинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, иқтисодийнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;
- замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этиш;
- алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, устувор лойиҳаларни амалга ошириш, радиочастоталик спектрдан самарали фойдаланиш учун ҳамда вазирлик фаолияти доирасига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш.

## Мавзу бўйича таянч иборалар

Ахборотлашган жамият, жамиятни ахборотлаштириш, ахборот тизими, телекоммуникация, ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот долзарблиги, ахборот тўлиқлиги, ахборот ҳаққонийлиги, ахборот хусусиятлари, алоқа каналлари, ахборот коммуникациялари, ахборот жараёнлари, иқтисодиёт соҳасида ахборот технологиялари, ахборот ресурслари, АКТ инфратузилмаси, миллий иқтисодиёт, сифатли рақобатбардош дастурий маҳсулотлар, инновацион фаолият.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Кишилиқ жамиятининг ривожланиш концепцияларини тушунтиринг.
2. “Ахборотлашган жамият” деганда нимани тушунасиз?
3. Ахборотлашган жамиятнинг сўзига хос хусусиятларни тушунтиринг.
4. Ахборот маҳсулоти ва унинг афзаллигини тушунтиринг.
5. Жамиятни ахборотлаштиришнинг объектив омиллари қайсилар?
6. Ахборотлашган жамиятга хос бўлган жиҳатларни тушунтиринг.
7. Ахборот-телекоммуникация тизимининг ҳуқуқий асосларини шаклланиш сабабларини ёритинг.
8. Ахборот рискларини бошқариш бўйича қандай меъёрий ҳужжатлар бор?
9. Алоқа соҳасини ривожлантиришга оид қандай қонунлар қабул қилинган?
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармонининг моҳиятини тушунтиринг.

### **3. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

3.1. Ахборотлашган жамиятда рискларнинг асосий тушунчалари ва моҳияти.

3.2. Замонавий ахборотлашган жамиятда ахборот rischi (хавфсизлиги) ва унинг аҳамияти.

3.3. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ахборот технологияларининг ва ахборот рискларининг асосий ва амалий аспекти.

3.4. Ахборот рискларини бошқаришнинг мазмуни, моҳияти, хусусиятлари ва таснифлари.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

#### **3.1. Ахборотлашган жамиятда рискларнинг асосий тушунчалари ва моҳияти**

Ахборотни сақлаш ва қайта ишлашни, уни истеъмолчиларга тақдим этишни, шу билан бирга энг замонавий ахборот технологияларини қўллашни амалга оширадиган, ахборотларни қайта ишлаш барча автоматлаштирилган тизимларнинг асоси ҳисобланади. Ахборот технологиялари воситалари ва усулларининг гуркираб ривожланиши ва мураккаблашиши билан бир қаторда жамиятнинг унда ишлатилаётган ахборот хавфсизлигига боғлиқлиги даражаси ортади.

Бугунги кунда иқтисодиётни модернизациялаш ва деверсификациялаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги техника технологияларни ушбу жараёнга жалб қилиниши ҳамда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда ахборот технологиялари ва воситалари муҳим ўрин тутди.

Бозор иқтисодиёти кўп укладли мулкчиликка асосланган ҳолда ривожланиб бормоқда. Турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши ҳар бир хўжалик, ташкилот ва муассасани ўз ўрнига эга бўлиши учун тинимсиз рақобат курашини олиб боришга мажбур этади. Ушбу рақобат кураши иқтисодий хизматларнинг сифати, ишлаб чиқарувчиларнинг малакаси ва истеъмолчилар маданиятининг ошиб боришига олиб келади. Компания ўз фаолияти давомида кўриши мумкин бўлган

зарарнинг олди олинади ва бартараф этиш усуллари ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Умумжаҳон амалиётида қабул қилинган тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда – тадбиркорлик бу мулкий масъулият ва ўзининг таваккалчилиги билан амалга оширилувчи, даромад олишга йўналтирилган фуқаролар ва улар гуруҳининг мустақил, ташаббус фаолияти, деб белгиланади.

Тадбиркор узлуксиз равишда ўз хатти-ҳаракатларини (мазмунан меҳнат ютуқларини таъминлаш учун) такомиллаштириб боради, чунки ютуқлар маҳсулотларни, технологияларни, товар сифатини ўзгартиришга, табиийки нарх, истеъмолчилар доираси ва кўпгина бошқа омилларга боғлиқ.

Муаммолар ечимининг турли йўллари топиш, танлаш ва ўзгартириш фақат муқобил вариантлар мавжудлигидагина мумкин бўлади. Шунинг учун тадбиркорликнинг зарурий шarti изланиш ва хилма-хиллик ҳолатида иқтисодий фаолиятнинг усуллари танлашда, эркинликда кўринади.

Бизнесни рискларсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Рискларни ортиши-моҳиятан тадбиркорлик эркинлигининг акси бўлиб, бунинг учун ўзига хос тўлов ҳамдир. Бозор муносабатлари шароитида яшаб қолиш учун, техникавий янгиланиш ва дадиллик, жўшқин ҳаракатга таянилади, бу эса ўз навбатида рискни кучайтиради. Демак, бундан тадбиркор рискдан қочмаслиги, балки унинг даражасини баҳолай олиши ва рискни пасайтириш мақсадида уни бошқара олиши лозимлиги келиб чиқади.

Мавжуд адабиётларда рискнинг хислат, хусусият ва элементлари, объектив ва субъектив жиҳатлари ўзаро муносабатлари, уни мазмунини англаш турлича тавсифланган.

Рискнинг моҳияти тўғрисидаги хилма-хил фикрлар, кўп ҳолларда бу ҳодисанинг серқирралиги амалда мавжуд хўжалик фаолияти қонуниятларида уни тўлиқ тан олинмаслиги, реал иқтисодий амалиётида ва бошқарув фаолиятида етарлича қўлланилмаслиги билан шарҳланади.

Ундан ташқари риск бу – бир-бирига мос келмайдиган, баъзида хатто қарама-қарши реал ҳолатлар йиғиндисидан иборат

мураккаб жараёндир. Адабиётларда таваккалчилик тушунчаси “риск” сўзига эквивалент сифатида олинади.

Аксарият иқтисодий жараёнларнинг амал қилиши ва ривожланиши ноаниқлик яъни мавҳумлик элементларига таянади. Бу эса бир хил ечими бўлмаган вазиятларни юзага келишига асос бўлади.

Агар у ёки бу вазиятни эҳтимоллик даражасини миқдор ва сифат жиҳатдан аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, у риск вазияти бўлади. Бу ерда риск вазияти статистик жараёнларга боғлиқ бўлиб, унга мавжуд бўлган учта шарт хамрохлик қилади: деган хулоса келиб чиқади.

Уларга:

- ноаниқликнинг (мавҳумликнинг) мавжудлиги;
- муқобил (алтернатив) танловнинг зарурлиги (бу ҳолда, шуни ҳам назарда тутиш керакки, танловдан воз кечиш бўйича ҳам танлов хилма-хиллигига доир бўлади).
- танланган муқобил вариантни амалга ошириш эҳтимолиятини баҳолаш имкони борлиги киради.

Шуни қайд этиш лозимки, риск вазияти сифат жиҳатдан ноаниқлик (мавҳумлик) вазиятидан кескин фарқ қилади.

Ноаниқлик вазияти – амалда ўрнатиш имкони бўлмаган ҳодиса ва қарорлар натижаларини ҳосил бўлиш эҳтимолидир.

Шундай қилиб, риск вазиятини аниқланиши мумкин бўлган ва амалга ошувчи ҳодисалар эҳтимолидаги ноаниқликлар хилма-хиллиги деб таъриф бериш мумкин.

Яъни бу ҳолда тахминан шерикларнинг ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлигидаги фаолияти, рақиблиарнинг қарши ҳаракати, иқтисодиёт тараққиётига табиий муҳитнинг таъсири, ишлаб чиқаришга илмий техник ютуқларни жорий этиш натижасида пайдо бўлувчи ҳодисалар эҳтимолини объектив баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

Рискни бир неча турларга бўлиш мумкин:

- ихтиёридаги бир нечта муқобилликдан танловчи субъект, башорат қилинаётган натижаларни олиш учун объектив эҳтимолиятига (статистик тадқиқотлар натижаларига асосланувчи) эга бўлади.

- кутилаётган натижаларни рўй бериш эҳтимоли фақатгина субъектив баҳолаш орқали олинади, яъни субъектив эҳтимоллик билан иш кўради.
- альтернативларни амалга ошириш ва танлаш жараёнида объектив ва танлаш жараёнида объектив ва субъектив эҳтимолликка эга бўлади.
- кутилаётган натижаларни рўй бериш эҳтимоли фақатгина субъектив баҳолаш орқали олинади, яъни субъект, субъектив эҳтимоллик билан иш кўради.
- альтернативларни амалга ошириш ва танлаш жараёнида объектив ва субъектив эҳтимолликларга эга.

Рискли вазиятларни «бошқариш учун», субъект танлов ўтказди ва уни амалга оширишга ҳаракат қилади. Риск тушунчасини англаш айнан шу жараёнда ўз ифодасини топади. Субъектнинг фаолият режаси эса бу жараён риск тушунчасини англашда ўз ифодасини топади. Амалга оширишга ҳаракат қилиш учун қарор танлови босқичида бўлганидек, амалга ошириш босқичида ҳам мавжуд бўлади.

Бу ва бошқа ҳолларда риск конкрет зиддиятларни ноаниқ вазиятда ривожига қарама-қарши интилишлари орқали амалий ечимини топиш усули билан субъект томонидан ноаниқликларни олиш моделини ифодалайди. Риск – бу омадсизлик ҳолатида вақтинча танловга қадар бўлган ҳолдан ҳам ёмон вазиятда бўлиш имконияти мавжуд бўлганида танлов шароитида амалга оширилувчи фаолият (хатти-ҳаракат)дир. Бу таърифда омадсизлик хавф-хатар ҳолати билан бир қаторда, альтернативлик (муқобиллик) каби хислат ҳам иштирок этади.

Риск – бу муқаррар танлов вазиятидаги ноаниқликларни бартараф этиш билан боғлиқ жараёнда кўзланган натижаларга эришиш омадсизлик ва мақсаддан чекиниш эҳтимолини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш имконияти мавжуд ҳолдаги фаолиятидир.

«Риск» – ҳодисасида унинг моҳиятини ташкил этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган куйидаги асосий элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- танланган муқобилликни (альтернативани) амалга ошириш мақсадида кўзлаган мақсаддан чекиниш мумкинлиги;

- кўзлаган натижага эришишнинг эҳтимоллиги;
- кўзлаган мақсадга эришиш учун ишончсизлик (ишончнинг йўқлиги);
- альтернативани ноаниқ шароитдаги танловни амалга ошириш билан боғлиқ моддий, маънавий ва бошқа йўқотишларнинг мавжудлиги.

Рискнинг муҳим элементларидан бири бу танланган мақсаддан чекиниш эҳтимолини борлигидир. Бундай ҳолдаги фарқланиш ижобий ва салбий ҳислатда бўлиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган элементлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирчанлиги рискнинг мазмун моҳиятида намоён бўлади.

Шу билан бир қаторда рискка унинг моҳиятини англаш имконини берувчи бир қанча ҳислатлар ҳосдир. Унга қуйидаги ҳислатлар киради:

- қарама-қаршилиқ (зидлик);
- альтернативлик (муқобиллик);
- ноаниқлик (мавҳумлилик).

Қарама-қаршилиқ – рискнинг муҳим ҳислатларидан бири бўлиб, у турли қарашларда намоён бўлади.

Риск – фаолиятининг хилма-хиллигини ифодалар экан, бир томондан танлов муқаррарлик вазиятида ва ноаниқлик шароитидалиги мураккаб услублар билан умум аҳамиятга молик натижаларни олишга йўналтирилган бўлади. Шу билан бир қаторда у қолоқлик каби жамият тараққиётга рухий тўсиқларни бартараф этади ва янги истиқболли фаолият турларини жорий этишга қаршилиқ жамият тараққиётига тормоз қилувчиларга қарши мувоффақиятни таъминлашга йўналтирилган янги истиқболли фаолият турларини жорий этишга ташаббускор ижтимоий экспериментларни, янги ғояларни амалга оширишни таъминлайди.

Рискнинг бу хусусияти муҳим иқтисодий, сиёсий ва маънавий рухий оқибатга сабаб бўлади, чунки у жамият ва техника тараққиётини таъминлайди, жамоатчиликнинг фикрлаш доирасига ижобий таъсир этади. Иккинчи томондан эса, риск ижтимоий тараққиётни тормозлашга олиб келади.

Рискнинг қарама-қарши табиати мавжуд таваккал ҳаракатларнинг тўқнашувида намоён бўлади. Масалан, у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш учун мақбул йўлни танлаган киши ўзини

таваккал иш қилган деб ҳисобласа, бошқа одамлар томонидан у эҳтиёткорлик, ҳар қандай рискдан холис ёки аксинча деб баҳолаш мумкин.

Рискнинг муқобиллик хусусияти икки ва ундан ортиқ вариантдаги имкониятлар, йўналишлар, ҳаракатлар орасидан ўзига мос келувчи вариантни танлаш заруратидан келиб чиқади. Танлов имкониятининг мавжуд бўлмаслиги, риск ҳолатини инкор этади. Қаерда танлов бўлмаса, у ерда риск ҳаракатидаги вазият юзага келмайди, демак риск мавжуд бўлмайди.

Риск вазиятнинг аниқ мазмунига боғлиқ ҳолда альтернативлик турли даражадаги мураккабликка эга бўлади ва у турли усулларда ҳал этилади. Агар оддий вазиятларда танлов амалда тўпланган тажриба ва ички хис туйғуга асосланса, мураккаб вазиятларда қўшимча махсус усул ва услублардан фойдаланиш зарур. Рискни мавжудлиги бевосита ўз мазмун шаклининг хилма-хилиги билан фарқланувчи ноаниқликлар билан боғлиқ.

Рискнинг бу хислатига эътиборни қаратишимизнинг муҳимлиги шундан иборатки, у ноаниқликнинг объектив ва субъектив манбааларини инкор этади ва бошқарув жараёнларини амалда оптималлаштиради, қолаверса гап қандайдир ноаниқликларни тўлиқ бартараф этиш устида эмас (амалда мумкин бўлмаган), балки рационал альтернативани танлаш мақсадида рискни ҳисобга олиш зарурати устида кетмоқда.

Рискларни ўрганиш энг аввало уларни ажратиб олиш ва турли гуруҳларга, яъни синфларга бўлиб олишни тақозо этади. Рискларнинг илмий асосланган таснифи ҳар бир рискнинг умумий рисклар тизимидаги ўрнини аниқлаб беради, ҳамда рискларни самарали бошқаришнинг усулларини кўрсатади. Рискларни гуруҳларга ажратиб олиш риск тизимида уларни ҳар бирининг ўрнини аниқлаб олиш имконини беради, рискларни бошқариш ва баҳолаш, назорат қилиш, олдини олиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш жараёнларида жуда қулайдир. Чунки, иқтисодий субъектлар бевосита таъсир этувчи рискларни хавфли ҳисоблаб, уларни доимий равишда назорат қилиш, рискларни юзага келтирувчи омилларни таҳлил қилишга ва баҳолашга жиддий эътибор бериши зарур. Умумий тизимдаги ҳар бир риск омилнинг ўрнини белгилаб олиш, унга мос келувчи рискни бошқариш услубини танлашга имконият яратади. Бу эса



Ўз навбатида АКТ соҳасида иқтисодий рискларни бошқаришни самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Рискларни гуруҳларга ажратиб олишдан мақсад шуки, барча рисклар ҳам корхона фаолиятига бирдай ва бир вақтда ўз таъсирини кўрсатмайди. Шунинг учун рискнинг корхона фаолиятига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш учун корхоналар рискларни олдиндан таҳлил қилиб бориши лозим.

### **3.2. Замонавий ахборотлашган жамиятда ахборот rischi (хавфсизлиги) ва унинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасининг ХХI асрга қадам қўйиши ахборот ва телекоммуникация тизимларида революцион ҳолат бўлиб, иқтисодий интеграция асосида дунё миқёсида либераллашув ва глобаллашувнинг кучайиши бўлиб донг таратди. Бу шароитда Республика олдида дунё ҳамжамиятига киришни чуқурлаштириш ва янги ахборот технологияларини жамиятнинг барча жабҳаларига кенг жорий қилиш вазифалари намоён бўлди.

Ҳозирги замонавий босқичда ахборотнинг роли муҳимдир. У халқаро ҳамжамиятининг илмий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида инсоният тараққиётининг асосий ресурси ҳисобланади. Ахборот одамларнинг барча фаолиятини биринчи асоси ҳисобланади, негаки ҳар қандай ечимнинг асосида ҳар доим олинган ва қайта ишланган ахборот ётади. Шунинг учун ахборот одамларнинг алоҳида тоифалари томонидан жиноий ва антигуманитар мақсадларда ишлатилиши мумкин.

Бозор тизимига ўтишнинг иқтисодий жараёни (қўплаб хусусий корхоналарни пайдо бўлиши, давлат бошқаруви ролининг пасайиши ва ҳ.к.) товарларни ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобатни кескин кучайишига олиб боради, бу эса умумий ҳолда ишлаб чиқариш кучларини ва жамият муносабатлари жараёнини ривожланишига, агар у ривожланган шаклларда амалга оширилаётган бўлса, имконият яратади. Лекин бозор иқтисодиётининг бундай рақобатли курашида ноқонуний воситалар ва усуллар ишлатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, бозор муносабатларини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун шароит яратиш ва тадбиркорлик фаолияти маданиятини ошириш ҳамда ноқонуний

рақобат билан курашиш учун давлат ва жамоат ташкилотларини тармоқланган тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш лозим.

Юқорида айтилганлардан ўз навбатида, инсонларни ахборот хавфсизлигини ва умуман ахборотни ҳимоя қилиш муаммосини таъминлаш муаммолари пайдо бўлади. Бу муаммолар сифат жиҳатдан янги аҳамиятга эга ва ахборотни олишни рухсат этилмаган усуллари барча хоссаларини ҳисобга оладиган ишончли замонавий усуллари ва воситаларини қўллашни талаб этади.

Ўтказилаётган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан, ахборот хавфсизлигини умумлашган назарияси халигача яратилмаган. Амалиётда қўлланилаётган усуллар, ёндашишлар ҳамда воситалар жиддий камчиликларга эга ва ишончли эмас. Шунинг учун, махфий ахборотлар билан ишлайдиган шахслар етарлича тайёргарликка эга бўлишлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини бутун спектрида, уларнинг комплексли ва ўзаро боғлиқлик характери тушунган ҳолда, малакали равишда мўлжал ола билиш керак.

Ишлаб чиқаришда шу маълум бўлмоқдаки, ахборот ва у билан боғлиқ инфорацион технологиялар жамиятнинг ривожидида жуда катта рол ўйнамоқда. Малакали бўлган ҳар бир ходим — ҳуқуқшунос, муҳандис, иқтисодчи, журналист ва ҳ.к. — ҳозирги кунга келиб маълумотлар тўпланини қийинчилик билан бошқара оляпти.

АКТ ёрдамида иқтисодий тизимда мавжуд бўлган, ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисидаги моддий ва номоддий ресурслар, ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ, молиявий жараёнлар ҳамда турли бошқариш тизимлари ўртасида айрибошланадиган иқтисодий характердаги ахборотлар тўпланади ва қайта ишланади. Бу ахборотларнинг бутунлиги ҳимоялаш ва усулларнинг турли хил йўллари билан тарқалишининг олдини олиш ҳозирги замон компьютер технологиясидан фойдаланувчилар олдига жуда кўп муҳим бўлган муаммоларни қўяди.

Замонавий компьютер тизимларини яратилиши ва глобал ахборот тармоқларини пайдо бўлиши ахборотни ҳимоя қилиш муаммосини характери ва диапазонини кескин ўзгартирди. Кенг компьютерлаштирилган ва ахборотлаштирилган замонавий жамиятда реал кадриятларга эга бўлиш, уларни бошқариш,


кадриятларни узатиш ва уларга мурожаат қилиш кўпинча номоддий ахборотларга, яъни мавжуд бўлиши физик ташувчидаги бирорта ёзув билан боғланиши мажбурий бўлмаган ахборотларга асослангандир. Шунга ўхшаш, баъзида юқори аҳамиятга эга бўлган махфий ахборотни ишлатишга, ўзгартиришга, нусхалашга жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг ваколатлари аниқланади. Шунинг учун ахборотни махфийлиги ва бутунлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган барча керакли функцияларни амалга ошириш учун самарали воситаларни яратиш ва ишлатиш жуда муҳимдир.

Ахборот жуда кадрли ёки ўта муҳим бўлганлиги сабабли бундай ахборотни сақлайдиган, қайта ишлайдиган ёки узатадиган компьютер тизимларига нисбатан турли-туман ёмон ниятли ҳаракатлар мавжуддир. Масалан, бузғунчи ўзини бошқа фойдаланувчи каби кўрсатишга интилиши, алоқа каналини билдирмасдан эшитиб олиши ёки тизим фойдаланувчилари алмашаётган ахборотни ушлаб олиши ва ўзгартириши мумкин. Замонавий компьютер тизимлари ва тармоқлари, Интернет ёмон ниятли одамларга муҳим махфий ахборотни ўғирлаш, бузиш ёки халақитларга учратиш мақсадида корхоналар ва ташкилотларнинг ички тармоқларига бостириб кириш учун кўплаб имкониятлар берадилар. Шу сабабли ҳозирда инсонларнинг ва жамиятнинг ахборот хавфсизлигини ҳамда ахборотни ҳимоя қилишни таъминлаш муаммосини комплекс ечишни долзарб равишда кераклиги аён бўлмоқда.

Шу билан бирга таъкидлаш керакки, ўтказилаётган тадқиқотларга қарамасдан, ахборот хавфсизлигининг яхлит тизимини яратишни умумлашган назарияси ва амалий концепцияси (йўналиши) ҳанузгача яратилмаган. Шунинг учун махфий ахборот билан ишловчи шахсларга ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг барча жабҳаларида, уларнинг комплексли ва ўзаро келишилган характерини тушунган ҳолда, етарлича тайёргарликка ва мутахассис сифатида мўлжаллай олиш малакасига эга бўлишлари керак.

Ахборот хавфсизлиги деганда бошқарув тизими ахборот ресурслари, шунингдек дастурий ва қурилма воситаларини бузилишига ёки уларни рухсатсиз ишлатилишига олиб келадиган ҳодиса ёки фаолият тушунилади.

Ахборот тизимларининг давлат корхоналарида, молиявий тузилишларида, ҳарбий ишлаб чиқариш мажмуасида ва улардан марказлашган ҳолда фойдаланишнинг кенг йўлга қўйилиши, ахборот манбаларига рухсат берилмаган ҳолда киришдан ҳимоя қилишнинг усуллари ва воситаларини ишлаб чиқаришни талаб қилмоқда.



### 3.2.1.-расм. “Ахборот хавфсизлиги” тушунчаси тузилиши

Ахборотларни ҳимоя қилишнинг усуллари ва воситаларини ишлаб чиқариш, ахборотлар тизимида бўлаётган хавфлар олдини олишда биринчи босқич ҳисобланади.

АҚШ Мудофаа Вазирлиги қошидаги ахборотлар хавфсизлиги билан шуғулланаётган гуруҳ қуйидаги хавфларни ажратиб кўрсатмоқда: билимсиз ходимлар; хакерлар; ўз мансабидан қониқмаган хизматчилар; виждонсиз хизматчилар; ташкил қилинган айғоқчилик; уюштирилган жиноий гуруҳлар; сиёсий диссидентлар; террористик гуруҳлар; ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий айғоқчилик; “ахборотлар урушида” бор ахборотларни йўқ қилиш мақсадида рақибларнинг стратегик ҳужумлари.

Экспертларнинг фикрича, ўз соҳасида малакаси паст бўлган ходимлар ўзларининг ноўрин ҳаракатлари билан ахборотлар тизимини ишдан чиқишига олиб келишади. Бундай хавф асосан

ахборотлар тизими бошқарувчисининг яхши тайёрланмаганлигидан келиб чиқиши мумкин. Улар қандайдир субъектив омилларга асосланган ҳолда бу мавқега эришиб олишган.

Хакерлар техник жиҳатдан юқори билимга эгадирлар. Улар ахборотлар тизимининг барча жараёнларини батафсил билишади ва улар ахборотлар манбасини бузишга ҳаракат қилишади. Хакерлар кўп ва турлича бўлиб, уларнинг оддий “хазилкашларидан тортиб, жудаям уста бўлиб кетганларигача учратиш мумкин. Крэкерлар ҳам хакерларга ўхшашади, лекин улар тижорат учун ишлаб чиқилган дастурий воситаларни “синдиришиб” сотишга ҳаракат қилишади.

Ўз мансабидан қоникмаган хизматчилар корхонанинг ички хавфини ташкил қилади. Чунки уларнинг ахборотларга легал киришга ҳуқуқлари бор. Шу билан биргаликда виждонсиз ходимларни ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда уларнинг қайси бирлари корхонага катта зарар келтиришини билиш мушкулдир.

Ходимларни билиш учун кўпинча “мантиқий бомбалар” ишлаб чиқилади ва улар ходим ишдан ҳайдалгандан кейин бир неча вақт ўтиши билан “портлайди”. Масалан, Форт-Уэрт шаҳридаги фирманинг дастурчиси (программисти) Д. Барлесон ишдан ҳайдалганидан кейин икки кун ўтгач корхонадаги 168000 муҳим ёзувни ўчириб ташловчи вирусни ишлаб чиқиб, компьютер хотирасида қолдирган.

## Ахборот хавфсизлигини бузувчи фаолият ва ҳодисалар

### Ошқор қилиш

*Рухсат этилмаган шахслар ахборотга эга бўлишига олиб келувчи қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган фаолият.*

### Ахборотни чиқиб кетиши

*Таъкилотдан ташқарида ёки ишончли шахслар томонидан назоратсиз кириш*

### Рухсатсиз кириш

*Рухсат берилмаган шахслар томонидан қўриқма ҳилоф тарзда таъкилотдан чиқиш. Ҳомонданувчи ахборотни эҳтиётсизлиги сабабли кириши бузиш*

### Қўбдоғиларда ақс этади:

- хабарлар;
  - етказиб бериш;
  - тақдим этиш;
  - қайта юбориш;
  - чоп этиш;
  - йўқотиш ва б.
- Тарқатиш каналлари ва ОАВ орқали тарқалади

### Каналлар орқали:

- визуал-оптик;
- акустик;
- электроманит;
- материал-ағдодий

### Амалга ошириш усуллари:

- хавфкорлик;
- ҳақдорликка мойиллик;
- стресс билан олиш;
- яширишга тинчлаш;
- кузатиш;
- ўтириш;
- нуқса олиш;
- қалбозлаш тириш;
- йўқ қилиш;
- улаштириш;
- туғлиб олиш;
- мақоудий таъкилот чиқариш;
- расмга олиш;
- йиғилиш ва аниқлик таққилиш
- қилиш

### 3.2.2.-расм. Ахборот хавфсизлиги ва уни бузувчи фаолият ҳамда ҳодисалар

Бу соҳага яна битта мисол, Сан-Диего шаҳридаги Пентагон учун ишлаётган “Дженерал Дайнемикс” фирмасининг компьютерига жудаям кучли бўлган дастурчи “мантикий бомбани” кирилади. Агар ушбу “бомба” ишлаб кетганда 100000дан ортиқ ахборотнинг йўқотилиши фирмага зарар келтириши мумкин эди, чунки у жудаям муҳим маълумотларни “Атлас” ракетаси учун ишлаб чиқилган дастурни ўчириб юбориши мумкин эди, афсуски ушбу “бомбани” ўз вақтида топиб олишди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари инсониятни жуда қадим замонлардан бери ташвишлантириб келмоқда. Ахборотни ҳимоя қилишнинг зарурлиги ҳам ҳарбий, ҳам дипломатик маълумотларни узатиш эҳтиёжидан келиб чиққан.

Замонавий ахборотлашган жамиятда кўпроқ «ахборот» тушунчаси – сотиб олиш, сотиш, бирор бошқа нарсага алмаштириш ва мумкин бўлган махсус товарнинг белгиланиши каби маъноларда ишлатилади. Бунда ахборотнинг нархи унинг ўзи жойлашган компьютер тизимининг ўзидан юзлаб ва минглаб марта ошиб кетади. Шунинг учун, табиийки, ахборотни рухсат этилмаган мурожаат этишдан, билатуриб ўзгартиришдан, ўғирлашдан, йўқ қилишдан ва бошқа жиноий ҳаракатлардан ҳимоя қилишнинг жиддий зарурлиги келиб чиқади.

### **3.3. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ахборот технологияларининг ҳамда ахборот рискларининг асосий ва амалий аспекти**

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ахборот коммуникация технологияларининг аҳамияти беқиёс.

Ўтган асрнинг 90 йилларида техника ва технологияларнинг мукамал бўлмаганлиги сабабли Республикада улкан, аммо фойдаланиш учун, айниқса, тезкор вазифаларни бажаришда ўта ноқулай бўлган йирик ҳисоблаш марказлари бўлган. Бу ҳисоблаш марказларида асосан бухгалтерия ва статистикага оид оммавий ахборотлар қайта ишланган. Электрон алоқа эса фақат ёрдамчи вазифасини ўтаган. Шахсий компьютерларнинг йўқлиги корхонада иш жараёнини оғирлаштирган ҳолда самарадорлик ва йиллик фойда кўрсаткичларига катта салбий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши ва чет эл илмий техника ахборотларига кенг йўл очилиши билан Республикадаги ҳисоблаш марказлари тез суръатларда йўқола бошлагани бежиз эмас. Шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши маълумотларни ишлаш соҳасида ҳақиқий инқилоб ясади. Энди ҳар бир ахборот ишлаб чиқарувчининг ўзи уни машинага киритиб, қайта ишлай бошлади. Шахсий компьютерлар ҳар бир иш жойида, ҳар қандай идорада, бошқарув тизимида одатий ҳолга айланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборотлашган жамият барпо қилиш Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигига Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, ҳукумат қарорлари мазмунидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси

шундаки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳозир нафақат идораларда ва бошқарув органларида ишламоқда, балки улар Республикамиз оддий фуқароларининг уйларига кириб борди ва ҳаётларининг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ахборот коммуникацияларининг жамият ва ҳар бир кишининг ижтимоий камол топишига таъсири, унинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни нақадар катта эканлигининг муҳим белгисидир. Ахборот коммуникациялари бундан кейин ҳам ривожланибгина қолмай, балки замонавий жамиятда улкан қадамлар билан такомиллашиб бораверади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг асосий вазифаси аҳоли ва халқ хўжалигининг алоқа хизматлари ва воситаларига бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, халқ хўжалигидаги алоқа бу — шахс ва жамиятнинг турли кўринишдаги ахборотларни алмашишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган. Алоқа соҳасининг ишлаб чиқаришдан фарқи шундаки, соҳадаги меҳнат предмети ашёвий бўлмайди. Умумжамят ишлаб чиқаришининг самарали ишлаши учун катта роль ўйнайдиган барча соҳалар соҳавий ишлаб чиқариш инфратузилмаси деб аталади.

Бу соҳаларга алоқа соҳаси билан бирга транспорт, йўл қуриш, моддий-техник таъминот каби соҳалар киради. Алоқа воситаларининг ривожланиши мамлакатнинг миллий даромадини оширишга ва бутун халқ хўжалигини самарали ишлашига туртки бўлади.

Шу билан бирга, алоқа аҳоли ва ишлаб чиқариш соҳасидаги барча ахборотларни узатишга бўлган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган.

Алоқа соҳасининг асосий хусусиятлари. Алоқа соҳасининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Алоқа маҳсулотининг ноашёвий хусусияти. Алоқа соҳаси ахборот ўтказиш билан шуғулланади. Ахборот эса ноашёвий хусусиятга эга. Ноашёвий деганда, маҳсулот мавжуд, лекин уни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайди.

2. Алоқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёни узлуксиздир. Алоқа корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида бузилишларнинг асосий кўрсаткичларидан



бири бу ҳаракатдаги алоқанинг турли сабабларга кўра тўхташидир (чизиклардаги узилишлар, станцион қурилма ишидаги бузилишлар, электр таъминотининг ишдан чиқиши ва б.қ.). Бу ҳолда ишлаб чиқариш жараёни тўхтади, яъни истеъмолчи маҳсулотни истеъмол қила олмайди. Юқорида келтирилганлар назоратни бошқаришга ва алоқа корхонасининг иш сифатини яхшилашни рағбатлантиришга катта аҳамият бериш лозимлигини кўрсатади.

3. Алоқа соҳасининг ягона тармоғининг мавжудлиги. Шаҳарлараро маълумот узатиш бўйича (телефон сўзлашуви, хат, телеграмма ва б.қ.) ишлаб чиқариш жараёнида турли шаҳар ва туманларда жойлашган бир нечта алоқа корхоналари қатнашади. Шунинг учун алоқа соҳасида ягона техник сиёсат юритиш ва алоқани барча кўринишлари бўйича ягона эксплуатацион қоидаларни киритиш жуда зарурдир. Алоҳида алоқа корхоналари ўз ихтиёри билан янги техникани ишлаб чиқариш жараёнига кирита олмайди. Ишлаб чиқариш жараёнида бир нечта алоқа корхоналарининг қатнашиши сабабли пулли хизматлардан тушган даромадлар ушбу корхоналар орасида қайта тақсимланади.

4. Алоқа хизматларига бўлган талаб юкламасининг нотекис тақсимланганлиги алоқа соҳасининг тўртинчи хусусияти ҳисобланади. Алоқа хизматларига маълум бир вақт мобайнида (соат, кеча, кун, ҳафта, ой, йил) тушаётган юклама нотекис тақсимланган бўлади. Бу хусусият аҳолининг турмуш тарзи ва халқ хўжалигининг ишлаш жараёни билан узвий боғлиқдир.

Юкламани камайтириш мақсадида алоқа корхоналари куйидагиларни таъминлашлари лозимдир:

1. Тушаётган маълумотларни ўз вақтида ва юқори сифатда узатиш;

2. Меҳнатни ва моддий ресурсларни максимал сарфлаш.

Соҳани ривожлантиришдан асосий мақсад инновацион технологияларни ривожлантириш ва ютуқларини тўлиқ қўллаш орқали турли кўринишдаги ахборотларни узатиш бўйича аҳоли ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини тўла ва юқори сифатда қондиришдан иборатдир. Алоқа соҳасининг асосий хусусиятлари ахборотлар алмашинуви вақтида хизмат кўрсатади. Ахборотлардан фойдаланиш, ахборотларни узатиш ва қабул қилиш, уларни ўзгартириш каби ахборотлар билан ишлашда бу

ахборотларнинг хавфсизлиги энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолади. Ахборотларнинг хавфсизлигини таъминлаш ўз навбатида ахборотларнинг сифатини ва нархини ошишига олиб келади. Натижада, бу ахборотлар билан ишлаётган компанияларнинг даромадига сезиларли таъсир кўрсатади.

Алоқа корхоналари истеъмолчиларга - аҳоли ва халқ хўжалигига икки юздан ортиқ турли алоқа хизматларини кўрсатишидан (шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлар, телеграммаларни қабул қилиш ва етказиб бериш, радионукталар ва телефон аппаратлари ва бошқалар) иборат.

Алоқа соҳасининг асосий хусусиятларидан бири – бу бир алоқа корхонаси доирасида тугалланмаган ишлаб чиқариш жараёнидир (шаҳарлараро ёки халқаро алоқа хизматини кўрсатишда), яъни бир станция фаолият юритиши учун бир неча станция ишлаши керак.

Ҳар қайси корхона маълумот узатишнинг фақат бир босқичида қатнашади – чиқувчи, кирувчи ёки транзит ва ҳар қайси алоқа корхонаси хизматларнинг бир қисмини яратишда қатнашади. Лекин улар томонидан бажарилган ишлар учун меҳнат харажатлари ва ишлаб чиқариш воситалари талаб этилади. Ҳар қайси алоқа корхонасининг иш ҳажми корхона қайта ишлаган маълумотлар миқдори билан баҳоланади (чиқувчи, кирувчи, транзит). Булар ушбу корхонани истеъмолчиларга кўрсатган хизматлари миқдорини аниқлайди. Хизматлар миқдори чиқувчи маълумотлар миқдори орқали аниқланади. Чунки, айнан улар корхонага даромад келтиради.

Бундан ташқари, алоқа соҳасида шундай корхоналар борки, уларнинг ишлашидан мақсад: магистрал ва зоналараро алоқа корхоналарида трактлар, каналлар ва узатиш чизикларининг узлуксиз ишлашини таъминлашдан иборат, яъни улар қурилмаларга фақат техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ушбу корхоналарнинг иш ҳажми алоқа қурилмалари ва воситаларига хизмат кўрсатиш миқдори билан аниқланади. Маҳаллий телефон алоқа, радиолаштириш, радиоэшиттириш ва телевидение каби соҳаларда ахборот узатиш бўйича ишлаб чиқариш жараёнида кўрсатилаётган хизмат билан боғлиқ иш ҳажмини тўлиқ амалга оширадиган фақат битта алоқа корхонаси қатнашади. Шундай қилиб, алоқа хизмати бу – маълумот узатиш бўйича ишлаб чиқариш фа-

олиятининг якуний натижасидир (масалан: амалга оширилган шаҳарлараро телефон сўзлашувлар, берилган натурал ва пул кўринишида режалаштириш асосида, алоқа хизматларига бўлган талаб ҳамда корхонанинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади). Бозор иқтисодиёти шароитида, юқорида келтирилганлардан ташқари, бошқа режалаштириш шакллари ҳам мавжуд. Барча режалаштириш шаклларининг асосий мақсади корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш ва кам харажат қилиб, кўп фойда олишга йўналтирилган бўлади.

Алоқа корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси кўп томондан барча кўринишдаги ресурсларни ривожлантиришга, янгилашга, ишлатишга ва уларнинг ҳолатига боғлиқдир. Алоқа корхонаси материалининг асоси бўлиб, уларнинг ихтиёрида бўлган ва турли кўринишдаги маълумотни узатиш учун ҳамда алоқа хизматларини яратиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари хизмат қилади. Товар-пул муносабатлари мавжуд шароитида корхонанинг моддий воситалари натурал ва қиймат шаклида қатнашади.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши ер шарининг турли нуқталарида жойлашган корреспондентлар ўртасидаги ҳар қандай турдаги ахборот алмашинуви соҳасида инқилобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Ушбу технологияларни қўллаш натижасида эришилган афзалликлар замонавий жараёнлар ривожидида кўпгина вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга имкон бермоқда.

Ахборот рисқи миллий, маҳаллий ва ҳалқаро хавфсизликни белгиловчи асосий факторлардан бирига айланди. Уни таъминлаш эса давлатнинг асосий принципларидандир.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати замонавий умумжаҳон ривожланиш тенденцияларини ва ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ахборот тизимларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга йўналтирилган.

Ахборотлаштириш – жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот рисклари, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари тизимларини қўллаган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техникавий жараёндир.

Ахборот ресурси – ахборот тизимини таркибида электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки ва маълумотлар базасидир.

Ахборот ресурслари ёки ахборот тизимлари эгаси – қонунда Ахборот ресурслари ёки ахборот тизимлари эгаси томонидан белгиланган қоидалар чегарасида ахборот ресурслари ёки ахборот тизимлари эгаллик қилувчи, улардан фойдаланувчи жисмоний ёки юридик шахслардир.

Ахборот технологиялари – ахборотни йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва қўллашга имкон берувчи методлар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар жамланмаси.

Ахборот тизими – ахборотни йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва қўллашга имкон берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тизимлаштирилган шаклидир.

Ахборотнинг очиклиги – ахборот хавфсизлигининг асосий аспекти ҳисобланади. Ахборот тизимлари энг аввало маълум ахборот хизматларини олиш учун яратилади. Агар бу хизматларни олишнинг иложи бўлмаса, бу ахборот муносабатларининг барча субъектларига зарар келтиради.

Ахборотнинг яхлитлилиги ҳам ахборот хавфсизлигини энг муҳим аспектларидан бири бўлиб, ахборотни ноқонуний ўзгартириш ёки бузилишининг олдини олишини таъминлайди.

Ахборотнинг конфеденциаллиги – энг кучли ишланган ва барча ўлчовлар бўйича аҳамиятга эга аспект ҳисобланади. Унинг ҳимоясида қонунлар, меъёрий актлар, техник воситалар ва турли давлат тузилмаларининг кўп йиллик тажрибаси туради. Бироқ ахборотнинг конфеденциаллигини таъминлаш – ахборот хавфсизлигини амалий жиҳатдан амалга ошиши жуда мураккаб аспектдир.

Ахборот хавфсизлиги ёки ахборот технологиялари хавфсизлиги деб, ахборот ресурслари эгаси ёки ахборот фойдаланувчисига зарар келтириши мумкин бўлган ички ёки ташқи характердаги ихтиёрсиз ёки ихтиёрий таъсирлар, ахборот ҳисоб тизимида қайта ишланган ахборотнинг ҳимояланганлик даражасининг юқори кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Бу таърифга кўра ахборот хавфсизлиги дейилганда фақатгина ёмон ниятли ҳаракатлардангина эмас, балки

тасодифий, табиий, иқтисодий характердаги таъсирлардан ҳам химояланиш лозимлиги келтирилади.

Ахборот хавфсизлиги – кўпқиррали фаолият соҳаси бўлиб, муваффақиятга фақат тизимли комплекс ёндашув орқали эришиши мумкин.

Ахборот хавфсизлиги тизими муаммоларини хусусиятига кўра 3та гуруҳ бўйича таснифлаш мумкин:

- ахборот хавфсизлиги вазифалари;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш даражалари;
- ахборот хавфсизлигидан манфаатдор субъектлар.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш моҳиятан турлича бўлган дўртта субъектлар катогорияси мавжуддир:

- бутун бир давлат;
- давлат ташкилотлари;
- тижорат тузилмалари;
- алоҳида фуқаролар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини бир қатор қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиш ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ташкил этади.

2003 йилда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун ахборотни химоялаш соҳасидаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосини таъминлашдаги жиддий қадам бўлди. Ушбу қонунда “конфиденциал ахборот” тушунчасига расмий таъриф берилиб, бунда ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва бошқа жараёнларни амалга оширувчи ташкилотларга нисбатан ҳуқуқий талаблар қўйилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Қонунда, агар ахборотга кириш чекланган бўлса, у ҳолда ахборотни химоя объекти сифатида давлат ва хусусий ахборотларга ажратилмайди.

2003 йилда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида фуқаро ва ташкилотларга хизмат қилувчи чегараланган, очиқ хужжатлаштирилган ахборотни қайта ишлаш ва химоялаш воситаларини сертификатлаш мажбурияти, шунингдек ахборотни химоялаш воситаларини ишлаб чиқарувчи ва лойиҳалаштирувчи ташкилотларнинг лицензия олиш мажбурияти келтирилади. 2003

йилда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида эса ахборотни ҳимоялаш, ахборотни ҳимоялашнинг махсус воситаларини эксплуатация қилиш, шунингдек ахборот тизимларини ҳимоялашнинг ташкилий чегараларини таъминлаш борасида талабларга риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш айтиб ўтилади.

2003 йил декабрида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Ушбу қонун электрон ҳужжатларда электрон рақамли имзони қўллашнинг ҳуқуқий шароитларини таъминлашга қаратилган.

Умуман олганда, ахборот хавфсизлиги тизимининг ҳуқуқий базаси мукамал бўлишига қарамай, такомиллаштириб бориш лозим бўлади.

Корхонада ахборот хавфсизлиги тизими муҳим аҳамиятга эга экан, тайёрланмаган инсон учун кўпгина махсус ҳужжатларни қўллаш ва ишлатиш осон бўлмайди. Қуйида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида ва ахборот хавфсизлиги соҳасида тегишли бўлган қонунларда келтирилган конфеденциал ахборотнинг баъзи кўринишлари келтирилади:

Фуқаролар ҳақида ахборот – (персонал маълуматлар) – фуқаронинг унинг шахсиятини идентификациялашга имкон берувчи фактлар, ҳодисалар ва ҳаёт шароитлари ҳақидаги маълумот.

Хизмат сири. Агар ахборот ҳақиқий ёки эҳтимолий тижорий қимматликка эга бўлса, у ҳолда ахборот сир ҳисобланади. Қонунда, агар ахборотга кириш чекланган бўлса, у ҳолда ахборотни ҳимоя объекти сифатида давлат ва хусусий ахборотларга ажратилмайди.

Солиқ сири. Солиқ сирини солиқ органларидаги солиқ тўловчи ҳақида олинган ҳар қандай маълумотлар ташкил этади.

Алоқа сири. Электр тармоқлари ёки почта алоқаси бўйича узатилаётган ёзишмалар, телефон сўзлашувлар, телеграф, почта жўнатмалари ва бошқа маълумот сири Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан сақланади.

Банк сири. Банк ҳисоби, банк қўйилмалари, ҳисоб китобдаги операциялар ва мижоз ҳақидаги маълумотлар сирларини сақланиши кафолатланади.

Суғурта сири. Суғурта қилувчи ўзининг профессионал фаолияти натижасида олган суғурта қилинувчи ҳақидаги маълумотларни эълон қилишга ҳаққи йўқ.

Юқорида келтирилганлар амалиётда, агар ташкилот томонидан ушбу турдаги ахборот ҳимояланмаган тақдирда унинг бошқарув органларига ушбу масалани кўндаланг қўйиши зарур бўлади. Ахборотни рисклардан ҳимоялашнинг энг оддий усулларидан бири рискларни баҳолашдир.

Рискларни баҳолашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш тавсия этилади:

- рискларни ўлчаш меъёрлари;
- ҳодисалар эҳтимоллигини баҳолаш;
- рискларни ўлчаш технологияси.

Рискларни ўлчаш меъёрлари. Қайсидир хусусиятларни ўлчаш учун шкала танлаш зарурдир. Шкалалар бевосита ёки билвосита ҳосилавий бўлиши мумкин. Бевосита шкалаларга мисол тариқасида физик катталикларни ўлчаш шкаласини келтириш мумкин. Масалан, суюқликни ўлчаш учун ҳажм литрларида, узунликни ўлчаш учун эса метрли шкала бўйича амалга оширилади.

Қатор ҳолатлар учун бевосита шкалалар мавжуд эмас. Рискларни объектив ёки субъектив меъзонлар бўйича баҳолаш мумкин. Объектив меъзонга мисол қилиб, қандайдир қурилманинг, масалан, шахсий компьютерлар маълум бир вақтга ишдан чиқиш эҳтимолини келтириш мумкин. Кўрилатган мисолга биноан субъектив баҳога эга бўлиш учун шахсий компьютерни ишдан чиқиш рискни баҳолашда тўғридан-тўғри эксперт баҳолаши ёки маълумотларни рискларнинг шкаласига айлантириш мумкин.

Энг оддий ҳолатларда рискларни икки омил бўйича баҳолаш ўтказилади: юз берадиган ҳодисанинг эҳтимоллигини ва оқибатларининг оғирлиги бўйича. Одатда риск қанчалик катта бўлса, унинг келиб чиқиш эҳтимоли ва оқибатлари ҳам шунчалик катта бўлади. Умумий ғоя ушбу формула орқали ифодаланиши мумкин:

$$\text{Риск} = P_{\text{юз бериши}} * \text{йўқотишлар баҳоси}$$

Агар ўзгарувчилар – сонли катталиклар ҳисобланса, у ҳолда риск – бу йўқотишни кутишни математик баҳолашдир.

Агар ўзгарувчилар – сифатли катталиклар бўлса, ўлчаш жараёнлари аниқ бўлмайди. Рискларни баҳолаш учун урта мазмундаги шкала ўрнатилади:

- паст даражадаги риск;
- ўртача даражадаги риск;
- юқори даражадаги риск.
- Конкрет ҳодиса билан боғлиқ риск икки омилга боғлиқ бўлади.

Базавий даражадан кўра юқорироқ даражага мўлжалланган хориж методикаси асосида рискларни урта омил бўйича баҳолаш модели қўлланилади:

- таҳдидлар;
- камчиликлар;
- йўқотишлар.

Таҳдид – ахборотнинг яхлитлиги, очиклиги, махфийлигининг бузилишига сабаб бўлувчи шартлар ва омиллар йиғиндиси.

Камчилик – таҳдидларни амалга оширилишига имкон яратувчи, ҳимоя тизимидаги камчиликлар.

Ушбу ёндашувга кўра ҳодисанинг юз бериш эҳтимоллиги таҳдид ва камчиликларнинг даражасига биноан объектив ва субъектив катталиқда бўлиши мумкин:

$R = R_{\text{таҳдидлар}} * R_{\text{камчиликлар}}$  шунга мос тарзда риск куйидагича ҳисобланади:

$RISK = R_{\text{таҳдидлар}} * R_{\text{камчиликлар}} * \text{Йўқотишлар баҳоси}$

Агар унда сонли шкалалар қўлланилса, ушбу ифодани математик формула сифатида кўриш мумкин. Агарда бу ифодада битта бўлсада сифатли шкала қўлланса, у ҳолда бу формуланинг умумий ғоя шакли сифатида кўриб чиқиш мумкин, шундай бўлган тақдирда рискни ҳисоблаш учун турли жадвалли усуллардан фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги вақтда компаниянинг ахборот рискларини баҳолаш ва уни бошқаришда турли методлардан фойдаланилади. Компания ахборот рискларини баҳолаш куйидаги режа асосида амалга оширилиши мумкин:

1. Компаниянинг бизнес учун аҳамиятли бўлган ахборот ресурсларини идентификациялаш ва сон жиҳатдан баҳолаш;
2. Эҳтимолий хавфларни баҳолаш;



3. Мавжуд камчиликларни баҳолаш;
4. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари самарадорлигини баҳолаш.

Компаниянинг бизнес учун аҳамиятли ахборот ресурслари агар уларга нисбатан қандайдир таҳдидлар бўлган тақдирда рискка айланади. Бошқа сўз билан айтганда рисклар корпоратив ахборот тизими компонентларига таҳдид қилувчи хавфни ифодалайди.

Бунда компаниядаги ахборот рисклари қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- ахборот ресурсларининг қимматлилик кўрсаткичлари;
- таҳдидларнинг амалга ошириш эҳтимоллиги;
- мавжуд ёки режалаштирилаётган ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситаларининг самарадорлиги.

Рискларни баҳолашдан мақсад, корпоратив ахборот тизими ва унинг ресурсларидаги рискларнинг тавсифини англашдир.

### 3.4. Ахборот рискларини бошқаришнинг мазмуни, моҳияти, хусусиятлари ва таснифлари

Жамият ривожининг замонавий босқичини ахборотлар тўплами ахборот инфратузилмаси ахборотни йиғиш, шакллантириш тараққиёти ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи субъектларни ўз ичига олувчи ахборот соҳасининг ўрни ҳамда бу жараёнда юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартиблаш тизими орқали тавсифланади. Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлиги ахборот рискларини самарали бошқариш ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга боғлиқ бўлади ҳамда техник прогресс билан бирга бу боғлиқлик тобора ортиб боради.

Ахборот рискларини бошқаришнинг мазмунини ёритишда рискларнинг қаерда ва қандай ҳолда юзага келиш ҳолларини тахмин қилиб кўрамиз. Ахборот рисклари алоқа соҳасида фаолият юритувчи ҳар бир корхонанинг ривожини учун хавф солади, шундай экан рискларни ўрганишни алоқа соҳасининг асосий хусусиятларини ўрганишдан бошлашимиз зарур.

Яхлит ахборот муҳити, бир томондан жаҳон ахборот ҳамжамиятига, жамият муносабатларининг глобаллашувига ўтишда зарур ҳисобланган ахборот жамиятининг муваффақиятли

шаклланишида муҳим омил ҳисобланса, иккинчидан, мамлакатнинг ахборот суверенитетини сақлаб қолиш ва давлатни мустаҳкамлаш сингари асосий шартларни бажарувчи замонавий давлатчиликнинг муҳим кўриниши сифатида юзага чиқади.

Ахборот муҳити Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа хавфсизлик соҳалари ҳолатига фаол таъсир ўтказди. Миллий хавфсизлик ахборот хавфсизлигини таъминлашга моҳиятан боғлиқ ва зарурий бўлиб қолади, илмий техник прогресснинг ўсиши билан эса боғлиқлик янада ортади.

Ахборот хавфсизлиги деганда, ўз ичига шахсий, жамоа ва давлат манфаатларини олувчи ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни ҳимоя қилиш тушунилади. Ахборот соҳасидаги шахсий манфаатлар, инсоннинг ва фуқоронинг ахборот олишга, қонунда таъқиқланмаган фаолият учун бу ахборотдан фойдаланишда рухий ва интеллектуал ривожланишга, шунингдек шахсий хавфсизликни таъминловчи ахборотни ҳимоялашга бўлган конституцион ҳуқуқини амалга оширишдан иборат.

Ахборот соҳасидаги жамоа манфаатлари бу соҳадаги шахсий манфаатларни таъминлаш, демократлаштириш, ҳуқуқий, ижтимоий давлат барпо қилиш, жамоа келишувига эришиш ва уни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ахборот соҳасидаги давлат манфаатлари фуқароларнинг ахборот олиши ва ундан фойдаланишдаги конституцион ҳуқуқини амалга ошириш учун ахборот инфратузилмасини бир маромда ривожлантириш, суверенитет ва ҳудудий яхлитлик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлигининг асосийлари деб қуйидагиларни айтиш мумкин:

- ахборотга ноқонуний кириш ва ахборот телекоммуникация тизимлари устидан назорат ўрнатишга йўналтирилган жиноий ҳамкорлар, ташкилот ва гуруҳлар, алоҳида шахсларнинг фаолияти;
- ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш бўйича ўрнатилган тартибларнинг бузилиши, ахборот телекоммуникация тизимлари ходимларининг атайлаб қилинган ҳаракатлари ва хатолари, техник воситаларнинг ишламай қолиши ва ахборот

телекоммуникация тизимларининг дастурий таъминотидаги бузилишлар;

- белгиланган талабларга кўра сертификатга эга бўлмаган хавфсизлик воситаларининг ва алоқа ва ахборотлаштириш тизимларининг қўлланилиши;
- ташкилот ва фирмаларнинг ахборот телекоммуникация тизимларини яратиш, ривожлантириш, ва ҳимоялаш ишларида бу турдаги фаолият учун давлат лицензияга эга бўлмаган шахсларнинг жалб этилиши в.б.

Тадқиқот ва тажрибалар кўрсатганидек, ахборот тизимлари, телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ўта долзарб ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун нафақат илмий-техник ва ташкилий тадбирлар, балки ҳимоянинг махсус воситалари ва усулларининг қўлланилиши, мукамал ташкил этилган ва доимий бошқарилиб турувчи яхлит ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратилиши лозим бўлади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларини муваффақиятли ҳал этилишида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилади.

Чет эл ахборот технологияларини давлат, жамоат ва шахсий фаолият соҳаларига интенсив жорий қилиш, шу билан бирга қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат стратегиясининг асосий йўналишларини шунингдек, уларни амалга ошиши билан боғлиқ тадбир ва механизмларни ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, жумладан бу борада давлатнинг илмий сиёсатини ишлаб чиқиш, ахборот хавфсизлигидаги рискларни баҳолаш ва прогнозлаш услублари ҳамда воситаларини бу рискларни бошқариш ва ундан қутулиши мумкин бўлган салбий натижаларни бартараф этиш тизимларини ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсад ва дастурини ишлаб чиқиш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ва воситалари самарадорлигини баҳолаш методлари ва мезонларини, шунингдек уларни сертификатлаштиришни ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги меъёрий-ҳуқуқий методик базани такомиллаштириш, яъни фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш механизмлари, ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш шакллари ва усуллари ва бошқалар.
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига риоя қилиш бўйича давлат ҳокимият органларига, маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахслар орасидан масъул жавобгар шахсларни тайинлаш;
- давлат ҳокимият органларининг корхона ва ташкилотларнинг мулк шаклидан қатъий назар ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини координациялаш;
- ахборотни ҳимоялаш давлат тизими ҳамда давлат сирларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- халқаро телекоммуникация тизимлари ва алоқа тармоқлари орқали кириб келувчи ахборотлар хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-техник ва ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишда халқаро, чет эл идоралари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;
- ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар яратишнинг яхлит тизимини яратиш в.б.

Ахборот рисклари – бу компания томонидан ахборот технологиялари қўлланилиши катта зарарлар ёки зиёнларнинг вужудга келишидир. Бошқача қилиб айтганда, ахборот рисклари электрон ташувчилар ёки бошқа алоқа воситалари ёрдамида ахборотни яратиш, узатиш, сақлаш ва қўллаш билан боғлиқ бўлади.

Ахборот рискларини бошқаришдан мақсад, иқтисодий жиҳатдан самарали ва асосланган ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқаришдан иборат.

Уларнинг асосий вазифаси компания бизнеси учун муҳим бўлган ахборот рискларини идентификациялаш ва баҳолаш, шунингдек, компаниянинг иқтисодий фаолияти самарадорлигини ва рентабеллигини ошириш учун рискларни назорат қилишда қўлланилувчи воситаларни баҳолашдан иборат.

Ахборот рискларини таҳлил қилиш мавжуд бўлган қимматли ахборот бўйича юзага келиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш учун рискларни ахборот хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатлар билан солиштириш учун ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга кетадиган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш учун зарур.

Риск деганда ахборот ҳисоб тизими компонентларига таъсири натижасида бевосита ёки билвосита ахборот ресурслари эгасига ёки тизим фойдаланувчиларига зиён келтириши мумкин бўлган воқеа, жараён ёки ҳодиса тушунилади. Лекин автоматлаштирилган тизимларнинг ахборот хавфсизлиги хатарларига ўтишдан олдин, ташкилотдаги йўқотиш каналларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ахборотнинг йўқотиш каналларини 4 та гуруҳга ажратиш мумкин:

1-гуруҳ — маълумотларни қайта ишлаш тизимлари элементларига кириш билан боғлиқ, лекин тизим компонентларини ўзгартиришни талаб қилмайдиган каналлар. Бу гуруҳга қуйидагилар ҳисобига вужудга келадиган каналлар киради:

- дистанцион яширин видео кузатув ёки расмга олиш;
- эшитувчи воситаларни қўллаш;
- электромагнит нурланишларни тутиш.

2-гуруҳ — тизим элементларига кириш ва унинг компонентларининг структурасини ўзгариши билан боғлиқ каналлар. Унга қуйидагилар киради:

- ахборот ташувчилар;
- қайта ишланган ахборотни ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш чиқиндиларини йиғиш;
- маълумотларни бошқа фойдаланувчилар файлларидан атайлаб ўқиб олиш;
- қолган ахборотни, яъни вазифалар бажарилгач магнит ташувчиларда қолган маълумотларни ўқиш;
- ахборот ташувчилардан нусха олиш;
- ахборотга олиш мақсадида қайд қилинган фойдаланувчилар терминалларидан атайлаб фойдаланиш;
- қайд қилинган фойдаланувчи номи остида қайта ишлаш тизимларида қўлланиладиган ахборотга киришни чегаралаш

реквизиторларини ва паролларни ўғирлаш йўли орқали никобланиш;

- ахборотга кириш учун турли “тешик” “йўлак”лардан фойдаланиш; яъни дастурий таъминотнинг умумтизимли компонентларини мукамал эмаслиги натижасида келиб чиқадиган, киришни чегараловчи механизмларини айланиб ўтиш имконияти в.б.

3-гуруҳ – ўз ичига қуйидагиларни олади:

- тизим қурилмаларига ёки алоқа линияларига ноқонуний равишда махсус қайд қилинувчи аппаратураларни улаб қўйиш (модем ва факсимель алоқаларни эгаллаш);
- дастурларга қасддан ўзгартиришлар киритилиши, бунда ушбу дастурларнинг асосий вазифалари ахборотни қайта ишлаш билан бир қаторда химоя қилинаётган ахборотларни ноқонуний йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш учун мослаштириб қўйиш;
- химоя механизмларини атайлаб ишдан чиқариш.

4-гуруҳга қуйидагилар киради:

- маълум хизматдаги лавозимли шахсларни сотиб олиш ёки бошқа йўллар билан ноқонуний тарзда ахборотни қўлга киритиш;
- фаолиятнинг моҳиятини билувчи ходимлар, таниш-билишлар, хизмат қилувчи персонални ёки қариндошни сотиб олиш ва шантаж йўли билан ахборотга эга бўлиш.

Яширин ва дистанцион видеокузатув ҳисобига ахборотларнинг ўғирланиши. Бу турдаги воситалар ичидан кўпроқ бир неча миллиметрли кичик объектга эга бўлган яшириш ўрнатилган фото ёки видеокамера қўлланилади.

Шунингдек, яширин кузатув учун девор соатига, ёнғин сигнализаторидаги кўрсаткичларга, катта бўлмаган радиоларга шунингдек, галстук ёки шим ременига ўрнатилган микровидеокамералар ишлатилади.

Ушбу видеоёзув кичик ҳажмли видеомагнитофонга ёзиб олинishi ёки кичик ҳажмли узатувчилар ёрдамида радиоканал орқали бошқа бир жойга узатилиши мумкин. Узатиш масофаси узатувчи қурилманинг қувватига кўра 200 метрдан 1 км гача бўлади.

Сўзлашув ахборотини лазерли суръатга олиш. Баъзида сўзлашув ахборотини дистанцион тарзда қўлга киритиш учун лазер курилмалари қўлланилади. Кузатув пунктидан овоз манбаига йўналтирилган ҳолда нур юборилади. Ушбу нур одатда дераза ойналарига, кўзгуга ёки бошқа акс эттирувчи воситаларга йўналтирилади.

Бундан ташқари ахборотга ўғринча эга бўлиш мақсадида компьютерлардаги ахборотни суръатга тушириш учун махсус қўшимча курилмалар ҳам қўлланилади. Шу билар бирга ахборот салбий электромагнит нурланиш ҳисобига ҳам ўғирланиши ёки йўқотилиши мумкин.

Рискларни бошқариш – бу рискларни идентификациялаш, таҳлил қилиш ва корхонада ахборот хавфсизлигига доир рискли ҳодисаларнинг салбий натижаларини минималлаштириш, ижобий натижаларини максималлаштиришга доир қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлардир.

Рискларни бошқариш жараёни одатда куйидаги тадбирларнинг бажарилишини ўз ичига олади:

1. Рискларни бошқаришни режалаштириш – ёндашувларни танлаш ва рискларни бошқариш бўйича фаолиятни режалаштириш.
2. Рискларни идентификациялаш – рискларни аниқлаш ва уларнинг характеристикаларини хужжатлаштириш.
3. Рискларни сифат жиҳатидан баҳолаш – рискларни ва унинг келиб чиқишини, муваффақиятга таъсирини англаш мақсадида сифат жиҳатларини таҳлил қилиш.
4. Рискларни миқдор жиҳатдан баҳолаш - рискларнинг келиб чиқиш эҳтимолини ва оқибатларини миқдор жиҳатдан таҳлил қилиш.
5. Рискларга жавоб қайтарилишини шакллантириш – рискли ҳолатларнинг салбий оқибатларини пасайтириш ва афзалликларини қўллаш бўйича чора-тадбирларни аниқлаш.
6. Рисклар мониторинги ва назорати – рисклар мониторинги, қолган рискларни аниқлаш, лойиҳа рискларини бошқариш режасининг бажарилиши ва рискларни минималлаштириш бўйича чораларни самарадорлигини баҳолаш.

Юқорида келтирилган барча чора-тадбирлар бир-бири билан ўзаро алоқадордир.

Ахборот хавфсизлиги тизими. Ахборот тизимида ахборот ҳимоясини таъминлаш бўйича восита ва чоралар йиғиндиси ва ахборот соҳаси томонидан хавфсизлик объекти учун ахборот рискларини минималлаштириш керак. Маълумотларни қайта ишлаш тизимига табиий рисклар ҳисобига ҳар доим ҳам инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тарзда келиб чиқувчи ёнғинни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам маълумотларни қайта ишлаш тизимини лойиҳалаштириш ва эксплуатациялашда албатта, ёнғин хавфсизлиги масалалари ҳал қилиниши лозим.

Компьютерларда маълумотларни қайта ишлаш тизимига бўладиган яна бир хатар – бу яшин уришидир. Бу муаммо тез-тез учрамаса ҳам, лекин каттагина зиён етказа олади, буни ҳатто жуда катта зиён етказа олади деб айта оламиз. Агар кучли электромагнит кучланишлар ва момақалдиноқ таъсирларидан ҳимояланиш бўйича зарур техник чора-тадбирлар қўлланилмаган бўлса, у ҳолда алоҳида ишчи станциялар ёки тизим серверлари ишдан чиқиши мумкин.

Натижада ташкилот иши маълум бир вақтгача тўхтаб қолади. Тижорат фирмаси бундай ҳолатларда ишончли ҳамкор сифатидаги ўз имиджини ҳамда миждозларини йўқотиши мумкин.

Аборот рискларини бошқариш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш – биринчи навбатда бунинг учун кетган харажатларни қоплаши ва оқлаши керак, шунинг учун ҳам ҳимоялашга кетган харажатлар эҳтимол қилинаётган зарар суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

Ҳозирги кунда ҳар қандай корхона учун ахборот хавфсизлиги шароитларини яратиш, ташкил этиш унинг ривожини учун муҳим омил ҳисобланади. Бунда асосий эътибор ахборотни ҳимоялаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий методик базанинг шароитларига қаратилади.

Айни кунда Республикамизда стандартлаштириш соҳасида куйидаги меъёрий ҳужжатлар устида ишлаш давом этмоқда:

- ҳимоя тизимини ишлаб чиқиш бўйича раҳбарлик ва ахборот хавфсизлиги бўйича вазифалар;
- ҳимоя соҳасини рўйхатга олиш бўйича раҳбарлик;
- ҳимоя соҳасини ва ахборот хавфсизлиги бўйича вазифаларни баҳолаш методикаси;



- химоя соҳаси ва аборот хавфсизлиги бўйича вазифаларни ишлаб чиқишнинг автоматлаштирилган комплекси;
- конкрет тизимлар ва ахборот технологиялари воситалари учун шунингдек, баъзи операцион тизимлар, тизимлараро экранлар ва ахборот технологиясининг бошқа компонентлари учун 6 та химоя соҳаси ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга келажакда 20 дан ортиқ химоя соҳаси ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

Чет эл ахборот технологияларини давлат, жамоат ва шахсий фаолият соҳаларига интенсив жорий қилиш, шу билан бирга очиқ ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникацион тизимларини кенг қўллаш ахборот хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги масалалар ҳал этилишини талаб этади:

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат стратегиясининг асосий йўналишларини шунингдек, уларни амалга ошириш билан боғлиқ тадбир ва механизмларни ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, жумладан бу борада илмий бир давлат сиёсатини ишлаб чиқиш; ахборот хавфсизлигидаги хатарларни баҳолаш ва башорат (прогноزلаш) услублари ва воситаларини ҳамда бу хатарларни бартараф этиш тизимларини ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади дастурини ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ва воситалари самарадорлигини баҳолаш услуб ва мезонларини, шунингдек уларни сертификатлаштиришни ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги меъёрий-ҳуқуқий методик базанинг такомиллаштириш, бу ўз ичига фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш механизмлари, ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш шакллари ҳамда усуллари ва бошқалар;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига риоя қилиш бўйича давлат ҳокимият органларига, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахслар орасидан масъул жавобгар шахсларни тайинлаш;

- ахборотни ҳимоялаш давлат тизими ва давлат сирларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш;
- Халқаро телекоммуникация тизимлари ва алоқа тармоқлари орқали кириб келувчи ахборотлар хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-техник ва ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишда халқаро, чет эл идоралари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;
- ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар яратишнинг яхлит тизимини яратиш ва б.

Қайси томондан қаралмасин, ҳоҳ миллий томондан, ёки соҳавий корпаратив, ҳоҳ персонал томондан қаралмасин ахборот хавфсизлиги давлат хавфсизлигини муҳим аспектларидан бири бўлиб қолади.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Ҳимоя соҳаси, ахборот хавфсизлиги, дистанцион, электромагнит нурланиш, маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, прогнозлаш, ҳимоя, ахборотлаштириш тизимлари, Миллий хавфсизлик, алоқа хизмати, маҳаллий телефон алоқа, радиозўштитириш ва телевидение, магистрал ва зоналараро алоқа, миллий иктисодиёт, муқобил, танлов.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ахборот рисклари деганда нимани тушунасиз?
2. Республикамизда стандартлаштириш соҳасида қандай меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилмоқда?
3. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ахборот хавфсизлиги хавфларига нималар киради?
4. Ахборот хавфсизлиги деганда нималар тушунилади ва унинг тузилишини ёритинг?
5. Ахборот рискларини баҳолаш ва уни бошқаришда қандай методлардан фойдаланилади?
6. Ахборот хавфсизлигини таъминлашга қандай субъектлар категорияси мавжуд?
7. Алоқа хизмати деганда нимани тушунасиз?
8. Алоқа соҳасининг асосий хизматлари хусусиятлари нимада?

9. Ахборот хавфсизлигини бузувчи фаолият ва ҳодисаларини ёритинг.
10. Риск моҳиятини англаш имконини берувчи қандай ҳолатлар бор?

## 4. АХБОРОТ РИСКЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

- 4.1. Бошқаришда ахборот ва унинг аҳамияти.
- 4.2. Ахборот тизими ва рискларининг ортиши, хусусиятлари.
- 4.3. Ахборот рисклари классификацияси.

### 4.1. Бошқаришда ахборот ва унинг аҳамияти.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси йигирма биринчи аср жамиятини шакллантиришга таъсир этадиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Уларнинг таъсири кишиларнинг ҳаёт тарзига, малакаси ва ишига, шунингдек ҳукумат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлик қилишига тааллуқлидир. АКТ дунё иқтисодётини ривожлантиришда муҳим туртки вазифасини ўтаб, тез суръатларда ривожланиб бормоқда. АКТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслар, фирма ва жамиятга ўзаро ахборот алмашинувида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни самарали ва ижодий ҳал этиш имкониятини беради. АКТ соҳасида иқтисодий рисклар таҳлили рискларни бошқариш жараёнининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Унинг тўғри ташкил этилиши келгусида қабул қилинадиган қарорларнинг самарали бўлишига, охир оқибат корхона ўз фаолиятига хавф туғдирувчи рисклардан етарли даражада ҳимояланишга ўз таъсирини ўтказди. Демак, менежерлар учун рискларни бошқариш тизимининг ушбу босқичи муҳим аҳамият касб этади.

Риск таҳлили – бу маълум бир зарарга қарши нуқтаи-назарларни ёки ёндошув фаолиятни танлаш учун тавсиялар ишлаб чиқишга ахборотларни йиғиш, баҳолаш ва қайд қилишдан иборат фаолият ҳисобланади. Рискларни таҳлил қилишдан асосий мақсад рискларни бошқариш, ўлчаш, онгли меъёрини, ҳамда рискларни миқдорий баҳолаш орқали, уларни юзага келтирувчи, шакллантирувчи сабаб ва омилларини аниқлаш, шу билан биргаликда уларни камайтириш чора – тадбирларини, йўл – йўриқларини ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, рискларни таҳлил қилиш баробарида рискларнинг салоҳиятли аҳамияти белгиланади ва ундан кейингина барча имконли рисклар ўзлаштирилади.

Таҳлил орқали рискларни аниқлаш ва уларни баҳолаш, яъни уларнинг таркиби сифатий ва миқдорийлардан ташкил топади.

Риск ва унинг сабаблари (сифатий таркибий) аниқланаётганда корхонада мавжуд бўлган барча рисклар кўриб чиқилади. Алоқа корхоналарида рискларни аниқлаш иккита асосий босқични ўз ичига олади:

1. Корхона тавсифи ҳақида ахборотлар йиғиш.
2. Эҳтимолий хавфларни аниқлаш.

Риск омиллари, риск турлари ҳақидаги ахборотларнинг тўлиқ мавжуд бўлиши ва керакли тарзда шакллантира олиш рискларни бошқариш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Рискларни аниқлашнинг универсал услубига бошланғич ахборотлар олишнинг қуйидаги қоидаларига асосланган усулларни киритиш мумкин:

- 1) оммавий сўров ўтказиш;
- 2) корхонанинг ўрта ва юқори бўғин бошқарув раҳбарларидан танлама сўров ўтказиш;
- 3) корхонанинг квартал ва йиллик молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш;
- 4) корхона фаолиятидаги риск индикаторларини таҳлил қилиш;
- 5) бўлимларда назорат ташрифини амалга ошириш.

Махсус усулларга:

- 1) корхона бошқарув ва молиявий ҳисоботларининг бирламчи ҳужжатларини таҳлил қилиш;
- 2) корхонанинг бўлинмаларини тўлиқ ёки танлама тарзида ўрганиш;
- 3) корхонанинг ташкилий тузилмасини таҳлил қилиш;
- 4) хизмат кўрсатиш жараёнларининг технологик оқимлар диаграммаси карталарини тузиш ҳамда таҳлил қилиш;
- 5) корхонанинг бошқариш тизимида ахборот оқимлари картасини тузиш ва таҳлил қилиш киради.

Юқорида қайд қилинган ҳар бир услублар таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган шаклдаги катта миқдорда ва етарли даражадаги ахборотларни бера олиш имкониятига эгадир. Бу ишдаги асосий мақсад турли хил манбалардан олинган алоҳида маълумотлар ўртасида алоқа ўрнатишдир.

Оммавий сўров ўтказишда сўров варақаларидан фойдаланилади. Сўров варақалари – амалиётда икки хил турдаги сўров варақалари мавжуд. Универсал (стандартлаштирилган) сўров варақалари ўзида умумий тавсифдаги ҳолатни ушлаб туради ва кўплаб турдаги фаолият учун хизмат қилади. Махсуслаштирилган сўров варақаси одатда муайян фаолият тури учун, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ва алоҳида ҳолатларини батафсил текшириш билан ишлаб чиқилади.

Тизимли диаграммалар. Бу услуб корхона тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва ундан келиб чиқувчи рискларни таҳлил қилишга мўлжалланган. Бу йўл билан олинган маълумотлар биринчи навбатда менежмент сифати, хизмат кўрсатиш, рекламани ташкил этиш ва бошқалар билан боғлиқ бўлган хўжалиқ субъектлари ички рискларини баҳолаш учун самаралидир.

Патоклар харитаси. Бунда патоклар картаси ёки патокли диаграммалар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг алоҳида технологик жараёнларини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини график тарзда акс эттиради. Бу карталар корхона фаолиятининг ишончлилиги ва барқарорлигига боғлиқ бўлган асосий элементларни аниқлаш учун фойдалидир. Бу элементларнинг иш тартиби бузилса ва ишдан чиқса барча иш жараёнларини тўхтаиб қўяди ёки критик нуқтаи-назардан ҳалокатли ҳолатларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Муайян картада қайд қилинган жараёнлар корхона фаолиятини ёки алоҳида технологик заңжирни қамраб олади.

Тўғридан-тўғри назорат. Бунда кўшимча ахборот олиш ва уларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини ўз жойида текшириш учун риск- менежерлари корхона бўйича назорат сафарини ташкил қилиб туришлари мумкин. Назоратнинг самаралилиги ходимлар ва иш бажарувчиларнинг малака даражасига боғлиқ. Тўғридан-тўғри назорат рискларни бошқариш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурларнинг алоҳида қирраларини аниқлаш корхонада сарфланиши мумкин бўлган харажатларни, ҳамда рисклар даражасини пасайтириш бўйича тавсиялар бериш имконияти вуждуга келади.

## 4.2. Ахборот тизими ва рискларини ортиши, хусусиятлари

Бозор муносабатлари шароитида бошқарув назарияси ва амалиётида рискни баҳолаш, ҳисобга олиш муаммоси муҳим таркибий қисм сифатида мустақил назарий ва амалий аҳамият касб этади. Алоқа корхоналари бозор муносабатлари шароитида жадал ривожланиши учун янги техника ва технологияларни жорий этиш каби фаолиятларни дадил амалга ошириши керак, бу фаолият рискни ва уни юзага келтирувчи омилларни кучайтиради. Бу ҳолат алоқа корхоналарида рискдан қочишни эмас, балки улар бу вазиятда юзага келадиган риск даражасини баҳолаш ва уларни бошқара олиш кераклигини тушуниб етишга имкон беради. Рискларни бошқариш алоқа корхоналари барқарорлигини таъминлаш йўллари ва уларни ноҳуш ҳодисаларга қарши тура олиш имкониятини аниқлаб беради.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, корхоналарнинг иқтисодий ночор ҳолатга тушиши ва инқирозга учрашининг асосий сабаби – рискларни бошқаришнинг тўғри ва самарали ташкил этилган ҳамда илмий асосланган бошқарув тизимининг мавжуд бўлмаслиги ҳисобланар экан, шунинг учун ундан аниқ хулоса чиқариб олиш керак.

Биз корхоналарнинг келажак фаолиятида муҳим аҳамият касб этувчи, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигига ва хавфсиз фаолиятини таъминловчи ўта муҳим вазифа ва чоратадбирлардан бири бўлиб ҳисобланган рискни бошқариш тизимини Ўзбекистонда алоқа корхоналари бошқарув тизимида ҳам ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу тизим республика корхоналари бошқарув бўғинида “Рискларни бошқариш” бўлими сифатида фаолият олиб боради. Корхоналар бошқарув бўғинида рискларни бошқариш бўйича алоҳида бўлим ташкил этиш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг иқтисодий имкониятлари даражасидан келиб чиқиб тўғри келмаслиги мумкин. Баъзи корхоналарда ходимларни қисқартириш ҳоллари, башқалари учун бу бўлимни ташкил этишга иқтисодий салоҳияти йўл қўймаслиги мумкин. Бошқарувда бу бўлимнинг ташкил этилиши корхоналарнинг келажак фаолиятида муҳим аҳамиятга эга, чунки бошқарувнинг бу бўлими корхонала-

нинг иқтисодий барқарорлигига ва хавфсиз фаолиятига ўз таъсирини ўтказди.

Алоқа корхоналарида “Рискларни бошқариш” бўлимининг асосий тамойиллари, бўлимга мос тушадиган мавжуд таркибий бўлимларни ажратиб олиш ва бу бўлимларни бир мақсад йўлида бирлаштириш; бўлим ички ва ташқи ахборотлар билан доимий равишда хабардор бўлиши; бўлим раҳбари мақсад ва тамойилларга асосланган ҳолда бошқаради. Рискларни бошқариш бўлими ўзига ҳос функцияларни бажариш ахборот оқимлари билан ишлашнинг асосий инструментлари бўлиб, бугунги кунда, нафақат ахборотни қайта ўзгартириш, йиғиш ва узатиш учун, балки ушбу тизимлардан фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларини сифатли, ўз вақтида ва ишончли қаноатлантириш учун мўлжалланган ахборот усуллар сифатида хизмат қилади.

#### 4.3. Ахборот рисклари классификацияси

Ахборот ресурсларининг рисклари қуйидагиларда намоён бўлади:

- конфиденциал ахборотга эришиш йўли билан, ёвуз ниятли кишининг манфаатларида уни модификация қилиш ёки моддий зиённи келтириб чиқариш мақсадида уни бузиш;
- алоқа ва ҳисоблаш техникасининг восита ва тизимларида айланувчи, ахборотни разведка қилиш ва олиб кўйиш техник воситалари, ахборотдан рухсатсиз фойдалана олиш ва қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида унга атайлаб дастурий-математик таъсир этиш ёрдамида ахборотни ушлаб қолиш йўли билан;
- хизмат хоналари, хизмат ва шахсий автотранспорт ва бошқаларда олиб бориладиган конфиденциал сўзлашувларни эшитиб туриш йўли билан;
- сўзлашиш жараёни орқали;
- ходимлар ичидан «ташаббусчилар» орқали.

Ахборот йўқотишларга олиб келадиган омилларга, зарар ёки зиёнларнинг ҳар хил турларига қуйидаги сабаб ва ҳаракатлар кериши мумкин.

1. *Моддий зиён*, у ускуна ёки ахборот ресурсларининг ишдан қисман ёки тўлиқ ишдан чиқиши билан юзага келади. Сабаблар қуйидагича бўлади:



- ёнгин, портлаш, авария ва бошқалар;
  - қаттик, газсимон, суюқ ва аралаш кимёвий ва физик муҳитнинг таъсир этиши;
  - турли: механиқ, электр, электрон ва электромагнит хусусиятли машина элементларининг бузилиши;
  - табиат ходисалари оқибати (сув тошқини, бўрон, яшин, дўл, тоғ кўчиши, zilзила ва бошқалар).
2. *Моддий воситаларнинг ўғирланиши ва атайлаб бузилиши.* Тажовузкорлик ва зарар келтирувчи ҳаракатлар очик ёки сирли шаклларда намоён бўлади.
  3. *Аппаратура,* дастур ва маълумотлар базасининг *тўқнашиши ва ишдан чиқиши.* Маълумотларнинг тўғри ва билвосита натижалари аҳамиятли бўлиши ва олдиндан кўзда тутилмаган ва баҳоланмаган бўлиши мумкин.
  4. Ахборотни хатолик билан тўплаш, сақлаш, узатиш ва фойдаланиш билан боғлиқ зарарлар. Ушбу хатолар инсон омилига боғлиқ. Ахборот назорати зарар катталигини камайтириш имконини беради, лекин бундай хатолар сони камаймайди. Оқибатлар кам аҳамиятли бўлади, лекин етарлича доимий оқимдан иборат ва излаш, бартараф этиш ва кейинчалик ҳаракатларни такрорлашга асосланган доимий йўқотишларга, вақт ва воситаларнинг тўлдирилмайдиган йўқотишларга олиб келади. Диалогли режимда ишлашда қоидаларни қабул қилиш, ўқиш, мазмунини ёритиш ва риоя қилиш хатоси кўшимча тарзда кўшилади. Узатиш хатоси фойдаланиладиган техникага боғлиқ. Улар алоқа воситаларидан фойдаланишда содда ва техник бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда йўқотишлар, хатолар, халакитлар, тўхтаб қолишлар ва бузилишлар бўлиши мумкин. Шунга ўхшаш хатолар йўқотишлар каби баҳоланади. Уларни идентификациялаш ва баҳолаш қийин, лекин ҳисобга олиш зарур.
  5. *Эксплуатация қилиш хатоси.* Хатолар маълумотлари турли шаклга эга: химоянинг бузилиши, файлларнинг тўлиқлиги, маълумотларни бошқариш тилининг хатоси, ахборотни тайёрлаш ва киритишдаги хато, операцион тизим хатоси, дастур хатоси, аппарат хатоси, йўриқномани хато билан тавсифлаш, операцияларни тушириш – доираси жуда кенг. Хато, бепар-

волик, толиқиш, малакасилик ва суистеъмол қилиш ўртасидаги фарқни ўрнатиш жуда қийин.

6. *Татбиқ этиш хатоси*. Хато маълумотлари ахборот тизимини эксплуатация қилиш жараёнида фатал (содир бўлган) оқибатларга эга бўлиши мумкин. Амалга ошириш хатоси хавфсиз бўлиши мумкин ва бартараф этиш осон бўлади.
7. Номоддий соҳадаги *атайлаб қилинган ҳаракатлардан кўрилган зарарлар*. Ахборот ресурсларининг фирромлиги ва ўғирланиши – бу бугунги кунда жазолаш нуқтаи-назарида хавфсиз ҳисобланган жиноятчилик шаклидан биридир ва кредит ташкилотига очиқ хужумга нисбатан катта фойда келтириши мумкин. Ахборот тизимларининг мураккаблигини ва уларнинг суистомонини ҳисобга олган ҳолда, ҳаракатнинг ушбу тури осон амалга ошириладиган бўлиб ҳисобланади.
8. Фош қилиш, оқибати ҳисобга олинмайдиган, қийин назорат қилинадиганлар қаторига кирадиган ва тижорат фаолиятда содда тарзда «тушунмаслик»дан саноат шпионажигача бўлиши мумкин бўлган ҳаракат.
9. Ижтимоий характердаги зарарлар. Сўз ишлаб чиқариш йўқотишларига олиб келадиган ходимнинг кетиши ёки бўшаши ва ходимнинг бошқа ҳаракатлари тўғрисида боради. Ушбу ҳаракатлар хавфи ҳар доим мавжуд.

Рискнинг жуда хавфли тури ноинсоф рақобат шакли каби саноат шпионажидан иборат.

Ахборот зарардан ва телекоммуникация тизимларидан йўқолиши:

1. Моддий зарар.
2. Ахборот ва телекоммуникация тизимларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар, ахборотни тиклаш, шунингдек ахборот ресурсларини қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.
3. Ишламай қолишлар ва молиявий кечикишлар билан боғлиқ бўлган эксплуатацион йўқотишлар (фойданинг камайиши, контрагентларга ишончнинг пасайиши ва бошқалар).
4. Мол-мулкнинг йўқолиши.
5. Манавий жавобгарлик билан боғлиқ харажатлар ва йўқотишлар.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларини қуйидагилар сифатида таснифлаш мумкин:

**Алоқанинг йўқолиш rischi,** қуйидагича акс этиши мумкин:

- табиий офатлар;
- фойдаланишдаги ноаниқлик;
- телекоммуникация тармоқларидаги носозлик;
- дастурий воситалардаги тўхтаб қолишлар;
- бошқалар.

**Компьютер жиноятини содир этиш rischi** қуйидагилар:

- паролларни обрўсизлантириш;
- дастурий воситалар;
- ички ва ташқи омиллар;
- Рухсатсиз фойдалана олиш rischi.

**Табиий офатлар юзага келиш rischi**

Кредит ташкилотларига зиён келтиришнинг асосий сабабларидан ташқари қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин.

- масъул шахслар ўртасида ўзаро ҳамкорлик мавжуд бўлмаганда;
- хавфсизлик истеъмолчиларига техник воситаларнинг айнан мос эмаслиги;
- аниқ шароитлар ва хусусиятларни ўрганмасдан хавфсизлик воситаларини ўрнатиш.

**Ахборот инфекцияси**

Охирги вақтларда ахборот тизимларида ахборот инфекциялари кўп учрайдиган бўлиб қолди. Бунда номоддий соҳада ҳар хил турдаги ғараз ниятли ҳаракатларни белгилаб ўтиш керак, улар икки турга бўлинади:

- ахборот инфекцияси (вируслар ва бошқалар);
- физик жиҳатдан ишга ҳалал бериш (маълумотларни сохта-лаштириш, ҳимоя қилиш мантиғини ўзгартириш ва бошқалар).

Ахборот инфекцияси специфик мўлжалланган ва қонунга қарши, ўз-ўзидан тикланиш ва кўпайиш имконига эга бўлиш хислатларига, ҳаракатнинг кечиктирилган вақтига эга бўлади.

Масалан, дастурлардаги хатолар кутилмаган вазифалар юзага келиш сабаблар кенг тарқалиши мумкин.

Бироқ, агар йўриқноманинг нотўғри иш ёки йўриқнома билан келтирилган зиён манбаи бу ишдан чиқишни махсус истаган инсон бўлса, ушбу ҳаракат код ёки дастурий таҳдиднинг атайлаб шикастланиши деб аталади.

Дастурий таҳдидларнинг ҳар хил турлари мавжуд. Экспертлар ҳаракатлар, тарқатиш тури ва активизациялаш турлари бўйича таҳдидларга таснифланади. Охириги йилларда шунга ўхшаш дастурий таҳдидлар ҳар доим вируслар билан боғланади. Бироқ, вируслар олдиндан шикастланган дастурларнинг катта қисми ҳисобланади.

Ушбу соҳада ишлайдиган экспертлар шунга ўхшаш дастурий таъминотнинг барча турларининг расмий таърифига эга. Бироқ, умумтарқалган таъриф билан ҳар доим ҳам келишилмаган. Қуйида атайлаб шикастланган дастурий таъминотнинг таърифи мавжуд:

- ҳимоя қилишда фойдаланиш учун ишлаб чиқилган хавфсизликни таъминлаш бўйича воситалар тўплами, бироқ, улар потенциал бузғунчилар томонидан суистеъжол жойини топиш учун фойдаланилиши мумкин;
- тизимдан руҳсатсиз фойдалана олишни очадиган «орқа эшиклар»;
- берилган шартларни бажарилгандан кейин юзага келадиган дастурлардаги мантиқий бомбалар ёки беркитилган характеристикалар;
- бошқа дастурларни модификацияладиган вируслар ёки дастурлар;
- бошқа дастурларни мажбуран модификацияламасдан тармоқ бўйича компьютердан компьютерга ўтадиган «чувалчанглар» – дастурлар;
- «троян отлари» бу бир функция учун баён қилинган, лекин ҳақиқатда бошқа функция бажариладиган дастурдир;
- «бактериялар» ёки куён дастурлари, улар ресурсларни тўлдириш учун ўз-ўзининг нусхасини яратади.

Юқорида келтирилган таҳдидларнинг айримлари бузмасдан фойдаланиш имконига эга. Маҳалан, «чувалчанглар» бўш процессорларга ҳисоблашларни тақсимлаш учун фойдаланиши мумкин; «орқа эшиклар» тузатиладиган дастурлар учун фойдаланилади, вируслар дастлабки матнларни янгилаш ва дастурлардаги

хатоларни тўғрилаш учун ёзилган бўлиши мумкин. Дастурларни ёзиш учун ёндашувлар эмас, балки улардан фойдаланиладиган мақсадлар тахдид солувчи бўлади.

Ҳозирги кунда, компьютернинг хавфсизлигидаги нозик жойни автоматик тарзда топадиган дастурлар мавжуд. Ушбу дастурлар юзлаб маълум бўлган нозик жойларга тармоқдаги компьютер ёки компьютерларнинг тез қаршилиқ кўрсатиши мумкин. Шунга ўхшаш дастурларга SATAN (Security Administrator Tool for Analyzing Networks) (Тармоқлар тахлили учун хавфсизлик маъмури куроли), Tiger, ISS (Information Security Sistem) ва COPS киради.

Хавфсизлик воситаларининг кўпчилиги шахсий узеллари билан муаммоларни излаш учун компьютерга оид малакага эга ходимлар томонидан фойдаланиш учун ишлаб чиқилган. Воситалар юқори даражада автоматлаштирилган ва интеллектуал ҳисобланади. Улар ҳал этилиши керак бўлган муаммолар аниқланганлиги ҳақида хабар беради. Афсуски, шунга ўхшаш функционаллик ушбу воситаларни тизимдаги нозик жойни излайдиган, кейин уларни очиш учун фойдали қилади. Ушбу воситалар жуда қулай бўлганлиги учун улар тизимларни очиш усулини излашда хужум қилувчилар томонидан фойдаланилади. -

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Бошқарув ва молиявий ҳисоботлар, назорат, риск индикаторлари, таҳлил қилиш, ташкилий тузилма, тизимли диаграммалар, оммавий сўров, патоклар картаси, жаҳон тажрибаси, иқтисодий ночор, конфиденциал ахборот, моддий зиён, эксплуатация, фош қилиш, компьютер жинояти, зарар, йўқолиш, ахборот инфекцияси.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ахборотларни олишнинг қандай усуллари биласиз?
2. Рискларни аниқлашнинг универсал услубига қандай усуллар киради?
3. Рискларни аниқлашнинг махсус услубига қандай усуллар киради?
4. Патоклар картаси деганда нимани тушунаси?
5. Ахборот ресурслари рисклари қандай намоён бўлади?

6. Зиёнларнинг ҳар хил турларига қандай сабаб ва ҳаракатлар кириши мумкин?
7. Зарардан ахборот ва телекоммуникация тизимларида қандай йўқолишлар вужудга келади?
8. Ахборот инфекцияси деганда нимани тушунасиз?
9. Дастурий таҳдидларнинг қандай турлари мавжуд?
10. Шикастланган дастурий таъминотнинг қандай таърифлари мавжуд?

## 5. ИҚТИСОДИЙ РИСКЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

- 5.1. Иқтисодий рискларни классификациялаш.
- 5.2. Соф ва спекулятив рисклар.
- 5.3. Инвестиция лойиҳаси rischi ва унинг умумий тавсифи.  
Мавзу бўйича таянч иборалар.  
Назорат ва муҳокама учун саволлар.

### 5.1. Иқтисодий рискларни классификациялаш

Рискларни ўрганиш энг аввало уларни ажратиб олиш ва турли гуруҳларга, яъни синфларга бўлиб олишни тақозо этади. Рискларнинг илмий асосланган таснифини ҳар бир рискнинг умумий рисклар тизимидаги ўрнини аниқлаб беради ҳамда рискларни самарали бошқаришнинг усулларини кўрсатади. Рискларни гуруҳларга ажратиб олиш риск тизимида уларни ҳар бирининг ўрнини аниқлаб олиш имконини беради ҳамда рискларни бошқариш ва баҳолаш, назорат қилиш, олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнларида жуда қулайдир. Чунки, иқтисодий субъектлар бевосита таъсир этувчи рискларни хавфли ҳисоблаб, уларни доимий равишда назорат қилиш, рискларни юзага келтирувчи омилларни таҳлил қилишга ва баҳолашга жиддий эътибор бериши зарур. Умумий тизимдаги ҳар бир риск омилнинг ўрнини белгилаб олиш, унга мос келувчи рискни бошқариш услубини танлашга имконият яратади. Бу эса ўз навбатида АКТ соҳасида иқтисодий рискларни бошқаришни самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Рискларни гуруҳларга ажратиб олишдан мақсад шуки, барча рисклар ҳам корхона фаолиятига бирдай ва бир вақтда ўз таъсирини кўрсатмайди. Шунинг учун рискнинг корхона фаолиятига кўрсатадиган таъсирини аниқлаш учун корхоналар рискларни олдиндан таҳлил қилиб бориши лозим. Корхона фаолиятига таъсир қилувчи рискларни таҳлил қилишда рискларни муҳимлиги ва таъсир даражаси омиллар бўйича тасниф қилиш, рискларни юзага келиши ва таъсир доираси бўйича назорат қилиш имкониятини юзага келтиради.

*Рискларни классификациялаш* деганда, рискларни алоҳида гуруҳларга, уларга қўйилган мақсад ва алоҳида белгилари тушунилади. Рисклар классификацияси илмий асосланган бўлса,

у ҳар бир рискни умумий тизимида ҳар бир рискнинг аниқ жойига эга бўлиб, рискларни қўллашга қулай ва самарали усулларини таъминлаб беради.

Рисклар ва улар билан боғлиқ бўлган муаммоларни тасниф этувчи иқтисодий адабиётларда рискларни классификация қилишда ягона тузилган система ва классификацияси мавжуд эмас деб кўрсатади. Мисол учун И.Шумпетер рискларни икки турга ажратади: табиий офат натижасида афзалликларни йўқотишни келтирувчи ишлаб чиқаришда техник кризис ҳамда омадни кетиши натижасида даромаднинг йўқолиши.

Мисол учун Ю.Осипов тадбиркорлик рискни уч томондан таърифлайди: инфляция, молиявий ва операцион сабаблар, С. Валдайцев эса иккига ажратади: тижорий ва техник рисклар.

Рискларни классификациялашда асосий белгилар қуйидагилардан иборат:

- вужудга келиш вақти;
- вужудга келиш сабаблари;
- ҳисобга олиш характери ва оқибати;
- вужудга келиш соҳаси.

Юқорида келтириган белгиларга қараб рисклар турларини кўриб чиқамиз:

*Рискларни вужудга келиши вақтига қараб қуйидагиларга тақсимланади:*

- ўтмишга қаратилган;
- мавжуд жараён (жорий);
- келажакда бўлиши мумкин (истикболли).

*Вужудга келиш сабабларига кўра* ёки келиб чиқишининг асосий сабабига (базис ёки табиий кўрсаткичларига) боғлиқ равишда рисклар қуйидаги турларга бўлинади:

- табиатга оид ёки табиий офатларга боғлиқ бўлган форс-мажор ҳолатлар (ер силкинишлари, сув тошқинлари, бўронлар, ёнғинлар, эпидемиялар ва бош.) рисклари;

- экологик – атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ рисклар;

- сиёсий инқилоблар, уруш ҳаракатлари туфайли хўжалик фаолиятини юритишни амалга ошириш имкониятининг йўқлиги; мамлакатда сиёсий вазиятнинг кескинлашуви, ва бошқа шу каби фавқулотдаги ҳолатлар.



- иқтисодий – иқтисодиётдаги ноқулай ўзгаришлар билан боғлиқ;

- техникавий ва бошқ.

## 5.2. Соф ва спекулятив рисклар

Инсоният табиатан рискдан қочишга интилади. Ҳар қандай ишончсизлик ўзига хос тарзда маълум даражадаги йўқотишларга олиб келиши мумкин. Рискларни кўриб чиқиладиганда, қайси соҳада фаолият олиб бориладиганини ўрганиш ҳамда билиш лозим ва уларни илмий асосланган ҳолда классификациялаш зарур. Юқорида қайд этилганидек, ҳар бир фаолиятнинг ўзига хос риск турлари мавжуд.

Рискларнинг асосий турларини классификация белгилари бўйича кўриб чиқамиз.


**Соф риск** – бу мулкка зарар етиши оқибатида реал активларни йўқотиш, ҳамда корхона фаолияти жараёнидаги фойдани йўқотишдир. Бошқача қилиб айтганда, салбий ёки нольга тенг бўлган натижа олиш имконидир. Демак, бу риск фақат салбий натижа бериши мумкин. Ушбу риск категориясига табиий, экологик, сиёсий, транспорт ва қисман тижорат билан боғлиқ рисклар киради.

- **Табиий риск** – табиий офат, масалан, ер қимирлаши, сув тошқини, бўрон ва эпидемия натижасида етказилган иқтисодий зарар;
- **Экологик риск** – атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида юзага келадиган кўшимча харажатлар эҳтимолидир;
- **Сиёсий риск** – сиёсий тизимнинг ўзгариши, жамиятда сиёсий кучнинг тақсимланиши ва сиёсий беқарорлик оқибатида мулккий йўқотишлардир. Бунга оммавий тартибсизликлар, инқилоб, иш ташлашлар, ғалаёнлар, ҳукуматнинг олдинги шартномаларини бажаришдан бош тортиши каби оқибатлар натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарлар киради;
- **Транспорт rischi** – турли транспорт воситалари (автомобиль, темир йўл, денгиз ва ҳаво) ёрдамида юклар ташиш жараёнида юзага келадиган йўқотишлар.
- **Тижорат rischi** – бу хўжалик субъектларининг тадбиркорлик фаолияти натижасида пайдо бўладиган

йўқотиш эҳтимолидир. Бундай турдаги рисклар ишлаб чиқариш ҳамда савдо рискларга бўлинади.

а) ишлаб чиқариш rischi – технологияларнинг бузилиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтаб қолиши оқибатида юзага келадиган рисклар;

б) тижорат (савдога оид) rischi – тадбиркор томонидан ишлаб чиқариш ёки сотиб олинган товарлар, маҳсулотлар ва хизматларни сотиш жараёнида вужудга келадиган, шартнома келишувининг бажарилмаслиги оқибатида юзага келадиган рисклар.



**5.2.1- расм. Рисклар классификацияси схемаси<sup>20</sup>**

<sup>20</sup> М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент.– Т.: “Ўқитувчи”, 2001й.,594-б.

**Спекулятив риск (чайқовчилик)** – бу тижорат бошқарув қарорларини қабул қилиш натижасида асосий капитал баҳосининг ўзгариш рискидир. Бу каби ўзгаришлар ҳам йўқотишларга, ҳам ютуққа олиб келиши мумкин, яъни нафақат салбий, балки ижобий натижа (ютуқ, фойда) олиш имконидир. Ушбу рискка молия билан боғлиқ бўлган рисклар ҳам киради. Рискларни ички ва ташқи, соф ва спекулятив рискларга бўлиш бир хил туюлиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам ташқи ва соф рисклар моҳиятан бир-бирига мос тушиши мумкин. Бироқ ички риск спекулятив рискдан кенгроқ тушунча. Муаллифлар фикрича спекулятив риск ҳам салбий, ҳам ижобий натижага эришиш эҳтимолини билдиради. Лекин ички рисклар корхона учун муқаррар салбий натижани келтириб чиқаради, бу рисклар ижобий натижага олиб бормади.

Юқорида таъкидланганидек, соф рисклар табиатга, экологияга, сиёсатга, транспортга ва қисман тижоратга оид бўлган риск турларини ўз ичига олади.

Спекулятив рискларга (чайқовчилик) молия билан боғлиқ бўлган, инвестиция билан боғлиқ ҳамда пулнинг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган рисклар киради.

**Молиявий риск** – бу молиявий ресурсларнинг йўқолиши хавфи, яъни корхонанинг банклар ва бошқа молиявий институтлар билан вужудга келадиган муносабатлари соҳасидаги рискларидан иборат.

Инвестиция риск гуруҳи жуда кенг миқёсда бўлгани учун қуйидагиларга бўлинади: тизимли риск, йиғма риск, ликвидлик рисқи, кредит рисқи, тармоқ рисқи, ҳудудий риск, корхона рисқи, инновацион риск.

- **Тизимли риск** – бу маълум бир бозор конъюнктурасининг (тузилишининг) ўзгариши. У инвестициянинг аниқ объекти билан боғлиқ эмас. Ушбу бозордаги (масалан, фонд, валюта, мулк, ва ҳақозо) ҳамма сарф қилинган маблағига таъсир кўрсатадиган умумий рисқни ифодалайди ва инвестор йўқотишларсиз уни қайтара олмайди.
- **Селектив риск** – маълум бир бозорда инвестиция объектини нотўғри танлаш оқибатида бой берилган фойда ёки йўқотиш рисқи. Масалан қимматли қоғозлар пакетини шакллантириш

жараёнида фонд бозорида қилинган инвестициялаш оқибатида кўрилган зарар ёки фойда.

- **Ликвидлик rischi** – сифат баҳосини ўзгариши натижасида инвестиция объектини реализация қилиш билан боғлиқ бўлган йўқотиш rischi. Масалан, маълум бир товар, уй–жой, қимматли қоғоз ва қимматли металллар.
- **Кредит rischi** – қарздор ўзининг мажбуриятларини бажара олмаслиги билан боғлиқ.
- **Худудий риск** – маълум бир худуднинг иқтисодий ҳолати билан боғлиқ. Бу риск бир ҳил маҳсулотлар ишлаб чиқариш худудлари билан хусусиятли. Масалан нефть ва кўмир қазиб олинадиган худудлар, кофе ишлаб чиқарувчи худудлар. Рақобат кучайиши ёки ушбу худуднинг маҳсулотига боғлиқ нарх тушиши натижасида юзага келадиган иқтисодий қийинчиликларни бошидан ўтказиши мумкин. Худудий риск маълум бир худудда иқтисодий ва сиёсий бўлинишлар натижасида келиб чиқиши мумкин. Ушбу рискнинг юқори даражаси худуддаги бир неча районларнинг иқтисодий ахволининг ёмонлашуvidан ҳам келиб чиқади.
- **Тармоқ rischi** – бу иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари билан боғлиқ бўлиб иккита асосий омил билан аниқланади: даврий тебранишга дучор бўлган ва ҳаётий цикл босқичи.
- **Корхона тугатишга оид риск** – инвестиция объекти бўлган конкрет бир фирма билан боғлиқ. У кўп ҳолларда худудий риск ва тармоқ рискдан келиб чиқади. Ундан ташқари, риск конкрет фирманинг стратегияси, фаолияти, мақсади ва бошқарув даражасидан келиб чиқади. Рискнинг даражаси корхона фаолиятини маълум бир ҳолати билан боғлиқ. Бозорда аниқ, меъёрий улушга эга, доимий истеъмолчилари мавжуд юқори сифатли маҳсулот, хизмат ва ўсиш суръати чегараланган стратегиясининг таркиби рискнинг бошқарув даражаси агрессив, янги очилган корхона билан боғлиқ. Ундан ташқари корхона rischi ўз ичига фирибгарлик riskини олади. Масалан корхоналарни алдов йўли билан олиб инвесторларни ва акционерларни жалб қилиш.

• **Инновацион риск** – бу янгилик яратиш билан боғлиқ, масалан ишлаб чиқарилишига кўп маблағ кетадиган янги товар ва хизматлар амалга ошмай қолиш эҳтимоли.

• **Молиявий рискларга** қуйидагилар киради:

- инфляцияон риск – пул муомаласи каналларининг товар айланмаси талабининг меъёридан кўп бўлган ортиқча пул массалари билан тўлиб кетиши натижасида нархлар даражасининг кўтарилиши. Бунинг оқибатида, харид қобилияти нуқтаи-назаридан, пул даромадларининг қадрсизланиши, ўсиш кўрсаткичларидан тезроқ кечади.

- дефляцияон риск – ушбу риск, пулнинг харид қобилияти ошганда нархлар даражаси пасайишининг содир бўлиши, тадбиркорликнинг иқтисодий шароитлари ёмонлашиши ва даромадлар пасайиши рискидир.

• **валюта риси** – фонд ва товар биржаларида ташқи савдо, кредит, валюта операциялари ўтказилганда чет эл валютаси курсининг миллий валютага нисбатан ўзгаришига боғлиқ бўладиган йўқотишлар хавфи билан боғлиқ бўлган риск. Валюта рисига *операцион* риск (валюта алмаштириш курсида номақбул ўзгаришлар (агар шартнома, масалан, импорт ва экспорт бўйича шартномалар, чет эл валютасида баҳоланса) сабабли даромадни йўқотиш риси ва *трансляцион* риск (хорижий валютадаги активлар ва пасивлар нархларида валюта курсларининг тебранишлари сабабли бўладиган ўзгаришлар билан боғлиқ) киради.

- Ликвидлик риси – қимматли қоғозлар ёки бошқа товарларни реализация қилишда уларнинг сифатини баҳолашнинг ўзгариши билан келиб чиқадиган талофотлар имконияти билан боғлиқ.

- Инвестицион риск – бой берилган манфаат, шунингдек, даромадлиликнинг пасайиши, қарзни тўлай олмаслик хавфи билан боғлиқ.

**Даромадликнинг пасайиши риси** – бу инвестицион рискнинг бир кўриниши бўлиб, портфелга оид инвестициялар бўйича, қуйилмалар ва кредитлар бўйича фоиз ва дивидендлар миқдорининг камайиши натижасида вужудга келиши мумкин. У ўз таркибига қуйидаги риск турларини олади:

- **фоизли риск** – тижорат банклари, кредит ташкилотлари, инвестицион институтлар, компаниялар томонидан кўриладиган талофотлар хавфидир. Бу ҳолат жалб қилинган воситалар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларининг тақдим этилган кредитлар ставкаси устидан меъёрдан ошиб кетиши натижасида юзага келади. Худди шундай рискка инвесторлар, қайд қилинган фоизларга нисбатан ўрта муддатли фоизнинг ортиши шароитида ўрта ва узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозларга пул воситаларини киритган акциялар бўйича дивидендларнинг, облигациялар, сертификатлар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бўйича ставкаларнинг ўзгариши туфайли дуч келиши мумкин (яъни, инвестор фоизнинг ошиши ҳисобига даромаднинг ўсишини олиши мумкин, лекин юқорида кўрсатилган шароитларда кўйилган ўз воситаларини бўшата олмайди).

- **нарх, баҳо rischi** – бу фоиз ставкалари даражасининг ўсиши ёки пасайиши натижасида қарз мажбурияти баҳосининг ўзгариши rischi;

- **кредит rischi** – қарз олувчи томонидан, кредиторга тўланиши лозим бўлган асосий қарз ва фоизларнинг тўланмаслик хавфи билан боғлиқ бўлган риск. Худди шу турдаги риск қимматбаҳо қарз қоғозлари чиқарган, аммо улар бўйича фоизлар ва қарзнинг асосий суммасини тўлаш қобилиятига эга бўлмаган эмитент фаолияти билан юзага келиб чиқади. Кредит rischi билан *мол-мулк rischi* чамбарчас боғланган. Ушбу риск, кредит келишувидаги риск бўлиб, қарз берувчи мулкнинг ҳолати ёки сифатига боғлиқ бўлади.

*Тўғридан-тўғри молиявий йўқотишлар rischi* ўз таркибига қуйидагиларни олади:

- биржага оид риск (тижорат битимлари бўйича тўловларни амалга оширмаслик оқибатида ҳамда брокерлик фирмасининг комиссиян мукофотини тўламаслик натижасида юзага келадиган талофотлар хавфини акс эттиради);

- селектив риск (инвестиция портфелини шакллантиришда капитални нотўғри қўйиш, инвестициялаш учун қимматбаҳо қоғозларни танлашда адашиш хавфи билан боғлиқ бўлади);

- банкрот бўлиш rischi (тадбиркорнинг хусусий капиталини бутунлай йўқотиш ва капитални жойлаштириш усулини нотўғри

танлаш оқибатида ўз масъулиятига олинган мажбуриятлар бўйича тўловни амалга ошира олмаслик хавфи билан боғлиқ).

*Ташқи рисклар* – корхона фаолияти ёки унинг контактли аудиторияси (ижтимоий гуруҳлар, юридик ва жисмоний шахслар) билан бевосита боғлиқ эмас.

*Ички риск* бевосита корхонанинг фаолияти ва контактли аудиторияси билан боғлиқ.

Маркетинг рисклари қуйидаги сабабларда юзага чиқади:

- маҳсулотни сотиш бозорини танлашда адашиш, ишлаб чиқариш қувватларини ногўғри баҳолаш, бозор ҳажмини хато ҳисоблаш;

- маҳсулотларни сотиш бозорида сотув тизимини йўқлиги, ўйланмаган ҳолда тузилганлиги;

- бозорга чиқишда кечикиш.

Маркетинг рисклари, кредитларни қайтариш учун етарли бўладиган лойиҳадан олиниши керак бўлган даромадларни бўлмаслигига, маҳсулотни кўзланган муддатларда ва нархларда сотиш имконияти йўқлигига олиб келади. Натижада – кўзланган ишлаб чиқариш қувватларга етишмаслик, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш юзага келади.

Демак, рискларни турларининг кўплиги ташқи муҳитнинг динамикаси ва ўзгарувчанлиги билан боғлиқдир. Рискни тоифалаш, рискни баҳолашни унификациялашга (Унификация – лотин тилида unio ягона, бирлик ва facere қилмоқ) имкон бериш орқали рискнинг аниқ таалуқлиги ёрқин намоён бўлибгина қолмай, шу билан бирга барча рисклар тўла кўрсатилган ва бу рискни ҳосил қилувчи фактор (РХҚФ) муаммосини аниқлашга яқинлашишга имкон беради.

Дарҳақиқат, «риск» атамасининг кўп қирралилиги, аниқ фаолият тури хусусияти ҳамда ноаниқликнинг махсус фазилатлари, шу тур фаолияти амалга ошириш шароитида факторларни хилма хиллиги билан шартланади.

Корхонанинг биринчи ўринда турган вазифаси *техник-ишлаб чиқариш* рискинни *камайтиришга* қаратилган бўлади. Бир вақтнинг ўзида шу рисклар суғурта компанияларни *операцион рисклар* асосини шакллантиради, чунки корхоналар ўзларидан рискларни соқит қилиш учун уларни суғурталовчиларга ташлайдилар. Бугунги кунда *кредит рисклари* (дебитор

қарзликлар билан боғлиқ рисклар бундан мустасно) корхоналарнинг фаолиятига сезиларли даражада таъсир курсатмайдилар. Бунга сабаб фонд бозорининг ривожланмаганлиги (портфель рискларининг йўқлиги) ва корхоналарнинг қарзларни тўлашга қобилиятининг пастлиги. Шу вақтнинг ўзида бу рисклар, корхоналар инвестицияси ёки қарз олувчи бўлган фонд бозорининг профессионал қатнашчиларига таъсир этади. Корхонанинг кредит rischi бу ҳолатларда трейдерларнинг операцион рискига айланади. Корхоналарнинг фаолиятида операцион рискларни қайд этиш, фонд бозорининг профессионал қатнашчилари, банклар, суғурта компанияларига нисбатан камроқ ўрин эгаллаган. Корхоналарнинг операцион рисклари бизнеснинг бошқа соҳалари рискларига таъсир этмайди. Ўзининг фаолияти хусусиятига кўра корхоналар бозор рискларига дучор бўлади. Агар корхона ташқи савдо фаолияти ёки қимматбаҳо қоғозлар бозорларида савдо кўрсатадиган бўлса, у бизнеснинг бошқа субъектларига (мисол учун банк) нисбатан валюта ва фоиз rischi бозор рискларига тўғридан тўғри дучор бўлмайди. Ўз ўрнида корхонанинг кўплаб рисклари банкларни кредит рискларини ташкил этади: корхонанинг rischi қанчалик катта бўлса банк ўз rischi учун шунчалик баланд нарх белгилайди. Шу билан бирга аниқ фаолият рискнинг аниқ турини вужудга келтиради. Буни инвестиция riskини таснифлаш мисолида кўриб чиқамиз.

### **5.3. Инвестиция лойиҳаси rischi ва унинг умумий тавсифи**

Инвестиция rischi – бу инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мобайнида вужудга келиши мумкин бўлган ноқулай шароитлар ва натижалар. У даромад йўқотиш, қарзларни тўлай олмаслик билан боғлиқ бўлиши мумкин. Инвестиция rischi – фаолият юритувчи операцион тизим, бу ҳолда инвестиция лойиҳаси, параметрларини оғишига таъсир этувчи ҳодиса содир бўлиши натижасида ташкилий ресурсларини бир қисмини йўқотиш, даромад олмаслик ёки кўшимча харажатлар вужудга келишидир.

Инвестиция riskини бир кўриниши даромадни пасайиши rischi ва бу риск портфел инвестицияси, қуйилмалар ва кредитлар бўйича фоиз ҳамда дивидентларни камайиши натижасида вужудга келиши мумкин.



Лойиха рисклари тахлилини, рискларни турларга ажратиб олмасдан бошқариб бўлмайди. Лойихалаштириш фаолиятига асосланадиган рисклар гуруҳлари кўп ҳолатларда қуйидаги кўринишда бўлади:

■ иқтисодий қонунчилик, иқтисодий шароит, даромадни ишлатиш ва инвестициялаш шароитларини ўзгарувчанлиги билан боғлиқ риск;

■ ташқи иқтисодий риск (савдога чеклашлар, чегараларни ёпилиши ва ҳок.);

■ сиёсий шароитнинг ноаникликлари, мамлакатда ва ҳудудда ижтимоий-сиёсий шароитни ёмонлашуви rischi;

■ янги техника ва технологияларнинг параметрлари, техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг динамикаси тўғрисида маълумотларни тўлиқ эмаслиги ёки хатоликлар;

■ бозор кўнъюктураси, нарх ва валюта курсларини тебранишлари;

■ табиий-иқлим шароитларни ёмонлашуви ва ҳамда табиий офатлар эҳтимоли;

■ ишлаб чиқариш-технологик rischi;

■ қатнашчиларнинг мақсадлари ва кизиқишлари аниқланмаганлиги;

■ қатнашчи ташкилот ва корхоналарнинг обрўси, молиявий ҳолати (банкротлик, мажбуриятларни тўлай олмаслиги) тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслик.

Инвестиция rischi фойдани йўқотиш, даромад пасайиши, молиявий йўқотишларни англатади.

Фойдани йўқотиш rischi деганда қандайдир тадбирни ўтказма олиш (мисол учун суғурталаш, хеджинг) муносабати билан қўшимча зарарларни (даромад олиш) тушунса бўлади ва лойиҳани бошқаришда вужудга келувчи йўқотишлар rischi энг жиддий ҳисобланади ҳамда унинг пайдо бўлиш сабабларининг асосийлари лойиҳани амалга оширувчи инвестор ва компания раҳбарларининг якуний мақсадлари турличалигидир. Бундан ташқари қуйидагилар ҳам сабаб бўлиши мумкин:

■ лойиҳа бўйича ишларни нотўғри ташкил этилганлиги;

■ лойиҳа қатнашчисининг ўз қисмини қайта баҳолаш;

■ битилган келишувларга нисбатан эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш;

- молияни бошқаришда хатоликлар ва уларни бошқа мақсадларга йўналтириш;
- ишлаб чиқарувчиларни натижага эришишга эмас, балки иш жараёнларига йўналтириш.

Ўзгаришлар даражасига қараб инвестиция рисклари куйидаги турларга бўлинади:

а) динамик рисклар, сиёсий ва бозор шароитларини ўзгариши муносабати билан амалга ошириладиган лойиҳа харажатлари чегарасини ўзгариши сабабли вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар билан боғлиқ;

б) статистик рисклар, инвестиция лойиҳасини амалга оширишни ёмон ташкиллаштириши ва нарҳига зарар етказилиши сабабли вужудга келиши мумкин бўлган.

Д.С.Морозовнинг «Лойиҳалашни молиялаштириш: рискларни бошқариш» номли китобида, лойиҳани амалга ошириш шароитларида куйидаги риск турларини инobatга олиш тавсия этилади:

1. Ишлаб чиқариш rischi – кўзланган иш ҳажмларининг бажарилмаслиги ва харажатларни ортиши, ишлаб чиқариш лойиҳалаштириш камчиликлари ва шу сабабларга кўра корхонанинг жорий харажатларни ортиши rischi.
2. Инвестиция rischi – ўз қимматбаҳо қоғозлардан ҳамда харид этилган қимматбаҳо қоғозлардан иборат инвестиция-молия портфелининг нархи тушиб кетиши rischi.
3. Миллий ва чет эл валютасининг фоиз ставкаларини тебраниши муносабати билан боғлиқ бозор рисклари.
4. Сиёсий риск – давлат сиёсатининг ўзгариши натижасида даромадни тушиб кетиши ва зарар кўриш билан боғлиқ рисклар.
5. Молиявий риск – молиявий активлар билан операцияларни ошириш билан боғлиқ рисклар. Ўз ичига фоиз, кредит ва валюта рискларини қамраб олади.

Фоиз рисклари ўзгарувчан фоиз ставкаси асосида тузилган узоқ муддатли заём шартнома шароитида қутилмаган ҳолда фоиз ставкаси ўзгариши.

Кредит rischi банк томонидан молиявий кризис сабабли ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги.

Валюта rischi – валюта курсларини ўзгариши муносабати билан потенциал зарарлар кўриш rischi.

6. Иқтисодий риск – фирманинг иқтисодий муҳитда қутилмаган ўзгаришлар натижасида рақобатбардошлик ўринларини йўқотиш rischi, мисол учун энергия қувватлари нархи ошиши, божхона ставкалари ўзгариши, фоиз ставкаларининг ўзгариши ва бунга ўхшаш бошқа сабаблар.

Лойиҳа рискларини аниқлаш ва таърифлашда қуйидаги рискларни ҳам инобатга олиш керак: техник-технологик, қурилиш, маркетинг, молия, лойиҳа қатнашчилари rischi, ҳарбий-сийёсий, юридик-ҳуқуқий, бошқарув-ташқил этиш, ижтимоий, экологик, махсус рисклар, мажбурият рисклари, форс мажор шариоитлари.

Иқтисодий адабиётда инвестиция рискнинг систематик ва носистематик гуруҳларини ажратишади.

Тизимли риск деганда турли тадқиқотларда қуйидаги рисклар тушунилади:

а) барча лойиҳалар учун умумий;

б) хом ашёга ва молиявий инструментни даромадига бўлган нархларни тебраниши билан боғлиқ умумбозор рисклари;

в) режаланган лойиҳа самарадорлигини ижобий ҳамда салбий ўзгартиришларга олиб келадиган рисклар.

Носистематик рисклар аниқ бир лойиҳа даромадига таъсир этувчи ва фақат шу лойиҳа учун тегишли бўлган рисклар кўриб чиқилади.

Баъзи адабиётларда рискларнинг хусусиятига қараб ўтмиш, бугунги кун ва келажак рискларига, ҳамда таъсир даражасига қараб паст, мўътадил ва юқори рискларга ажратилади.

Инвестиция лойиҳа рискларини классификациясида яна бир ёндашишни ажратса бўлади: бу rischi кўзланган ва кўзланмаганлиги.

Кўзланмаган рисклар тоифасига қуйидагилар киради:

1. Макроиқтисодий рисклар. Улар:

– Моддий-техник таъминот, табиий муҳитни ҳимоя қилиш, лойиҳа ва ишлаб чиқариш нормативлари, ердан фойдаланиш, экспорт-импорт, нархни белгилаш, солиқ соҳаларида давлат томонидан бошқариш чоралари;

– Нотурғун иқтисодий қонунчилик ва иқтисодий ҳолат, ташқи иқтисодий шариоитларни ўзгариши (савдога чеклашлар ўрнатилиши, чегараларни ёпилиши ва ҳок.).

- Сиёсий турғунликнинг йўқлиги, ижтимоий сиёсий шароитларни ўзгариши rischi;
  - Техник-иқтисодий динамикаси тўғрисида маълумотни тўлиқ эмаслиги ёки хатолиги;
  - Бозор конъюктураси, нархлар, валюта курслари тебраниши;
  - Табiiй-климатик ноаниқликлар, табиий офатлар эҳтимоллиги;
2. Экологик riskлар (табиий офатлар, ер кимирлаши, сув тошқини, тўфон ва ҳок.).
  3. Ижтимоий хавф ҳамда қонунбузарчиликлар билан боғлиқ riskлар.
  4. Қуйидаги кутилмаган бузилишлар шароитлари натижасида вужудга келадиган riskлар:
    - зарурий инфратузилмани ҳосил қилиш;
    - лойиҳалаштириш, таъминот, қурилиш ва ҳк. бўйича шерик ташкилотларнинг банкротликка учраши;
    - молиялаштириш;
    - ишлаб чиқариш тизимида (жиҳозлар бузилиши ва ишламаслиги, ишлаб чиқариш браки ва ҳок.);
    - қатнашчи ташкилот ва корхоналарнинг обрўси ва молиявий ҳолати (банкротлик, мажбуриятларни тўлай олмаслиги) тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслик.
- Кўзланган riskлар тоифасига қуйидагилар киради:
1. Хом ашё таъминоти ва унинг нарҳини ортиши; истеъмолчилар талаблари ўзгариши; бозорда ўз ўрнини йўқотиш; ҳаридорларнинг савдо қоидаларига риоя этишдан бош тортиши билан боғлиқ бўлган riskлар.
  2. Лойиҳа элементлари ҳолатини ишчан шароитда сақлаш имкони йўқлиги, хавфсизлик талаблари бузилиши, лойиҳа мақсадида чекиниш натижасида вужудга келадиган riskлар.
  3. Технологияларни ўзгариши; ишлаб чиқариш сифатини пасайиши; лойиҳага киритилган технологиянинг ички хусусиятлари; лойиҳа-смета ҳужжатларида хатоликлар муносабати билан вужудга келадиган riskлар.
  4. Лицензияларда хатоликлар, патент ҳуқуқларини ижро этмаслик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, ташқи ҳамкорлар билан суд жараёнларини, ички суд жараёнлари бўлиб қолиши, форс-мажор ҳолатлар бўлиши билан вужудга келадиган ҳуқуқий riskлар.

5. Суғурта рисклари – агар мол мулкка бевосита (авария, жиҳоз бузилиши ва ҳок.) ёки билвосита (бузилган мол-мулкни номоён килиш ва кўчириш, жиҳозларни қайта ўрнатиш, ижара даромадини йўқолиши, фаолият белгиланган ритмининг бузилиши, молиялаштиришни ошириш зарурияти) зарар хавфи мавжуд бўлса. Бир хил рискларни қонунчиликка кўра суғурталаса бўлади (инсонни лат ейиши, мол-мулкка зарар, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш жараёнида хатоликлар сабабли лойиҳага зарар етиши, ишлар графигини бузилиши).

Лойиҳаларни баҳолаш жараёнида рискларнинг ички ва ташқи турларига эътибор қаратиш керак.

Ташқи рисклар турларига қуйидагилар киради:

- Иқтисодий қонунчилик ва иқтисодий ҳолат, инвестициялаш шартлари ва даромадан фойдаланиш нотурғунлиги билан боғлиқ рисклар;
- Ташқи иқтисодий рисклар (савдога чеклашлар, чегараларни ёпилиши ва ҳок.)
- Сиёсий шароитни ноаниқликлари, мамлакатда ва ҳудудда ижтимоий-сиёсий шароитни ёмонлашуви rischi;
- Табиий-иқлим шароитлари ёмонлашуви ҳамда табиий офатлар эҳтимоли;
- Талабни, рақобатчиларни ҳамда лойиҳа маҳсулоти учун нархларни нотўғри баҳолаш;
- Бозор конъюктурасини ва валюта курсларини тебраниши ва ҳок.

Ички рисклар турларига қуйидагилар киради:

- Лойиҳа ҳужжатларни тўлиқ эмаслиги ёки хатоликлар (харажатлар, лойиҳани амалга ошириш муддати, техник параметрлар ва технологиялар);
- Қатнашчи ташкилот ва корхоналарнинг обрўси ва молиявий ҳолати (банкротлик, мажбуриятларни тўлай олмаслиги) тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслик.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Бозор конъюктураси, банкротлик, мажбуриятлар, ташқи ва ички иқтисодий рисклар, суғурта рисклари, лицензия, патент, хом ашё, лойиҳалаштириш, таъминот, қурилиш, молиялаштириш, ишлаб чиқариш, нархлар, валюта курслари, табиий-климатик

ноаникликлар, табиий офатлар, сиёсий риск, динамик рисклар, статистик рисклар, инвестиция, селектив риск, кредит риски.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Рискларни классификациялашдан мақсад нима?
2. Рискларни қандай турлари мавжуд?
3. Соф риск деганда қандай рисклар тушунилади?
4. Спекулятив риск деганда қандай рисклар тушунилади?
5. Молиявий рискни тушунтириб беринг.
6. Инвестиция рискини тушунтиринг.
7. Ўзгаришлар даражасига кўра инвестиция рисклари қандай турларга бўлинади?
8. Инвестиция рискнинг систематик ва носистематик турини тушунтиринг.
9. Лойиҳаларни баҳолаш жараёнида рискларнинг ички ва ташқи риск турларини тушунтириб беринг.
10. Ташқи рискларнинг қандай турларини биласиз?

## **6. РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ: ЗАРУРИЯТ, МОҲИЯТ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**Режа:**

6.1. Рискларни бошқариш стратегияси, тактикаси.

6.2. Риск функцияси, бошқариш жараёнининг асосий усул ва босқичлари.

6.3. Ахборот-коммуникация тизимида рискларни бошқариш чизмаси ва уларни баҳолаш усуллари.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

### **6.1. Рискларни бошқариш стратегияси, тактикаси**

**Рискни бошқариш** – маълум чегаралардаги риск миқдорига эришиш бўйича тизимлаштирилган тарзда ташкил этилган фаолиятлар мажмуи сифатида – кўп погонали жараён бўлиб, нокулай ҳодисалар рўй берганда объект учун юзага келадиган зарарни камайтириш ёки ўрнини қоплашни ўз олдига иқтисодий мақсад қилиб олади. Рискни бошқаришнинг якуний мақсади тадбиркор учун даромад ва рискнинг ўзаро оптимал, мақбул нисбатида энг кўп даромад кўриши ҳисобланади.

Умуман, *рискни бошқариш* ноаниқ хўжалик вазияти шароитларида юзага келадиган иқтисодий, молиявий ва бошқарув муносабатларини тартибга солиш тизимини ифода этади. У қуйидагиларга йўналтирилган тадбирлар мажмуини кўзлайди:

Номаълумлик шароитларида риск ҳолатларини башорат қилиш орқали айтиб бериш:

- рискдан воз кечишни асослаб бериш;
- маълум шароитларда рискни асослаб бериш;
- маълум усул ва услублар ёрдамида рискни камайтириш;
- рискни минимумгача нейтрал қилиш;
- намоён бўлган рискларнинг сабаб ва оқибатларига барҳам бериш (ликвидация);

- кризисдан кейин “янгиланган” ташкилотларни ўзгарган шароитларга мослаштириш;

- ташкилотнинг ўзини банкротликдан сақлаш.

Технология, ҳаракат нуқтаи-назаридан, *рискни бошқариш* – бу ташкилот, корхонанинг рисклар эҳтимоллигини баҳолашни

аниқлаш ва улар ўзи билан олиб келадиган зарарни минимумгача қисқартиришга қаратилган фаолиятдир. Бу фаолият ташкилотнинг фаолияти натижаларига рискнинг кўрсатадиган таъсирини юмшатишга йўналтирилган алоҳида фаолият тури бўлиб, ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

- 1) алоҳида риск турларини идентификациялаш;
- 2) алоҳида рисклар эҳтимоллиги даражасини баҳолаш;
- 3) алоҳида рисклар билан боғлиқ эҳтимол бўлган зарарни баҳолаш;
- 4) алоҳида операциялар бўйича риск даражасининг энг сўнгги кўрсаткичини ўрнатиш;
- 5) алоҳида рискларни ушбу рискларнинг келиб чиқиш эҳтимоллигини камайтириш мақсадида профилактика қилиш;
- 6) рисклардан кўриладиган зарарни минималлаштириш дастурини ишлаб чиқиш.

Рискларни бошқариш, ҳар қандай фаолият сингари, ўзининг стратегияси ва тактикасига эга.

Бошқариш стратегияси деганда асосий йўналиш ва қуйилган мақсадга эришиш учун воситаларни қўллаш усули тушунилади.

**Рискни бошқариш стратегияси** – номаълум хўжалик вазияти шароитларида рискни прогноз қилиш ва уни камайтириш усуллари асосланган режалаштириш ва бошқариш санъатидир. Стратегия ўз таркибига шундай қондаларни қамраб оладики, булар асосида рискка оид ечимлар ва усуллар, уларни танлаш вариантлари қабул қилинади. Қабул қилинган стратегияга зид келмайдиган ечим вариантларини қўллашга эътиборни жамлаш лозим. Қўйилган мақсадга эришилгандан кейин стратегия ўз мавжудлигини йўқотади. Янги мақсадлар янги стратегиянинг ишлаб чиқилишини тақозо этади.

**Рискни бошқариш тактикаси** деганда аниқ шароитларда қўйилган мақсадга эришишнинг конкрет методлари ва усуллари тушунилади. Бошқариш *тактикасининг вазифаси* – рискни бошқаришнинг берилган хўжалик жараёнидаги энг оптимал ечими ва қўлланилишининг энг мақбул бўлган усул ва услубларини танлашдир.

Рискни бошқариш, тизим сифатида иккита кичик тизимдан ташкил топган: бошқарилувчи (бошқарилиш объекти) ва бошқарувчи (бошқариш субъекти).



Рискни бошқариш объекти – бу риск, капиталнинг риск қўйилмалари ва рискни амалга ошириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги иқтисодий муносабатлардир. Иқтисодий муносабатлар деганда суғурта қилувчи ва суғурталанувчи, қарз олувчи ва кредиторлар орасидаги, тадбиркор-ҳамкорлар ёки рақобатчилар ва ҳ.к. лар орасидаги муносабатлар тушунилади.

## **6.2. Риск функцияси, бошқариш жараёнининг асосий усул ва боскичлари**

Ҳар қандай иқтисодий фаолият олдинга қўйилган мақсад билан характерлидир. Бу мақсад фаолият натижасида фойда кўриш, ҳар бир индивиднинг, корxonанинг, жамиятнинг маҳсулотларга ёки хизмат турларига бўлган талабини қондиришдан иборат. Шу мақсад нуктаи-назаридан қаралганда иқтисодий рискларнинг қуйидаги белгиларини фарқлаш мумкин:

- Риск натижасида олдинга қўйилган мақсаддан четга чиқиш эҳтимолининг мавжудлиги;
- иқтисодий фаолият натижасида олиниши мумкин бўлган фойда миқдорининг мавжумлиги;
- иқтисодий субъектда бўлажак натижаларга тўла ишончнинг йўқлиги;
- турли моддий, молиявий ҳамда маънавий йўқотишларнинг мавжудлик эҳтимоли.

Умуман олганда рискларнинг бош белгиси бу ноаниқликдир. Унинг салмоғи қанча кўп бўлса тадбиркор учун риск даражаси шунча кўп бўлади. Мана шу ноаниқликлар қуйидаги бир қатор факторларга боғлиқ:

- табиат ҳодисалари ва офатлари рўй беришини олдиндан билиб бўлмаслик (ер қимирлаши, сув тошқини, курғоқчилик в.б.);
- қарама-қаршилик курашининг мавжуд бўлиши (турли миллатлараро, динлараро в.х.к.);
- ҳодисаларнинг рўй бериши эҳтимолининг турли даражадалиги, яъни кутилган ҳодиса турли даражада рўй бериши мумкин (масалан: ёнғин ёки сув тошқинини қай даражада зарар келтиришини олдиндан билиб бўлмаганидек).

- фан-техника тараққийетининг натижаларини олдиндан аниқ билиб бўлмаслик;
- иқтисодий субъект билан боғлиқ бошқа субъектлар (мижозлар, истеъмолчилар, товар, пул етказиб берувчилар), бу субъектга қарши ҳаракат қилиши мумкин бўлган шахслар, турли ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида маълумотларни тўлиқ бўлмаслиги;
- иқтисодий лойиҳага киришилаётганда моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг чекланганлиги;
- иқтисодий таҳлил услубиётининг чекланганлиги ёки иқтисодий субъект билим даражасининг камлиги.

Мана шу юқоридаги факторлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий рискларнинг қуйидаги функцияларини менежер билмоғи лозим.

**1. Регулятив функция** – бу функция конструктив ва деструктив характерга эга бўлиши мумкин.

**Конструктив** – қачонки риск инновацион, инвестицион масалаларини ҳал қилишда рағбатлантирувчилик ролини ўтаса ва ижобий натижага олиб келса. Бу билан консерватизм, догматизм ва бошқа психологик тўсиқларни енгиб ўтишга ундайди ва янгиликка йўл очади, яъни у тадбиркорлик фаолияти учун ўзига хос катализатор ролини ўтайди.

**Деструктив** – қачонки тадбирлар эҳтимоли мавжуд рисклар билан етарли ҳисоблашмай иккиланишга борса ва салбий натижа кўрилишидир.

**2. Ҳимоя функцияси.** Рисклар мавжудлиги иқтисодий субъектни ҳимояланишга, турли ҳимоя механизмларини ишлаб чиқаришга ундайди (четлаш, лицензиялаш, стандартлаштириш, суғурталаш).

**3. Инновацион функция.** Рисклар мавжудлиги уларни айланиб ўтиш йўлларини қидиришга, янги муқобил ечимлар топишга, рискларга бошқариш усулларини такомиллаштиришга ундайди.

**4. Аналитик функция.** Иқтисодий субъект риск фактори таъсирида турли вариантларни чуқур таҳлил қилишга мажбур бўлади ва рискларни бошқаришда қуйидаги функцияларга эътибор берилади:

- рискни ҳал қилиш;
- капитални рискли қўйиш;
- риск миқдорини камайтириш бўйича ишлар;
- рискни суғурта қилиш;
- хўжалик юритиш субъектлари орасида иқтисодий муносабатларни ташкил қилиш.

Рискни бошқариш субъектлари – ташкилотнинг барча раҳбарлари ва мутахассислари ҳисобланади. Тор маънода – инсонларнинг махсус гуруҳлари (риск-менежер, риск-мухандис, риск-техник, суғурта бўйича мутахассис, актуарий (суғурта бозорини математик статистикаси мутахассиси, суғурта таърифлари, фоизлари, ва узоқ муддатли суғурталаш захираларини илмий амалий методларини ишлаб чиқариш билаш шуғулланувчи), андеррайтер (обуначи ёки қимматли қоғозлар билан ишловчи маклер) ва бошқа масъул шахслар)дир. Улар бошқарув таъсирининг турли усул ва услублари ёрдамида бошқарув объектининг мақсадга йўналтирилган фаолиятини амалга оширадilar. Улар:

- рискларни бошқариш бўлимлар;
- рискли капитал қуйилмалар бўйича бўлимлар;
- венчур инвестиция сектори;
- суғурта операциялари сектори;
- рискни бошқариш бўйича гуруҳлар ва шунга ўхшаш бошқа тузилмалар.

*Рискларни бошқаришда субъект функциялари қуйидагилардан иборат:*

- прогнозлаш, яъни объектни яхлит ва қисман молиявий ҳолатини ўзгартириш истиқболларини ишлаб чиқиш. Прогнозлаш – бу аниқ бир ҳодисани олдиндан кўра билиш. У ишлаб чиқилган прогнозларни амалиётда бевосита амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қуймайди, балки прогнозлашнинг ўзига хос хусусияти молиявий ва бошқа кўрсаткичлар(параметрлар)ни кўришда альтернативлик мавжудлигидир. Прогнозлаш rischi динамикаси ўзгаришлар тенденциясини баҳолашни инobatга олган ҳолда ҳамда ўзгаришларни тўғридан-тўғри башоратлаш орқали амалга оширилади.

■ Ташкилот – бу аниқ қоида ва тартиблар асосида капитални рискли кўйиш дастурини амалга оширувчи инсонлар уюшмаси. Бу қоида ва тартибларга қуйидагилар киради:

- бошқарув органларини тузиш;
- бошқарув аппарати тизимини қуриш;
- бошқарув бўлиналари орасида ўзаро муносабатларни ўрнатиш;
- меъёр ва услубларни ишлаб чиқиш.

■ Рискни бошқаришни тартибга солиш – бу, берилган кўрсаткичлардан чекланиш вужудга келиши ҳолларида шу объектларни барқарор ҳолатга келтирувчи, бошқариш объектига таъсир этиш. Тартибга солиш вужудга келган четланишларни бартараф этиш бўйича жорий тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

■ Стимуллаш (рағбатлантириш) – риск бўйича мутахассисларни ўз меҳнати натижаларига қизиқишга ундаш;

■ назорат – риск даражасини пасайтириш бўйича ишларни ташкил этишни текшириш; назорат ёрдамида, кўзланган тадбирлар дастурининг ижро даражаси, рискли капитал қуйилмалари даромади, корхона, ташкилот фаолияти турларига ўзгариш кириштишга асос бўлувчи даромад ва риск ўртасидаги мутаносиблик тўғрисида маълумот йиғилиши;

■ мувофиқлаштириш – бу муносабатлар бирлигини, рискни бошқариш тизимининг барча бўғинлари: бошқариш объекти, бошқариш субъекти, бошқариш аппарати, мутахассис ва алоҳида ишчи ишини ўзаро мувофиқлигини таъминлаш.

*Риск бўйича мутахассисларнинг асосий вазифалари:*

- юқори риск соҳаларини аниқлаш;
- риск даражасини баҳолаш;
- ташкилот (тадбиркор) учун берилган риск даражасининг мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- зарур ҳолларда рискни олдини олиш ёки камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- рискка оид ҳодиса юз берган шароитда – етказилган зарар ўрнини максимал даражада қоплашга қаратилган чораларни қўллаш ва ҳок.

Бошқарув субъектининг бошқарув объектига таъсир жараёни, яъни бошқарув жараёнининг ўзи бошқарувчи ва бошқарилувчи кичик тизимлар орасида маълум бир ахборотнинг айланиши шароитидагина амалга оширилиши мумкин.

Рискни бошқариш фаолиятининг *ахборот таъминоти* турли хил ахборотдан ташкил топади: статистик, иқтисодий, тижорат, молиявий в.б.

### **6.3. Ахборот-коммуникация тизимида рискларни бошқариш чизмаси ва уларни баҳолаш усуллари**

Тулақонли хўжалик тизимининг барқарор ривожланишига йўналтирилган элементлар тартибсиз ҳаракатидан кутилаётган оқибатларнинг намоён бўлиши сифатида иқтисодий рисклар моҳияти ва табиатини аниқлаб олиш тадбиркорликда рискларни бошқариш жараёнига янгича қарашга имкон беради. Рисклар назариясига замонавий қараш ила риоя қиладиган бўлсак, бу назария уларни қандайдир таҳдид сифатида кўриб чиқиб, тадбиркорлик тизимини адоватли тизим сифатида талқин этиши муқаррар эканлигини сезиш қийин эмас. Исталган дарсликдаги рисклар таснифига кўз ташлаб оқ биз ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект уни ҳар томондан, ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан қуршаб турган ўта тажовузкор тизимда ишлайётганига амин бўламиз. Ана шундай бир шароитда рискларни бошқариш тизимлари барпо этилиши ҳам тамомила қонуний бир ҳодисадир. Амалда бу тизимлар бошқарувнинг тажовузкор-мудофааланувчи стратегияси ва тактикасини таъминловчи тузилмалар ва жараёнларни ўзида ифода этади.

Бироқ рискларни биз таклиф этаётган концепция доирасида кўриб чиқадиغان бўлсак, вазият умуман бошқача кўринишда бўлади. Иқтисодий тизимда хўжалик механизми элементларининг ҳар қандай ҳаракати унинг мунтазамлик ва барқарорликка эришишга тўсатдан ва тартибсиз кечадиган қонуний интилиши эканлигини тушуниб етиш рискларни бошқариш тизими уларга қарши курашмаслиги ва мудофааланиши эмас, балки бутун тизимни хўжалик тизими элементларининг барқарор ривожланиш ҳолати сари тартибли ҳаракатини таъминлайдиган бир тарзда мослашиш лозимлиги борасида оддий бир тўхтамга келишга имкон беради.

Агар рискларнинг ҳозирги замон таснифотига назар ташлайдиган бўлсак, унда давлат фаолияти билан асосланадиган

рисklar биринчи ўринларда туришини кўрамыз. Шу билан бирга, жамоатчилик мулоҳазасида давлат ҳаракатлари бизнесга зарар етказди деган фикр теран илдиз отган. Аммо бу хулосага қўшилиб бўлмайди. Гап шундаки, давлат бизнесни ривожлантиришдан манфаатдор бўлиб, ўзининг макроиқтисодий воситаларидан фойдаланган ҳолда рисklarни пасайтиришга, тадбиркорлик тузилмалари мунтазам ва барқарор ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилади.

Агар мустақиллик йилларида ана шу ривожланиш характерини кўздан кечирадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти асослари шаклланиб боргани сари давлатнинг тартибга солиб турувчи функциялари роли босқичма-босқич ва изчиллик билан пасайиб бораётганини кўриш унчалик қийин бўлмайди. Айтиш мумкин, 2008 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг муҳим бир хусусияти эса «парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдию»<sup>21</sup> деган сўзларда мужассамлашган. Ўзбекистон Республикаси И.А. Каримовнинг ушбу сўзларида жуда қийин бўлган ўтиш даврида бизнес рисklarини камайтириш сиёсатини амалга оширишда давлатнинг роли тўла очиб берилган. 2008 йил охиридан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланиб кетиши рисklarсиз ишлаш шароитлари яратишда давлатнинг родини яна кучайтириб юборди. Экстремал иқтисодий вазиятларда давлатнинг тартибга солиш функциялари кучайиб кетишига қарамай, давлат қонунчилик ва меъёрий базани доимий равишда ривожлантирди, бу билан эса либераллаштириш ва иқтисодий эркинликларни кенгайтириш йўналишида хўжалик юритиш субъектларининг иқтисодий хулқ-атвори қондаларини ривожлантирди ва такомиллаштирди. Бу ижобий тенденцияларнинг янада ривож топишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.


Тадбиркорлик тузилмаларига тўхталадиган бўлсак, бу микроиқтисодий даража бўлиб, унда давом этаётган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари ва хусусий тадбиркорлик шаклланиши жараёни туфайли фирма ичидаги бошқарувга оид қўғлаб

---

<sup>21</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 76.

масалалар ҳалигача ҳал этилмаган. Бу нарса риск-менежмент, яъни бизнинг ахборот-коммуникация тизимимиз учун нисбатан янги бошқарув жараёни йўналишига ҳам тааллуқли. Бу ерда биз ҳали таҳлил ва тажриба негизларига эга эмасмиз, шу сабабдан махсус адабиётлар материаллари бўйича ҳозирда амалдаги рискларни бошқариш технологияси схемасини тақдим этамиз (6.3.1-расм).

6.3.1-расмда келтирилганидек, рискларни бошқариш технологияси эскирган. У мақсадлар қўйиш, вазиятни таҳлил қилиш ва муаммони ҳал этиш дастурини тайёрлаш стандарт занжирига асосланади. Масала эса бошқарувнинг мақсади қандай эканлигидадир.




6.3.1-расм. Рискларни бошқариш технологияси схемаси.<sup>22</sup>

Бу масала бирмунча мураккаб саналади, чунки биз кўрсатиб ўтганимиздек, рискларга қарши ҳаракат қилиш эмас, балки, аксинча, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа хилдаги жараёнлар ҳаракатидан келиб

<sup>22</sup> Манба: Ступаков В.С., Токаренко Г.С. Риск-менежмент.—М.: Финансы и статистика, 2007, 25 с.

чиқадиган ана шу рискни аниқлаш, унинг табиатини ва барқарорлик шароитига яқинлашиш даражасини ўрганиш зарур. Бу эса ахборот-коммуникация соҳасида рискларни бошқаришнинг белгиловчи жиҳати, уни баҳолаш деганидир. Тасаввуримизча, ана шу баҳолаш сон ва сифат жиҳатларига эга. Шунини ҳисобга олиб, биз баҳолашнинг уч йирик блокинни тавсия этдик (6.3.2-расм).



**6.3.2-расм. Ахборот-коммуникация тизими рискларини баҳолаш усуллари блок-схемаси<sup>23</sup>.**

Биринчи блок – макроиктисодий даражада рискларни бошқариш тизими самарадорлигини баҳолашдан иборат. Бу моҳиятан давлат ва ички тизим алоқалари мажмуи ҳисобига ахборот-коммуникация тизимида рискларни бошқариш тизими самарадорлигини аънавий баҳолаш ҳисобланади. У статистик макроиктисодий ва тармоқ индикаторлари стандарт тизимида ифодаланади. Бунга ўхшаш ахборотларни олиш манбалари эса одатдаги статистик тўпламлар, шунингдек, Ўзбекистонда амалиётда бўлган ахборот-таҳлилий материаллар саналади. Ахборот-коммуникация тизими тавсифи макроиктисодий мезонлардан ташқари доимо ахборот-коммуникация жараёнлари техника ва технологияси алоҳида хусусиятларидан келиб чиқадиган синтетик баҳолаш билан тўлдирилади. Умуман,

<sup>23</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



технологик хусусиятлар ҳар қандай тармоққа хосдир, бироқ, айнан ахборот макони доирасида улар ўта муҳим ва ҳал қилувчи устуворликка эга бўлади. Ҳозирги вақтда асосий риск ҳудудлари айнан шу соҳада жамланган, чунки рақобатлашаётган ахборот-коммуникация тизимлари шу қадар шиддат билан ривожланиб бормоқдаки, ҳатто инновацион-технологик жараёнларда арзимас даражада ортда қолиш ҳам ўрнини тўлдириб бўлмайдиган иктисодий йўқотишларга олиб келади. Мазкур тадқиқот иши доирасида баҳолашнинг ана шу блокни барпо этишнинг услубий жиҳатларини очиб беришга зарурат йўқ, чунки макроиктисодий жараёнлар динамикаси зарур жадвалли материаллари ҳаммага маълум саналади, инновацион-технологик жараёнлар эса кўрсаткичларнинг сурункали ўзгариши шароитида рўй беради.

Баҳоларнинг иккинчи блоки эса сифат характериға эға ва респондентлар ўртасида сўров ўтказиш материаллариға асосланган. Бунинг учун биз махсус ишлаб чиқилган анкета саволлариға бериладиган жавоблар қуйидагиларни тавсифлаши лозим:

- ахборот-коммуникация тизимида рискларни бошқаришни ташкиллаштириш;
- рискларни бошқариш жараёни;
- ахборот-коммуникация тизими иктисодий (тижорат) рисклари таснифи;
- ахборот-коммуникация тизими рискларини бошқариш тизими;
- ахборот рискларини бошқариш.

Социологик тадқиқотлар, анкета сўровларини ўтказиш ва сўровнома натижасида олинган материалларни қайта ишлаш методологияси ҳаммага маълум, шунинг учун ҳам услубиятимизнинг ана шу жиҳатиға тўхталиб ўтирмаймиз. Шу билан бирға, услубиятимизнинг учинчи блоки бизға янада қизиқарли кўринади, чунки у бево-сита ахборот-коммуникация соҳаси микрообъектлари рискларини бошқариш самарадорлигини натижаловчи баҳоға эға. Ушбу блокда объектнинг молиявий барқарорлик даражаси ва иктисодий вазият беқарорлашиши риск даражаси таҳлил қилинади.

Риск-менежментнинг замонавий назариялари рискли вазиятларда эҳтимол тутиладиган йўқотишларни баҳолашға асосланади. Бундан фарқли равишда, биз тақлиф этаётган услубиятда хўжалик тизими элементлари ҳаракати унинг барқарорлашишға объектив интилиши билан асосланган мувофиқлаштирилмайдиган характер касб

этиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда вазиятни кўриб чиқамиз. Биз тизимнинг ҳар бир элементи ҳаракати ва уларнинг йиғиндиси пировард натижада ўзини-ўзи ташкиллаштиришга ва ўзини-ўзи тартибга солишга олиб келиши лозим дея ҳисоблаймиз. Аммо амалда бу барқарорлашиш жараёни анча узоқ давом этади, кўшимча ташқи ва ички таъсирларга учраган ҳолда, вақти узайтирилади ва бундай ҳолда тартибга солиш жараёни қанчалик узоқ давом этса, хўжалик юритувчи субъект ҳам шунчалик кўп йўқотишларга учрайди. Шу туфайли, фикримизча, рискларни бошқариш вазифаси хўжалик тизими элементлари ҳаракати устидан назоратни ташкиллаштириш, уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш ва тартибга солишдан иборат бўлади.

Биз хўжалик тизими элементлари ҳаракати устидан умумийлигича тизимнинг ҳаётий фаолияти натижаларини характерловчи баҳоловчи кўрсаткичлар тартибланган тизимини ўзида ифода этувчи риск-индикаторлар асосида назорат қилиб туришни таклиф этамиз. Ҳаракат жараёнида тизим элементлари уларнинг чегараси элементларнинг мувофиқлашмаган ҳаракатидан кўриладиган йўқотишлар даражаси билан белгиланувчи ҳудудларга тушиб қолади. Назарий жиҳатдан бу ҳудудлар сони ҳам йўқотишлар даражаси градацияси сингари чексиздир. Шунинг учун ҳам биз ахборот-коммуникация тизими объектлари иқтисодий ривожланиши жараёнида элементларнинг мувофиқлаштирилмаган ҳаракати оқибатлари-га мос келувчи тадбиркорлик рискларини сифат жиҳатдан баҳолашнинг тўртта ҳудудини алоҳида ажратиш кўрсатамиз (6.3.3-расм).

<i>Ҳаракатнинг изобий риск-индикаторлари</i>	<i>Ҳаракатнинг салбий риск-индикаторлари</i>		
Рисксиз ҳудуд	Йўл қўйил- диган риск ҳудуди	Критик риск ҳудуди	Ҳалокатли риск ҳудуди

**6.3.3-расм. Ахборот-коммуникация тизими субъектлари тадбиркорлик рискларни ҳудудлари<sup>24</sup>.**

<sup>24</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Рискларсиз ҳудуд – риск-индикаторлари тизим элементлари нормал ҳаракати ва йўқотишларнинг реал асослари йўқлиги ҳақида сигналлар жўнатиб турувчи ҳудуддир.

Йўл қўйиладиган риск ҳудуди – унинг доирасидаги фаолияти ўзининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини сақлаб қоладиган, аммо йўқотишлар аввал рўй берган тизим элементлари нормал ҳаракатида тўхталишлар бошлагани ҳақида риск-индикаторлар сигналлари вужудга келувчи соҳадир.

Критик риск ҳудуди тизим элементларининг мувофиқлаштирилмаган ҳаракати даражаси кутилаётган даромад (фойда) катталигидан ортик бўладиган йўқотишларга олиб келиши тўғрисидаги риск-индикаторлар сигналлари билан тавсифланади.


Ҳалокатли риск зонаси ўз катталиги жиҳатидан критик даражадан юқори бўладиган, максимум даражада эса бутун мол-мулкнинг қийматига тенг бўлган, яъни банкротлик оқибатида капитални бутунлай йўқотишларга олиб келувчи хўжалик тизими элементлари ҳаракатидаги эҳтимол тугилувчи катаклизмлар ва ҳалокат тўғрисидаги риск-индикаторлар сигналларини шакллантирувчи ҳудуд.

Ахборот-коммуникация тизими ва унинг объектлари риск-индикаторлари иқтисодий нуқтаи-назардан бошқа хўжалик тизимлари шундай кўрсаткичларига айнан ўхшашдир. Ахборот макони технологик элементлари ўзига хос ҳаракатидан келиб чиқувчи рискларни қуйида кўрсатиб ўтамыз. Иқтисодиёт, хўжалик элементлари ҳаракати молиявий ресурслар ҳаракати, уларнинг мавжудлиги, жойлаштирилиши ва фойдаланилишини акс эттирадиган риск-индикаторлар томонидан қатъий белгиланиши лозим. Уларнинг сигналлари эса фаолият натижалари оқибатлари рискени: активлар ва пасивлар тузилмалари ҳаракати риски, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорликни йўқотиш рискени баҳолашга имкон беради.

Молиявий кўрсаткичлар ҳаракати характери риск-индикаторлар билан баҳолаш шкаласи сифатида уларнинг тавсия этилаётган қийматлардан амалдаги оғишини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Активлар тузилмаси рисклари юзага келиши сигнали уларнинг гуруҳлари бўйича етишмаслиги, унинг оқибати эса активларнинг пул маблағларига айланиш қиймати ва вақт бўйича йўқотишлар, натижада мажбуриятлар бажарилиши барбод бўлиши саналади.

Корхона активлари эса уларнинг ликвидлиги, яъни уни амалга оширишда ушбу элемент ҳаракати тезлиги бўйича тўрт гуруҳга тақсимланади (6.3.4-расм).



**6.3.4-расм. Активларнинг ликвидлик rischi даражаси бўйича активлар таснифи<sup>25</sup>.**

Активларнинг ликвидлик даражаси бўйича қониқарсиз тузилмаси натижаси бошқа riskли вазиятларнинг юзага келиш шарт-шароитлари, хусусан, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлик йўқотилиши ҳисобланади. Тўлов қобилияти

<sup>25</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Йўқотилиши rischi хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий мажбуриятларни ўз муддатида тўлай олмаслигини англатади. Riskни баҳолаш бўйича риск-индикаторлар сигналлари ҳам мутлақ, ҳам нисбий кўрсаткичлар шаклида келиб тушиши мумкин.

Тўлов қобилияти (баланс ликвидлиги) йўқотилиши транслятори эса балансдаги актив ва пассив маблағлар мувофиқлиги риск-индикатор томонидан аниқланиши саналади (6.3.1.-жадвал).

### 6.3.1-жадвал


**Ахборот-коммуникация тизими хўжалик тизимлари активлари ва капитали ҳаракатининг улар ликвидлиги турини аниқлаш ва таққослаш учун индикатив риск-тавсифномаси<sup>26</sup>**

	<b>Баланс активлари</b>		<b>Баланс пассивлари</b>
<b>AA1</b>	Ликвидлиги энг юқори активлар	<b>III</b> <b>1</b>	Энг қисқа муддатли мажбуриятлар
<b>AA2</b>	Тез сотиладиган активлар	<b>III</b> <b>2</b>	Қисқа муддатли мажбуриятлар
<b>AA3</b>	Секин сотиладиган активлар	<b>III</b> <b>3</b>	Ўртача муддатли мажбуриятлар
<b>AA4</b>	Қийин сотиладиган активлар	<b>III</b> <b>4</b>	Узоқ муддатли мажбуриятлар

Риск-индикаторлар томонидан баланс активи элементлари ҳаракати тўғрисида ахборот тақдим этилишини уларни сотиш тезлигини ахборот-коммуникациялари субъекти мажбуриятларини тўлаш муддатлари таққослаганда уни сотишни дискрет шаклда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (6.3.5-расм).

<sup>26</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ахборот-коммуникация муҳити хўжалик юритувчи субъектлари баланс ликвидлиги ҳолати типларининг дискрет тавсифномаси



6.3.5-расм. Ахборот - коммуникация тизими хўжалик юритувчи субъектлари баланс ликвидлиги ҳолати типларининг дискрет тавсифномаси<sup>27</sup>

Бу баланс ликвидлигининг тўрт турини аниқлашга имкон беради: оптимал, йўл қўйиш мумкин бўлган, етарли бўлмаган ва йўл қўйиш мумкин бўлмаган ликвидлик.

Ахборот-коммуникация тизими хўжалик юритувчи субъектлари молиявий барқарорлиги риск-индикаторлар билан молиявий элементлар ҳаракати барқарорлик даражасига қараб назорат қилинади. Бунда риск-индикатор пул оқимлари ҳаракати устидан хўжалик

<sup>27</sup> Манба: муаллиф томонидан бухгалтерия стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланган тўлов қобилияти мезонлари асосида ишлаб чиқилган.

юритувчи субъект томонидан харажатлар қопланиши учун молиялаштириш манбалари етарлилиги нуқтаи-назаридан назорат қилишга мослаб дастурланган бўлиши лозим. Таклиф этилаётган услубиятда молиявий барқарорликни йўқотиш rischi даражасини баҳолаш учун қуйидаги риск-индикаторлар ишга солинди (6.3.2-жадвал).

### 6.3.2-жадвал

#### Захиралар ва харажатлар ҳамда уларни молиялаштириш манбалари ҳаракати риск-индикаторлари<sup>28</sup>


	Кўрсаткич	Баланс сатрининг коди
З	Захиралар	Баланснинг 140-сатри
ЎММ	Ўз маблағлари манбалари	Баланснинг 480-сатри
УМА	Узоқ муддатли активлар	Баланснинг 130-сатри
ҚММ	Қисқа муддатли мажбуриятлар	Баланснинг 490-сатри
ЖА	Жорий (айланма) маблағлар	Баланснинг 380-сатри
УМКЗ	Узоқ муддатли кредитлар ва заёмлар	Баланснинг 570-сатри + 580-сатрлари
ЎАМ	Ўз айланма маблағлари	Баланснинг 480-сатри + 570-сатри + 580-сатри – 130-сатри
ҚМЗ М	Қисқа муддатли заём маблағлар	Баланснинг 600-сатри
КҚ	Кредиторлик қарздорлиги	Баланснинг 601-сатри
ЎУМ М	Ўз ва узоқ муддатли манбалар	Баланснинг 480сатр + 570сатр + 580сатри
ММУ К	Маблағлар манбаларининг умумий катталиги	Баланснинг 780-сатри
БА	Баланс активи	Баланснинг 390-сатри
Ф <sup>с</sup>	Ортиқча маблағлар ёки захираларни шакллантириш учун етарлича бўлмаган ўз айланма маблағлари	$\Phi^c = \text{ЎАМ} - 3$

<sup>28</sup> Манба: муаллиф томонидан бухгалтерия стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланган тўлов қобилияти мезонлари асосида ишлаб чиқилган.

$\Phi^{ca}$	Захираларни шакллантириш учун ўз ва узоқ муддатли заём маблағлар ортиқчалиги ёки етишмаслиги	$\Phi^{ca} = \text{МУК-3}$
$\Phi^o$	Захираларни шакллантириш учун маблағлар манбалари умумий катталигининг ортиқчалиги ёки етишмаслиги	$\Phi^o = \text{ММУК-3}$

Умуман мутлақ барқарорлик риск-индикаторлар томонидан камдан-кам ҳолларда қайд этилиши мумкин. У фақат ўз маблағлари айланма маблағларни (жорий активларни) шакллантирадиган бир вазиятни тавсифлайди. Йўл қўйиш мумкин бўлган барқарорлик ўз айланма маблағлари ва узоқ муддатли манбалар захиралар ҳажмига тенг ёки ундан пастрок бўладиган бир вазиятни тавсифлайди.

Келтирилган риск-индикаторлар кўрсаткичлари таҳлили молиявий элементлар ҳаракати характери ва молиявий барқарорликни йўқотиш rischi тури: мутлақ барқарорлик, йўл қўйиш мумкин бўлган барқарорлик, беқарор молиявий аҳвол ва инқирозли молиявий аҳволни ахборот-коммуникация тизими субъекти томонидан белгиланишига имкон беради (3.3.6-расм).



**6.3.6-расм. Ахборот-коммуникация тизими хўжалик субъекти молиявий барқарорликни йўқотиш rischi турларининг дискрет тизими<sup>29</sup>.**

<sup>29</sup> Манба: муаллиф томонидан бухгалтерия стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланган тўлов қобилияти мезонлари асосида ишлаб чиқилган.



Беқарор молиявий ҳолатда тўлов қобилиятини характерловчи элементлар ҳаракати бузилади, аммо ўз капиталини заёмлар ва кредитлар жалб этиш, дебиторлик қарзларини қисқартириш ҳисобига тўлдириш натижасида қайта тиклаш имконияти сақланиб қолади.

Инқирозли молиявий ҳолат эса қарз олинган маблағларга тўлиқ боғлиқлик билан тавсифланади ва банкрот рискига жуда яқин туради. Бу пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий кўйилмалар ва дебиторлик қарздорлари қисқа муддатли қарздорларни қопламай қолади. Захираларнинг тўлдирилиши эса кредиторлик қарздорларини ўз вақтида тўламаслик натижасида юзага келувчи маблағлар ҳисобидан содир бўлади.

Хўжалик тизими элементлари ҳаракатини назорат қилганда ва молиявий барқарорликни йўқотиши рисклари турини белгилашда риск-индикаторлардан фойдаланилганида мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар – молиявий коэффицентларни йиғинди ҳолида қўллаш зарур.

Ликвидлик коэффиенти хўжалик юритувчи субъект мажбуриятларини (пассивларини) қоплаш сифатида кўриб чиқиладиган активлар тузилмаси динамикасини тавсифлайди ва тўлов қобилиятини йўқотиш рискин баҳолаш мақсадида баланс ликвидлиги муфассал ва бирма-бир таҳлилин аамалга оширишга имкнн беради. Бунда риск-индикатор амалдаги натижалар меъёрлар ёки тавсия этилаётган миқдорлардан четга огишини кайд этиши лозим (6.3.3-жадвал).

### 6.3.3-жадвал

#### Ликвидлик (тўлов қобилияти) риск-нормативлари ҳисоб-китоби ва меъёрий миқдори формуласи<sup>30</sup>

Кўрсаткич	Ҳисоб-китоб формуласи	Меъёр	Изоҳ
Жорий лик-видлик (тўлов қобилияти) коэф-фициенти	$\frac{ЖА}{ҚМЗМ}$	$\geq 1,25$	Қисқа муддатли мажбуриятларнинг бир сўмига қанча жорий актив тўғри келишини кўрсатади

<sup>30</sup> Манба: муаллиф томонидан бухгалтерия стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланган тўлов қобилияти мезонлари асосида ишлаб чиқилган.

Мутлақ лик- видлик коэф- фициенти	$\frac{A1}{\text{ҚМЗМ}}$	$> 0,2 - 0,5$	Пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар ҳисобига яқин вақтлар ичида қисқа муддатли қарздорликнинг қандай қисмини тўлаб узиш мумкинлигини кўрсатади
Энг муҳим баҳолаш ко- эффиценти	$\frac{A1 + A2}{\text{ҚМЗМ}}$	$> 0,7 - 0,8$	Пул маблағлари, қисқа муддатли қўйилмалар ва дебиторлик қарздорлиги ҳисобига қисқа муддатли мажбуриятларнинг қандай қисми зудлик билан тўлаб узилиши мумкинлигини кўрсатади

Ахборот-коммуникация тизими хўжалик юритувчи субъектлари молиявий элементлари хулқ-атворини риск-индикаторлар билан назорат қилиш яқунлари бўйича уларнинг тўлов қобилиятини йўқотиши rischi ҳудудлари белгиланади.

Бироқ йўқотиш рискинни тўлароқ ва ишончли баҳолаш учун ликвидликни ўз мажбуриятлари бўйича тўлаш имкониятини аниқлашнинг ўзигина етарли эмас. Молиявий барқарорлик ва мустақиллик рискинни баҳолаш қуйидаги саволларга жавоб топиш мақсадида ўтказилиши: молиявий нуқтаи-назардан корхона қарз маблағлари жалб этилишига қанчалик боғлиқ ва бу боғлиқлик даражаси динамикаси қандай? Аввал айтиб ўтилган ҳолдаги каби, бу ерда ҳам баҳолаш технологияси амалдаги натижаларни тавсия этилаётган (норматив) миқдорлар билан таққослашга асосланади (6.3.4-жадвал).

Ахборот-коммуникация тизими субъектлари хўжалик фаолияти оқибатлари рискинни баланс ликвидлиги, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва мустақиллик, мутлақ ва нисбий мезонларидан фойдаланган ҳолда баҳолашда ана шу элементлардан ҳар бирининг ҳаракати аввало ўта тартибсиз идрок этилишини ҳам инобатга олиш зарур.

**Молиявий барқарорлик риск – нормативлари ҳисоб-китоби  
формуласи ва меъёрий миқдорлари<sup>31</sup>**

Кўрсаткич	Ҳисоб-китоб формуласи	Меъ ёр	Изоҳ
Активлардаги айланма маблағлар улуши	$\frac{A1 + A2 + A3}{BA}$	$\geq 0,5$	Ишлаб чиқаришни нормал жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган жорий активларни қанчалик мавжудлигини кўрсатади
Ўзлик ва қарз маблағларига нисбати коэффициенти	$\frac{\text{ЎММ}}{\text{УММ} + \text{ҚМЗМ}}$	$> 1,0$	Қарз маблағларнинг бир сўмига қанча ўз маблағлари тўғри келишини кўрсатади
Молиявий мустақиллик коэффициенти	$\frac{\text{ЎММ}}{BA}$	$\geq 0,5$	Қарз маблағларга қарамлилик қанчалик катта эканлигини кўрсатади
Ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти	$\frac{\text{ЎММ} + \text{УМКЗ} - \text{УМА}}{ЖА}$	$> 0,2$	Айланма активларнинг қандай қисми ўз манбалари ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатади
Молиявий барқарорлик коэффициенти	$\frac{\text{ЎММ} + \text{УММ}}{\text{УМА} + \text{ЖА}}$	$> 0,6$	Активларнинг қанча қисми барқарор манбалар (ўз маблағлари ва узоқ муддатли мажбуриятлар) ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатади

<sup>31</sup> Манба: муаллиф томонидан бухгалтерия стандартлари ва Ўзбекистон қонунчилиги билан белгиланган тўлов қобиляти мезонлари асосида ишлаб чиқилган.

Бирок риск-индикаторлар ёрдамида уларнинг хулқ-атворини изчиллик билан кузатиб бориш ва таҳлил қилиш уларнинг объектив қонунларга асосланган алоқаси ҳамда ўзаро боғлиқлигини аниқлашга имкон беради. Бу эса, ушбу соҳада риск-индикаторлар билан берилган режимдан четга оғишларни кузатиш ва қайд этиш жараёни кузатиб назорат қилиб боришнинг интеграл схемасини таъминлаб туриши лозим деганидир.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Рискни бошқариш, кризис, номаълумлик, нейтрал, сабаб ва оқибат, технология, миқдор, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик, таҳдид, хўжалик тизими, микроиқтисодий даража, макроиқтисодий даража, риск-менежмент, ривожлантириш, такомиллаштириш, самарадор, риск ҳудудлари, инновацион-технологик жараён, ахборот-коммуникация тизимлари, ликвидлик, молиявий барқарорлик, мутлақ барқарорлик, тўлов қобилияти, актив ва пассив маблағлар

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Рискни бошқариш стратегияси ва вазифаларини ёритинг.
2. Риск функцияси деганда нимани тушунасиз?
3. Ноаниқликлар қандай факторларга боғлиқ?
4. Ахборот-коммуникация тизими рискларини баҳолаш усуллари блок-схемасини ёритинг.
5. Рискни бошқариш тактикаси нима ва қандай вазифаларни амалга оширади?
6. Номаълумлик шароитларида риск ҳолатлари қандай прогноз қилинади?
7. Иқтисодий рисклар деганда қандай рисклар тушунилади?
8. Рискни бошқаришда субъект ва объект функцияларига нималар киради?
9. Риск бўйича мутахассисларнинг қандай асосий вазифалари мавжуд?
10. Риск ҳудудлари деганда нимани тушунасиз ва уларни қандай турлари бор?

## 7. РИСКНИНГ СИФАТ ВА МИҚДОР ТАҲЛИЛИ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ УСЛУБИ

- 7.1. Рискларни бошқариш принциплари.
- 7.2. Рискнинг сифат таҳлили.
- 7.3. Рискнинг миқдор таҳлили.
- 7.4. Риск-қарорларни қабул қилиш услубий асослари.  
Мавзу бўйича таянч иборалар.  
Назорат ва муҳокама учун саволлар.

### 7.1. Рискларни бошқариш принциплари

Ҳозирги кунда илмий адабиётларда келтирилишича, дунёда 4500 га яқин мустақил фан мавжуд ва уларнинг ҳар бири қонуният, принцип ва тоифа мажмуасига эгадир. Бу нарса рискологияга (рискларни бошқариш), истикболда учраши мумкин бўлган хавф хатарларни аниқлаш бўйича мақсадни аниқловчи ва мақсад томон ҳаракатланувчи тизим фаолияти қоидалари тўғрисида илм сифатида тегишли.

Рискларни бошқариш принциплари қуйидагиларга бўлинади: методологик, методик, операцион.

**Методологик принциплар** – бу концептуал шароитни аниқловчи принцип бўлиб, улар умумийлиги билан ажралиб туради ҳамда кўриб чиқилаётган риск турининг маҳсуслигига боғлиқ бўлмайди.

Уларга қуйидаги хусусиятлар тегишли:

- 1) .. рискларни бир турлилиги, яъни фаолиятининг ҳар бир иштирокчиси учун риск тўғрисидаги тасаввур бошқа иштирокчининг тасаввури билан бир хил;
- 2) .. рискларнинг позитивлиги, яъни рискнинг интеграл кўрсаткичи, ҳеч бўлмаганда уларни мақбуллик даражасидан катта эмас;
- 3) .. рискларнинг объективлиги, яъни мавжуд объектнинг тизими ва тавсифини тўғри акс эттирилишини таъминлаш назарда тутилади;
- 4) .. рискларнинг аниқлиги – баҳолашда, расман айрим талаблар амалга оширилиши керак ва улар қаторига қуйидагилар кириши мумкин:
  - интервалларнинг монотонлиги (айрим интервалларда кўрсаткичлар қиймати жадаллик кўпайганда риск кўрсаткичининг

ортишига олиб келади ҳамда ноаниқликларнинг чегарадош жабҳаларида қатъиян ўзгаради);

- нопропорциялик (рискнинг ортиши фаолият (кўрсаткичлар берилган интервалада) жадаллигини ортишига тўғридан-тўғри пропорционал эмас);
- транзитивлик (биринчи ҳолатда рисклар иккинчисига нисбатан камроқ бўлса, иккинчисига нисбатан учинчиси камроқ бўлса бу биринчи ҳолат учинчисига нисбатан rischi камроқ деган маънони беради);
- аддитивлик – агар биринчи фаолият тури rischi  $p_1$  га иккинчиси  $p_2$  гатенг бўлса ва иккала фаолият бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда умумий рискнинг миқдори иккала хусусий рискнинг қўшмасига тенг, яъни:

$$\text{Румум} = p_1 + p_2;$$

5) рискларнинг комплекслиги дегани улар иерархик кўринишга эга бўлган берк тизимни шакллантириши маъносини беради;

6) рискларнинг ўзаро боғлиқлиги – бир хил рискларни автоматик ёки мураккаб воситалар алоқаси орқали вужудга келиши бошқа рискларни вужудга келишига сабаб бўлади (масалан, иқтисодий рискларни вужудга келиши доимо ижтимоий рисклар билан боғлиқдир);

7) чекланганлик – у ёки бу ресурсларни чекланганлиги муносабати билан вужудга келади.

**Методик принциплар** – бу бевосита фаолият тури, унинг спецификацияси, кадрлигига, аниқ тарихий ҳолат ва ҳок. билан боғлиқ принциплар.

Методик принциплар ўз ичига қуйидаги аниқ бир принципларни қамрайди:

1. Рискларнинг диссонанси (уйғунлашмаганлиги), бу ҳар бир янги фаолият атроф муҳитга ўз махсуслигини киритади деган маъносини беради.
2. Рискларнинг турлича қабул қилиниши, фаолият участкалари-ни турлилиги билан боғлиқ ҳамда қизиқишларни ҳар хиллигини ва зарарга турлича муносабатда бўлишликни тақазо этади. Шундан хулоса шуки, рискларни баҳолашда ҳар бир қатнашчининг (давлат мансабдор шахси, журналист, банкир ва ҳок.) позициясидан турган ҳолда амалга ошириш керак.

3. Рискларнинг жўшқинлиги, методологик таъминот рискларни ўзгаришини ҳамда бўлажак жараёнлар динамикасига характеристика беришга имкон беради.
4. Рискларни мослиги, фаолиятнинг бир хил босқичларининг тебранувчанлигидан келиб чиққан ҳолда ресурсларни бир хил жойлаштирилмаслиги, мақсадларни босқичма-босқич амалга оширилмаслиги ва ҳок. тушунилади. (Мисол учун, иқтисодда инфляцияни қайд этиш).

**Операционал принциплар** – аниқ, бир хил маъноли маълумотнинг борлиги ҳамда уни таҳлиллаш имкони мавжудлиги билан боғлиқ принциплар. Улардан энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

1. Рискларни моделлаштириш, шу билан боғлиқки, риск вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар модел билан тарифланиши мумкин (фақат бу услубни рискнинг катталигини ҳисоблашда қўлланиладиган моделлаш услуби билан адаштирмаслик керак, чунки биринчиси «ўйин қоидаларини» аниқлайди);
2. Рискларни симплификацияси (оддийлаштириш), рискни баҳолаш жараёнида, маълумот ҳисоблаш нуқтаи-назаридан энг енгил бўлган вақти танланади.

Рискларни баҳолаш тизими структураси ўз ўрнида қуйидаги принципларга жавоб бериши керак:

- барча даражаларда барча принципларни инобатга олган тўлақон тизимни шакллантириш;
- кесишмаслик, бир принципнинг маъноси бошқа принципнинг маъноси билан ҳеч қандай яқинлиги бўлмаслиги;  
Рискни баҳолашга асосий ёндашишлар:
- таҳлил – тизим (бизнинг ҳолатимизда рискология муаммоси) нимадан иборатлиги, қандай хусусиятга эгаллиги, у ёки бу ҳолатларда ундан нимани кутса бўлади деган саволларга жавоб олиш учун мўлжалланган;
- синтез, одатда илгари ишлаб чиқилган асосда янгисини ҳосил қилиш учун;
- функционал ёндашиш – унда тизимни ички тузилишига киришиб кетмаслик учун, яъни бу амални қилиб бўлмаслиги шароитида қўлланилади;

- тизимий ёндашиш – функционал даражада қайд этилган ҳолатни аниқлаштириш, тўлдириш, тушунтириш ва кўп ҳолатларда тўғрилаш.

Турли услубларда рискни аниқлаш ва баҳолашни амалга оширишда, юқори рискли ҳодисалар, худди бошқа тизимлар каби, айрим тизим хусусиятларига (ёки натижалар, жараёнлар) эгаллигини ҳисобга олиш керак:

- тизимнинг шундай хусусиятики унда тизимни ташкил этувчи элементлари билан ўхшашлиги йўқ;
- синергетик – турли тизимлар табиатида, шу ҳисобда иқтисодий, ўз-ўзини бошқариш процессларни бошқарувчи қонуниятчиликни мавжудлиги.

Рискни баҳолаш ва тегишли қарорни қабул қилиш учун – рискни ўзида мужассам этган объект тўғрисида бирламчи маълумотнома тўпланиши керак. Бу бирламчи босқич «рискни аниқлаш» деб номланади ва ўз ичига икки асосий босқичларни мужассамлайди: объект тизими тўғрисида маълумотни йиғиш ва хавф-хатар ёки хавфсизлигини аниқлаш.

Аниқ бир риск турига тегишли бўлган айрим рисклар характеристикаси тўғрисида маълумот олишга ёрдам берадиган кўплаб методикалар мавжуд. Шунинг учун қўйилган вазифани бажариш учун методлар мажмуасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Рискни баҳолаш методларини классификациялаш турли аломатлари мавжуд. Баҳолашнинг чуқурлиги ва аниқлиги бўйича иқтисодий фаолиятда рискни таҳлил этиш икки гуруҳи ажратилади: миқдор ва сифат.

## 7.2. Рискнинг сифат таҳлили.

**Рискнинг сифат таҳлили** қуйидаги вазифаларни бажарилишини тақозо этади:

- Рискнинг келиб чиқиш манбалари ва сабабларини аниқлаш, бажарилиш жараёнида рискни келтириб чиқарувчи иш ва босқичларни аниқлаш;

- берилган риск турининг даражасига таъсир кўрсатувчи сабаб ва мезонларни аниқлаш ва тавсиф бериш;

- рискнинг потенциал доира (зона)сини ва корхонанинг рискни бошқариш бўйича имкониятларини ўрнатиш;



- ўрганилаётган лойиҳага хос бўлган содир бўлиши мумкин риск турларини аниқлаш ва идентификациялаш;
- таркибида риск бўлган қарорни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган амалий фойда ва эҳтимоллиги бўлган салбий оқибатларни аниқлаш;
- рискнинг намоён бўлишидан кутилиши мумкин бўлган зарарнинг тахминий қийматий баҳосини аниқлаш;
- рискка қарши тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва х.к.

Рискнинг сифат таҳлили рискнинг миқдорий таҳлили билан чамбарчас боғлиқ. У ўз моҳиятига кўра ҳам изланувчини миқдорий натижага – аниқланган рискларнинг оқибатларини **қийматга оид баҳолашга** ва рискка қарши, барқарорлаштирувчи тадбирларни ишлаб чиқишга олиб келиши керак.

Сифат таҳлили чегараларида кўпинча рискларнинг SWOT-таҳлили (инглизча сўзлар жамланмаси: **Strength** – куч, **Weakness** – заифлик, **Opportunity** – имконият, **Treat** – хавф). Бу сифатга оид ёндашиш бўлиб, лойиҳанинг қарама-қарши сифатларини солиштиришга асосланади.

1. Лойиҳанинг кучли томонлари нимадан иборат? Лойиҳанинг қайси таркибий қисмлари бошқа лойиҳаларга нисбатан кучлироқ ривожланган, кўпроқ тараққий этган? (масалан, ҳодимлар тажрибаси, ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги, берилган технологияни қўллай олиш маҳорати ва х.к.)
2. Лойиҳанинг қайси таркибий қисмлари, элементлари заиф, ривожланмаган, етарлича эмас? (масалан, молиялаштириш манбаларининг йўқлиги, бозор тўғрисида тасаввурнинг ноаниқлиги, фойдаланувчининг асосий эҳтиёжларини билмаслик).
3. Лойиҳани амалга ошириш давомида ва амалга ошириб бўлингандан кейин қандай қўшимча имкониятлар юзага келади? Эътиборга нафақат моддийлашган манфаат – лойиҳа даромадларини, балки, кейин келадиган лойиҳаларни: масалан, инфраструктурани ривожлантириш, шу жумладан, йўлларни қуриш бўйича лойиҳа, қатор ижтимоий лойиҳалар (жумладан, мактаб бинолари, касалхоналар қуриш)ни амалга ошириш учун базани ташкил қилувчи, замин (имкониятлар) яратадиган натижаларни ҳам олиш керак.

4. Лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга қандай омиллар тўсқинлик қилиши ёки уни имконсиз, маъносиз қилиши мумкин? (масалан, инновацион лойиҳанинг амалга оширилиши имконсиз бўлади, агар лойиҳа лидери ёки асосий ишлаб чиқувчи мутахассис ушбу лойиҳадан кетса ёки кучли танлов пайдо бўлса).

Бунда SWOT-таҳлил натижалари лойиҳанинг кучли ва заиф томонларини, унинг имкониятларини ва хавфларни яққол таққослашга имкон беради (7.2.1 жадвал). SWOT-таҳлил жадвалида келтирилган таҳлил асосида энг жиддий камчиликларни енгил (олдини олиш) ҳамда энг кучли хавфларга қаршилик кўрсатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади.

7.2.1-жадвал

*SWOT-таҳлил*

<b>Кучли томонлар(Strength)</b>	<b>Заиф томонлар(Weakness)</b>
Ишлаб чиқариш қувватларини мавжудлиги	Молиялаштириш манбаларини ноаниқлиги
Ходимлар тажрибаси	Бозорни ўрганилмаганлиги
Технологик билимлар	Риск тадқиқотларининг сустлиги
<b>Имкониятлар (Opportunity)</b>	<b>Таҳдидлар (Threat)</b>
Бошқа бозорларга чиқиш	Кучли рақибнинг пайдо бўлиши
Бошқа ҳамкорларни жалб этиш	Лойиҳа таркибининг тарқалиб кетиши

**Рискни сифатли таҳлили этиш услубларига қуйидагилар киради:**

- Тарихий - ассоциатив;
- Адабий-фантастик аналогия;
- Концептуал кўчириш;
- Рейтинг услуги;
- Эксперт баҳолаш (экспертиза) ва ҳок. услублар.

*Тарихий ассоциатив услуб* – тарихий характерга эга маълумотларни жалб қилган ҳолда риск ва ноаниқликларни таҳлил этиш. Бу шароитда тарихдан олинган маълумотлардан қанчалик фойдаланиш ҳаққонийлиги саволи вужудга келади. Ми-

сол учун илгари СССР ва АҚШда Япония тажрибасига асосланган ҳолда «сифат ва назорат тўғараклари»ни жорий этишга ҳаракат қилинган, аммо бу давлатлардаги инсонларнинг хусусиятлари (фактори) инобатга олинмаган, шунинг учун японияликларнинг тажрибаси, хусусан СССРда яхши натижалар бермаган. Яъни амалиёт шуни кўрсатдики, биринчи кўришда рисксиз чора тадбир деб кўрилган тажриба натижада нафақат юқори рискли, балки умуман қилиб бўлмайдиган нарса бўлиб чиқди.

**Адабий-фантастик аналогия** бу рискларни таҳлилда адабий образлар қўлланилади. Бу ҳолда адабий манбалардан олинган маълумотлар рискни баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун асос бўлади. Мисол учун А.С.Пушкин бир пайтлар инсоннинг энг юқори интеллектуал потенциалига аниқ шеърӣ қиёс берган «даҳо – ғаройиботлар ўртоғи».

**Концептуал кўчиришда** у ёки бу назарӣ таклиф (концепция)ни рискни таҳлил этиш услуби сифатида ишлатиш имконияти кўрилади ва сўнгра риск таҳлили истиқболи аниқланади. Мисол учун экспертлар ўтган асрнинг 90 йилларида Россия машинасозлигининг юқори рискли эканлигини башоратлаб беришган. Амалиётда бу ўз тасдиғини топган.

**Рейтинг-услуби** турли йўллар билан олинган баҳоларни формализацияси орқали рискни таҳлилини ўтказиш. Бунинг учун экспертлар жалб этиладиган бўлса, у ҳолда бу усул, қуйида кўрсатилган эксперт баҳолашнинг бир тури бўлади. Аммо охириги пайтларда ярим формализацияланган процедура қўлланилади, шунинг учун бу услуб мустақил услуб деб ҳисобланади.

Шу билан бирга рейтинг баҳолаш услуби субъективдир. Бу камчиликни баратарф этишни, эксперт баҳолаш (экспертиза) услублар таҳлилида кўриб чиқамиз.

Шу услуб, кўп ҳолларда, қайсидир сабабларга кўра (одатда аниқ маълумотнинг йўқлиги) статистик услуби қўлланилиши мумкин бўлмаган ҳолатларда қўлланилади. Айнан шу ҳолатларда тажриба ва интуицияни ишлатувчи услублар топиш ёки эксперт баҳолаш услублари қўлланилади.

**Эвристик** (интуицияни ишлатувчи) услуб ва моделари ўзига хос хусусияти, қарор қабул қилишнинг оптимал математик ишоти йўқлигида. Бу процедуралар учун умумий бўлиб «ўлчов асбоби» сифатида (баҳолар сонини олиш учун), тўла бўлмаганлиги

ёки ҳаққоний эмаслиги сабабли бевосита ўлчанмайдиган жараён ва мулоҳазаларни қўллашдир.

Эвристик процедурасининг анъанавий мисоли бўлиб, тадқиқот объектининг ҳолати эксперт баҳолаш натижалари билан экспертиза, консилиум, йиғилиш ва ҳ.к. хизмат қила олади.

Эксперт баҳолаш услуги – лойиҳанинг риск даражаси кўрсаткичига объектив ва субъектив факторларни таъсири мавжудлигидан далолат беради.

Экспертиза процедурасини ўтказиш тартибини қисқача кўриб чиқамиз.

Амалий фаолиятда индивидуал ҳам гуруҳ эксперт баҳолаш (сўровнома) қўлланилади.

Индивидуал баҳолаш мақсадларининг асосийлари куйидагилардан иборат:

- ҳодиса ва воқеани келажакда ривожланиши прогностлаш ҳамда натижада уларни баҳолаш. Рискни таҳлили ва баҳолашга қўллаган ҳолда бу – рискнинг манбалари ва сабабларини аниқлаш, рақобатчиларни хатти-ҳаракатини прогностлаш, барча рискларни турларини аниқлаш, риск ҳодисасини содир бўлиши эҳтимоллигини баҳолаш, рискларни муҳимлигига кўра коэффициентлаш ва занжирлаш, рискларни пасайтириш йўлларини аниқлаш ва ҳок.

- Бошқа экспертлар томонидан тақдим этилган натижаларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- ҳаракат сценариясини тузиш;

- Бошқа ташкилот ва мутахассисларга иш учун хулоса бериш (рецензия, экспертиза ва ҳок.).

Индивидуал экспертизанинг афзаллиги, қарор қабул қилиш бўйича маълумотни тезкор ва унча катта бўлмаган харажатлар билан олишдан иборатдир.

Унинг камчилиги субъективликни ва унинг оқибати сифатида олинган маълумотларнинг тўлиқ ҳаққонийлигига ишончнинг йўқлигидир. Кўрсатилган камчиликни бартараф этиш учун кўллектив эксперт баҳолаш хизмат қилади.

Гуруҳда муҳокама қилиш жараёни индивидуал баҳолашдан бир мунча фарқ қилади ва булар: коллектив баҳолаши одатда субъективлиги камроқдир лекин унинг асосида қабул қилинган қарорлар амалга ошиши эҳтимоллиги кўпроқдир.

Гуруҳ эксперт процедурасини қўллаш, ноаниқликлар шароитида эксперт гуруҳларнинг мулоҳазаси алоҳида экспертнинг мулоҳазасидан ишончлироқдир: икки гуруҳ компетент (лаёқатли) экспертларнинг бир хил жавоби, икки алоҳида экспертнинг жавобидан ишончлироқ.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, экспертлар индивидуал жавоблар йиғмасида чин жавоб ҳам бўлади.

Гуруҳий эксперт процедурасини куйидаги турларини ажратиб чиқса бўлади:

1. Қўйилган масалани очик муҳокама қилиш ва сўнгра очик ёки ёпиқ тарзда овозга қўйиш;
2. Муҳокама қилмасдан ва овозга қўймасдан эркин ўз фикрини билдириш.
3. Ёпиқ муҳокама қилиш ва сўнгра ёпиқ ҳолда овоз бериш ёки эксперт сўровнома анкетасини тўлдириш.

Тажриба шуни кўрсатади, биринчи гуруҳ эксперт процедурага тегишли эксперт гуруҳ олдига қўйилган саволни анъанавий услубда муҳокама қилиш ҳар доим ҳам ҳаққоний баҳолашни таъминлай олмайди.

Бу услубларни камчилиги, эксперт гуруҳи ғайратли ва обрўли қатнашчисининг босиқроқ экспертларга нисбатан тазйиқ ўтказиш ҳамда айрим ҳолатларда ошкора равишда жамоа олдида айтилган фикрларини муҳокама қилиш. Шунинг учун амалиётда кенг кўламда саволларга жавоблар олиш учун гуруҳли процедуранинг иккинчи ва учинчи туридан фойдаланиш кенг ёйилмоқда.

Гуруҳда эксперт баҳолаш иккинчи тури, қўйилган муаммо доирасида ғояни эркин талқинида барча турдаги танқиднинг йўқлигини кўзлайди. Бундай муҳокама қилиш услуби ғояни ҳамкорлик услуби номини олди «америкаликлар терминалогияси бўйича «мия атакиси услуби»). Ғояни олдинга чиқариш жараёни худди кўчкисимон кўринишда бўлади: гуруҳнинг бир аъзосининг фикри бошқаларнинг ижодий реакциясига сабаб бўлади. Коллектив ҳамкорлик услубининг таҳлили шуни кўрсатадики унда янги фикрлар миқдори индивидуал фикрлаш натижасида берилган янгиликларга нисбатан 70 фоизга ортик.

Демак, бундай услуб ёрдамида рискни бошқариш бўйича куйидаги вазифаларнинг ижросини таъминласа бўлади:

- риск манбалари ва сабабларини, барча турдаги рискларни аниқлаш;
- рискни камайтириш факторлари ва йўлларини танлаш;
- рискни камайтириш турли услубларини қўллайдиган вариантларни сифатли баҳолаш ва тўлиқ шакллантириш ва ҳок.

Куйида экспертизанинг умумий схемасини ва рискларни аниқлаш бир неча мисолини кўриб чиқамиз.

Эксперт саволнома умумий схемаси куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- экспертларни танлаш ва эксперт гуруҳларни шакллантириш;
- саволларни шакллантириш ва анкетани тузиш;
- экспертлар билан ишлаш;
- экспертлар экспертзаси асосида баҳолашни умумлаштириш қоидаларини шакллантириш;
- эксперт баҳоларини таҳлили ва қайта ишлови.

Бу босқичларни пухтароқ кўриб чиқамиз.

Экспертларни танлаш ва эксперт гуруҳларни шакллантириш.

Бу босқичда, экспертларни саволномалар тузиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, эксперт гуруҳлар тузилмаси, экспертлар сони ва уларнинг индивидуал сифатлари масалалари ҳал этилади, яъни экспертларнинг мутахассислигига ва савиясига бўлган талаб ҳар бир йўналиш бўйича экспертлар сони ва уларнинг гуруҳдаги умумий сони кўрилади.

Экспертлар гуруҳлари сонини аниқлаш куйидаги сабабларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

Гуруҳнинг таркиби кам сонли бўлмаслиги зарур, чунки унда экспертлар баҳосини шакллантириш мазмуни йўқолади. Аммо гуруҳда экспертлар сони ортиб кетадиган бўлса, унда уларнинг алоҳида баҳолари гуруҳнинг умумлаштирган баҳосига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди.

Саволларни шакллантириш ва анкеталарни тузиш.

Экспертларни саволномаларни тузиш қоидалари бир қанча бажарилиши зарур бўлган шартларни кўяди. Бу қоидалар объектив фикрни шакллантиришга мақбул шартларни таъминлаши даркор. Бундай шартлар тоифасига куйидагилар киради:

■ баҳоланаётган ҳодиса тўғрисида мустақил ўз фикрининг шаклланиши;

■ тадқиқ қилинаётган объектнинг структурасига мантиқан мос келадиган анкеталар билан ишлаш қулайлиги (саволлар умумқўланиладиган терминлардан тузилади ва ҳар қандай тафовутлар бўлмаслиги керак);

■ анкеталарни тўлдириш учун ажратилган вақтнинг маққуллиги, ҳамда саволларни ва жавобларни олишга қулай вақт;

■ эксперт гуруҳи аъзолари учун анонимликни таъминлаши;

■ экспертларга талаб этилган маълумотни етказилиши.

Бу талабларни таъминлаш учун сўровномани ўтказиш ва эксперт гуруҳи фаолияти юзасидан қоида ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Экспертлар билан ишлаш.

Тадқиқот ўтказилаётган объектнинг характери, унинг фаолият даражаси ҳамда экспертларни етарли сонини жалб қилишдан чиққан ҳолда улар билан ишлаш турлича бўлиши мумкин, аммо асосан у уч босқичдан иборат.

Биринчи босқичда экспертлар индивидуал тартибда куйидаги мақсадларда жалб қилинадилар: объектнинг эксперт баҳоланишга мўлжалланган моделини, параметрларини ва кўрсаткичларини аниқлаштириш; сўровнома даги саволлар тузилиши ва терминологияси аниқлаштирилади; эксперт баҳоларини тақдим этиш у ёки бу жадвалининг зарурияти келиштирилади; экспертлар гуруҳи аъзолари таркиби аниқлаштирилади.

Иккинчи босқичда экспертларга тушунтириш хати билан сўровнома юборилади ва хатда иш мақсади, тизими ва тартиби, жадвал тўлдириш намуналари берилади. Агар экспертларни бир жойга жамлаш имкони бўлса, унда сўровномалар мақсадлари ва вазифалари оғзаки ҳолда тушунтириб ўтилади. Бундай сўровнома ўтказиш услубининг асосий шарти, кейинчалик экспертлар сўровномани холисона ва уни тўлдириш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириши лозим.

Учинчи босқич, бу сўровнома жавоблари олинганидан сўнг, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш жараёнида экспертлар билан ишлаш. Бу жараёнда одатда экспертлардан

барча маълумотлар ва айрим жабҳаларга аниқликлар киритиш талаб этилади.

### 7.3. Рискнинг миқдор таҳлили

Рискларни бошқариш, биринчи навбатда, конкрет корхона фаолиятининг турли хил рискларини аниқлаш ва баҳолашни ўз таркибига олади. Бунинг учун таҳлилнинг икки хил тури қўлланилади: сифат ва миқдорий таҳлил.

**Миқдор методларга қуйидаги методлар ва фаолият турлари тааллуқлидир:**

- **Статистик** – олдинги даврларда содир бўлган салбий ходисалар бўйича статистик маълумотлар таҳлил этилади, яъни статистик усул ёрдамида ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган муассасаларда кўриладиган зарар, унинг даражалари ва такрорланиб туриш ҳолатлари ўрганилади.

- **Аналитик** – жараёнларнинг сабабли-натижавий алоқалари структурасининг амалий таҳлилини, у ёки бу кўрсаткичларнинг бошқалари ўзгаришига сезувчанлигини, зарар кўрмаслик нуқтасини аниқлашни кўзда тутди;

- **Лойиҳага ажратилган харажатларни мақсадга мувофиқлиги таҳлили;**

- **эксперт баҳолаш услуги;**

- **аналогларни ишлатиш;**

- **молиявий бардошлик ва тўлов қобилятини баҳолаш услуги;**

- **рискларни йиғиш оқибати таҳлили;**

- **услугларни бирлаштириш услуги.**

Рискларни миқдорий баҳолаш қуйидагиларни кўзлайди:

- айрим рискларни ва лойиҳа бўйича барча рискларни миқдорий аниқлаш;

- **риск ходисасининг бўлиш эҳтимоллиги ва унинг натижаларини миқдорини аниқлаш;**

- **рискни миқдорий (даражаси) баҳолашни амалга ошириш;**

- **аниқ шароитда риск даражаси ва ундан бўладиган зарарни аниқлаш в.б.**

Риск объектлари тўғрисида дастлабки маълумотни олиш зарурияти шундаки, улар тўғрисидаги дастлабки маълумотни олиш рискларни бошқаришда алоҳида аҳамият касб этади.



Ишлаб чиқариш объектлари тўғрисида дастлабки маълумотлар таркибига қуйидаги асосий услублар киради:

- стандартлаштирилган сўров варақаси;
- бошқарув ва молия ҳисоботи дастлабки ҳужжатлари таҳлили;
- чорак ва йил яқунлари бўйича молиявий ҳисобот маълумотлари таҳлили;
- корхонанинг ташкилий тизимини тузиш ва таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари технологик окимлари харитасини тузиш ва таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш бўлимларини назорат қилиш;
- шу фаолият соҳасида мутахассислар билан маслаҳатлар бериш;
- махсулаштирилган консалтинг фирмалари ёрдамида корхона фаолияти ва ҳужжатларини экспертиза қилиш.

Юқорида кўрсатилган барча услублар катта миқдорда маълумотларни бериши мумкинлиги учун ҳам уларни етарли даражада таҳлил қилиш ва тизимлаштириш талаб этилади. Бундай ишнинг асосий мақсади – мавжуд жараёнда маълумотлар орасида ўзаро боғлиқлик ўрнатиш. Айрим услубларни батафсил кўриб чиқамиз.

### **Стандартлаштирилган сўров варақаси.**

Сўров варақасининг икки тури мавжуд.

1. Универсал (стандартлашган) сўров варақаси, умумий характердаги ҳолатларни ўз ичида мужасамлаган ташкилот ва муассасаларга мос келади. Бу сўров турининг ҳам афзаллик томони ҳам камчилик томони бор. Афзаллиги, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг барча фаолияти жавҳаларини ўз ичида мужасамлаган сўровнома шакли таклиф этилган. Аммо ҳеч бир универсал сўровнома аниқ бир соҳа ёки корхона учун зарар турларини барчасини кўзлай олмайди.

2. Махсулаштирилган сўров варақаси, аниқ бир фаолият турининг ўзига хос хусусиятлари ва айрим вазиятларини бўлақланганлигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлади.

Стандарт сўров варақаси ўз ичида қуйидагиларни мужассам этади:

- Корхона, ташкилот ёки муассаса тўғрисида умумий маълумотнома;
- Молиявий ва маъмурий маълумотлар;
- Корхонанинг бошқаруви тўғрисида маълумот;
- Объектнинг худудий тизими ва жойлашиши тўғрисида маълумот;
- Персонал ва яқин худудларда яшовчи аҳоли тўғрисида маълумот;
- Ишлаб чиқариш технологияси тавсифи;
- Транспорт воситалари рўйхати;
- Объектни суғурталаш тўғрисида маълумот;
- Мол-мулк рўйхати (транспорт воситалари бундан мустасно);
- Авария ва жиҳозларни бузилиши натижасида зарарлар тўғрисида маълумот;
- Берилган даъволар ва тўланган компенсациялар тўғрисида маълумот;
- Қўшимча маълумотлар.

Сўров варақасининг ҳар бир бўлими, объект тўғрисида миқдор ва тизими тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини берувчи батафсил саволлар рўйхатига эга.

### **Бошқариш ва молиявий ҳисобот таҳлили.**

Бу услубнинг муҳимлиги шундан иборатки, хужжатларда зарарга олиб келган барча содир бўлган инцидентлар ҳамда рискни ортиши ёки пасайишига алоқадор ходисалар қайд этилади. Кутилмаган ходисалар натижасида вужудга келадиган корхона зарарлари бирламчи далолатномаларда қайд этилади ва сўнгра бухгалтерия ҳисоботиغا киритилади.

### **Молиявий хужжатларга қуйидагилар киради:**

- Бухгалтерия баланси;
- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (даромад ва зарар);
- Асосий воситаларни қайд этиш маълумотлари;
- Бухгалтер ҳисоботи бошқа турлари маълумотлари.

Аниқ бир давр оралиғида корхона фаолияти йиғимлаштирувчи асосий молиявий хужжатлар бу баланс ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. Баланс таркибининг таҳлили, фирманинг асосий молиявий кўрсаткичларини актив, пасив, бўш активлар, ўз маблағлари, дебитор ва кредитор қарздорликлар ва хок. Баланс тизими таҳлили, унинг айрим қисмларини ҳисобот

даври бошланиши ҳамда тугаши кўрсаткичларини таққослаш орқали амалга оширилади. Баланс кўрсаткичларини баҳолашнинг бундай кўриниши турли корхоналар бўйича олинган натижаларни ҳамда турли давр учун молиявий ҳисоботларни таққослаш имконини беради.

Мисол учун ишлаб чиқариш корхонасида содир бўлган *авария хужжатлари* бўйича зарарлар қандай қайд этилади?

Бирламчи авария текшириш далолатномаси тузилади. Кейинчалик, объектни тиклаш учун асос бўладиган, зарар ва қилиниши керак бўладиган харажатлар ҳажми ҳисобланадиган чала кайднома тайёрланади. Ундан сўнг, авариядан кўрилган барча зарарлар кўрсатилган, иш ҳажми сметаси тузилади. Унинг ичига қуйидагилар киради: йўқотилган асосий ва айланма фондлар нархи, материалларга, захира қисмларига харажатлар, ишчи кучи баҳоси ва ҳок. бу маълумотлар кейинчалик бухгалтерия ҳисоботининг турли шаклларида қайд этилади.

Бошқарув ҳисоботи хужжатларидан энг муҳимлари турли хилдаги шартномалар: таъсис, маҳсулот етказишга, хом ашё ва ишлаб чиқариш жиҳозлари таъминловчилар билан тузилган, импорт-экспорт ва ҳок. шартномалар.

**Ишлаб чиқариш жараёнлари технологик оқимларини тузиш ва уларнинг таҳлили.**

*Оқимлар харитаси* ёки *оқимлар диаграммаси* ишлаб чиқариш технологик жараёнларини ва улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни график кўринишда тасвир этади. Бундай хаританинг таҳлили, мисол учун хом-ашё омборидаги бутловчи материаллар аварияси натижасида ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичига уларни етказилмаслиги натижаларини аниқлаш имконини беради. Демак, оқимлар харитаси ишлаб чиқариш жараёнларини тор жойларини аниқлаш ҳамда шу турдаги ёки бошқа турдаги ходисалар кўламини дастлабки баҳолаш имконини беради. Уни пул воситаларини кўчиши жараёнида ҳам ишлатса бўлади, масалан кредит шартномасининг бир иштирокчиси томонидан ўз мажбуриятларини бузиши натижасида кредит тизимининг бузилишига олиб келиши ва натижада кредит риски, ликвидлик рисклари вужудга келади.

**Ишлаб чиқариш бўлимларини инспекцион текшириш.**

Улар бевосита корхона, муассасаларда: рисклар тўғрисида ҳаққоний ва қўшимча маълумотлар олиш учун ўтказилади. Инспекциянинг самарадорлиги тўғридан тўғри унинг аъзоларининг савиясига боғлиқ бўлади. Ҳар қандай объектни инспекция қилишни режалаш жараёнида биринчи галда, инспекция вақтида ҳал этилиши керак бўлган вазифалар рўйхати аниқланилиши ва қуйидаги махсус факторлар ҳисобга олинishi зарур:

- Корхонанинг марказий бошқарувга содиқлик ва бўйсунishi даражаси (худудий бўлим);
- Инспекцияга бағишланадиган умумий вақт миқдори;
- Инспекция учун энг қулай йил фасли;
- Корхонада инспекторлар ишлаши учун шароитлар, техника билан таъминланиши, марказий офис билан алоқада бўлиш учун замонавий алоқа воситалари в.б.

Инспекция даврида ҳал этилиши керак бўлган вазифаларни бирламчи таҳлил этилгандан сўнг ҳамда турли факторларни инобатга олган, корхонага ташриф буюриш дастурини ишлаб чиқиш керак. Мисол тариқасида, инспекция жараёнида ҳал этилиши ёки аниқлаштирилиши мумкин бўлган тахминий саволлар рўйхатини келтирамиз:

- объектнинг жойлашиши ва аҳоли пунктларига, бошқа ишлаб чиқариш объектларига яқинлиги;
- бошқарув тизимини тавсифлаш ва баҳолаш (умумий ва молиявий менежмент, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳок.);
- асосий ва айланма фондларининг мавжудлиги ва ҳолати;
- ўта хавфли агрегатлар умумий характеристикаси ва ҳолати;
- Агар жиҳозлар суғурталанган бўлса, яқин даврларда юз берган ҳодисалар ёки қилинган даъволар.

Инспекция ўтказилгандан сўнг, барча натижалар ҳисобот кўринишида расмийлаштирилади ва унда ҳар бир кўзланган вазифа кўрсатилиши керак: текшириш мақсади, ўтказиш санаси ва жойи, ходимлар билан ўтказилган суҳбатлар қисқача мазмуни, олинган маълумот ва материаллар, текшириш натижалари, резюме.

Инспекция натижасида корхонанинг умумий базасига жиҳоз рўйхати ҳамда аниқланган рисклар тўғрисида тегишли аниқлаштиришлар киритилади ва мавжуд риск даражасини қайта кўриб чиқиш ва уни ҳал этиш услублари юзасидан тавсиялар

ишлаб чиқилади. Агар рисклар суғурталанган бўлса, риск менежер суғурталовчини инспекция натижасида топилган ўзгаришлар тўғрисида огоҳлантириши керак.

#### **7.4. Риск қарорларини қабул қилишнинг услубий асослари**

Қарор – ҳар қандай бошқарувнинг марказий бўғини бўлиб, рискларни бошқариш бўйича қарорларни классификацияси, улар учун характерли хусусиятларини аниқлаш ҳамда қарор қабул қилишда рискларни камайтириш имконини назарда тутиш имконини беради.

Қабул қилиниши соҳаси бўйича геополитик, ташқи сиёсий, ички сиёсий, иқтисодий, молиявий, технологик, конструкторлик каби риск қарорлари ажратилиши мумкин. Бу турлар қарорлари тизимий алоқада бўлади ва бир-бирига таъсир этиши мумкин.

Рискни бошқариш жараёнида ўрни бўйича қуйидаги **қарорлар** ажратилиш мумкин:

- рискларни бошқариш мақсади ва танлови бўйича риск қарори – бу шундай қарорларки, улар кам ҳолатларда тадқиқ ва расмий қилиниши мумкин, мақсадларни синтези расмий услуби ишлаб чиқилмаган;
- рискларни бошқариш усули (огоҳлантириш, камайтириш, суғурталаш) ёки инструментларини (конструктив, технологик, молиявий ва ҳок.) танлаш бўйича риск маркетинги. Бу қарорлар расмиятчиликка йўл қўяди, хусусан функционал логистик услубларни ишлатишга асосланади;
- рискни бошқариш инструментлари риск-маркетинги этапида танланган риск-мақсадларга эришиш жараёнида «инсонлар-ресурслар-мақсадлар» учбурчагида балансни сақлаб туриш бўйича риск-менежмент.

Рискни турли босқичларда бошқариш:

- 1) операцияларни режалаштириш ёки намунавий нусхани лойиҳалаштириш – кўшимча элементлар ва чора тadbирлар кириштириш йўли билан;
- 2) қарорни қабул қилиш – қарор самарадорлигини баҳолаш, тааллуқли критерияларидан фойдаланиш, мисол учун Вальде критерияси («янада ёмон бўлишига ишон», Сэвидж критерияси («якшироқ бўлишига умид қил»)) ёки ўлчами бўйича риск кўрсаткичи бўйича чекланган бошқа мезонлар;

3) техник тизимлардан фойдаланиш ва ҳаракатларни бажариш – фойдаланиш режимига риоя қилиш ва назорат.

Рискларни бошқариш самарадорлигини прогнозлашда куйидагиларни алоҳида белгиласа бўлади: ординар, синергетик ва асинергетик қарорлар қабул қилиш вариантлари.

**Риск-қарор ординар варианты** – бу шундай қарор қилиш вариантыки, унда рискни бошқаришда самарани олиш бирлигига харажат қилинадиган ресурслар харажатлари кўриб чиқиладиган соҳа, фаолият тури учун қабул қилинган норма ва нормативларга мос келади.

Синергетик эффект (грек.сўз *synergetiros* – қўшма, ҳаракат) билан боғлиқ қарор қабул қилиш варианты тарқоқ, алоҳида қисмларни интеграциялашда эмерджентлаш (тизимий эффект) ҳисобига ишлаш самарадорлигини кўпайтиришидир. Шунда кўшилиши натижасида тизим ости қисмларни самарадорлиги тарқоқ, автоном режимдаги ҳолатидан кўра юқорироқ. Синергетика – бу ўзини ўзи ташкиллаштириш тўғрисида илмдир. Демак синергетик риск-қарор варианты – бу, шундай қарор қабул қилиш вариантыки, унда рискларни бошқариш жараёнида ресурсларни сарф этиш самарадорлиги кескин равишда ортади, яъни самара пропорционал бўлмаган характерда самарали бўлади.

Синергетик қарор, янги хавфсиз технологияларни (қишлоқ хўжалигида бу янги ўғитлар ва овқатга қўшимчалар), тор жойларни аниқлаш ва бартараф этиш ёки уларда муҳофазалаш, ўзига хос табиатли жиҳозларни ва ҳок. яратиш жараёнида вужудга келади.

Рискларни бошқаришда синергетик эффект яқунда пул кўринишига айланишини инобатга олган ҳолда технологияда, меҳнатни ташкил этишда синергетик эффектлар молия соҳасида вужудга келади.

**Эмерджентлик** – тизимда бутунлик аломатининг мавжудлиги, яъни тизимнинг шунақа хусусиятларики, уни ташкил этувчи элементлар хусусиятига ўхшамаслиги. Эмерджент рискларни ажратиб олиш тадқиқотда катта ўрин тутган жараёндир, аммо у фақат ўзаро фаолиятда бўлган объектларда янги рискларни пайдо бўлиши фактини аниқлашни англатади. Ҳамда «нима сабабдан бундай бўлади?» деган саволга жавоб бера олмайди.

**Асинергетик вариант** – рискларни бошқаришга инвестициялашдан норматив эффеќтн олишга йўл қўймайдиган қарор қабул қилиш варианты. Бундай қарорнинг асосий сабаблари: қарорни қабул қилишда кечикиш, зарурий ресурсларни етишмаслиги, зиддиятларни хал этиш зарурияти муносабати билан ташкиллаштиришни, мотивацияни йўқлиги ва ҳоќ.

Реал ваќт масштабида қарордан «кризис қарор»ни ажратиб олиш маќсадга мувофиќ деб кўрилади. «Кризис» сўзи айрим ҳолларда «қарорни қабул қилиш дақиќаси» деб ҳам таржима қилинади. Кризис қарори деб шундай қарорга айтиладики, у бошқарув объектини бошқариб бўлмайдиган ёки бундай ҳолатга келтириб бўлмайдиган шароитга тушиб қолиши дақиќасида қабул қилинадиган қарор.

Риск қарорларни қабул қилиш махсус алгоритмларини ишлаб чиқиш қарорни қабул қилишни ташкил этиш етарли сифат даражасини таъминлаши ва субъектив факторлар ўрнини пасайтириши мумкин. Бу жараёнда рискларни бошқариш жараёни тезлашиши жуда муҳимдир. **Риск қарорларни қабул қилиш алгоритми** анъанавий менежментда қуйидаги операцияларни ўз ичига мужассамлаштириши мумкин:

- риск-муаммони аниқлаш;
- манбалар, зарарли факторлар хусусиятлари, зарарли факторлар таъсири остида риск объектида вужудга келган заиф жойлар, оқибат ва зарар тўғрисида маълумот йиғиш;
- таҳлил учун қулай тарзда маълумотни акс эттириш;
- риск, объектининг заиф томонлари, зарарнинг қанчалик оғир бўлиши эҳтимоллиги тўғрисида маълумотлари таҳлили;
- риск-муаммони хал этиш жараёнида бошқариш мақсадларини идентификациялаш;
- олдинроқ бўлиб ўтган риск-муаммо билан ҳозирги риск-муаммони идентификациялаш;
- рискни бошқариш бўйича қўлланилган усул ва унинг натижаларини ўрганиш;
- соғлом фикр асосида ҳаракат вариантини танлаш.

**Тизимий риск – менежмент шароитида қарор қабул қилиш алгоритми:**

- риск-муаммони аниқлаш ва назоратлаш;
- маълумот йиғиш;

- таҳлил учун қулай кўринишда маълумотни акс эттириш;
- тизимда риск тўғрисида маълумотлар таҳлили;
- тизимнинг алоҳида элементлари рисклари ўзаро нисбатини тадқиқ этиш;
- турли табиий хусусиятга эга рискларни ўзаро нисбатини тадқиқ этиш;
- алоҳида элементлар рискларини тез-тез қайтарилиши ва огирлиги ўзаро нисбатини тадқиқ этиш;
- тизимнинг ҳар бир элементининг ҳар бир рискига нисбатан муносабатига қараб бошқарув таъсири эҳтимоли рўйхати ҳамда самарадорлигини юқори турувчи иерархия – тизим даражасига таъсирини прогнозлаш ;
- қарорлар вариантини баҳолаш ва вертификациялаш; –
- қарорни қабул қилиш, расмийлаштириш, ижрочигача етказиш, бажарилишини назоратлаш.

***Вазиятли риск-менэсмент шароитида қарор қабул қилиш алгоритми:***

- риск-муаммони аниқлаш;
- риск, зарарли фактор, аниқ вазиятда заиф жойлар тўғрисида маълумот йиғиш;
- таҳлил учун қулай кўринишида маълумотни акс эттириш;
- вазият rischi (манбаси, риск объекти, таъсир этиш эҳтимоллиги, уларни самарадорлигини прогнозлаш) тўғрисида маълумотлар таҳлили;
- муаммони диагностика қилиш ва риск шароитини муайян тартибга келтириш;
- мавжуд ресурсларни инобатга олган ҳолда аниқ вазиятда рискни бошқариш мақсадларини аниқлаш;
- аниқ вазиятда риск бошқаруви самарадорлигини баҳолаш критериясини ишлаб чиқиш;
- қарорлар вариантини баҳолаш ва текшириш;
- қарорни қабул қилиш, расмийлаштириш, ижрочигача етказиш, бажарилишини назоратлаш.

***Ижтимоий – этик шароитида қарор қабул қилиш алгоритми:***

Бу менежмент турининг маъноси – менежмент объекти ва субъектига «катастрофик» таъсирни олдини олиш. Бундай риск-қарор қабул қилиш махсус алгоритм вариантларининг бирига



қуйидагилар мужассам бўлади:

- риск манбаси, уларнинг табиати, тез-тез такрорланиши, бошқарув объекти ҳолати ва заифликлари, бошқарув объектнинг қўйиб бўлмайдиган ҳолати параметрлари;
- маълумот таҳлили;
- риск-муаммо диагностикаси;
- муаммони ҳал этишда бошқарув мақсадларини аниқлаш;
- катастрофик (йўл қўйиб бўлмайдиган) ҳолатни баҳолаш критериясини ишлаб чиқиш ;
- рискларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш критерияларини ишлаб чиқиш;
- бошқарув rischi таъсир этиши мумкин рўйхатини шакллантириш;
- бошқарув rischi таъсирнинг ҳар бири натижасини прогностлаш;
- ҳар бир таъсир бўйича яқунларнинг йўл қўйилиши мумкинлигини баҳолаш;
- агар таъсир бўйича яқунлар йўл қўйиб бўлмайдиган бўлса, у кўриб чиқиладиганлар орасидан чиқариб ташланади;
- агар riskни бошқариш таъсири оқибати йўл қўйиладиган даражада деб тан олинса у кўриб чиқиладиган кўплаб бошқарув таъсири турига киради;
- рискларни бошқариш қарорини қабул қилиш оптималлиги критерияси ишлаб чиқилади;
- қарорлар вариантини баҳолаш ва текшириш;
- кўплаб чиқиладиган кўплаб қарорларидан энг оптималини кўриб чиқиш;
- қабул қилинган қарорни расмийлаштириш;
- қарорни ижросига ёки тааллуқли бошқарув органига етказиш;
- қарорни ижроси;
- бошқарув объектнинг йўл қўйиб бўлмас ҳолати параметрларини ўзгарувчанлиги бўйича назоратлаш ва агар ўзгарувчан бўлса қанчалик хавфли.

***Риск-менежер мувозанатли шароитида қарорларини қабул қилиш алгоритми.***

- Риск-муаммони аниқлаш;
- Риск параметралрини ўзгариши тўғрисида маълумот йиғиш;

– Бошқарув объекти рисқи параметри таркиби ва ўлчами ўзгариши динамикасини тадқиқотлаш;

– Рисқни бошқарши операциясини бажаришга сарф этилган вақтни баҳолаш;

– Белгиланган даражадан кам бўлмаган эҳтимоллиги билан бошқарув объекти рисқини таъминлаш учун қарорни тайёрлаш, қабул қилиш ва ижросини таъминлаш операциясига вақтини тақсимлаш;

– рисқлар тўғрисида маълумотни тизимли таҳлили;

– рисқ-муаммонинг диагностикаси;

– муаммони ҳал этиш бўйича рисқни бошқариш мақсадини аниқлаш;

– бошқарув рисқи таъсири имконияти рўйхати шакллантириш;

– уларни қўллаш оқибатини прогнозлаш (рисқ-вазиятни ёмонлашуви ёки яхшиланиши);

– рисқ ўзгариши керакли тенденциясини таъминловчи бошқарув рисқи таъсири интенсивлиги рационаллигини аниқлаш;

– қарорларни қабул қилиш, расмийлаштириш, ижрочиға етказиш, бажариш ва бажариш вақти назорати.

Аниқ бир вазифани бажаришда менежментнинг у ёки бу турини ишлатишда, аниқ бир вазифанинг махсуслигига кўра бу алгоритмлар ўзгариши мумкин.

Рисқ менежментни қуйидаги уч таркибий қисмлардан иборат деб таъкидлаш мумкин:

1) объектив – фаолият соҳасини, бозорда эгаллаган ўрни ва ҳок. инobatга олувчи;

2) методик – ҳар хил менежмент турлари технологиялари ва мақсадлари билан аниқланади;

3) индивидуал – аниқ бир менежернинг психофизик хусусиятлари билан аниқланади.

Рисқларни аниқлаш ва таҳлил этишнинг асосий услубларидан бир нечтаси келтириб ўтилган.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Қонуният, методологик принциплар, транзитив, рисқларнинг диссонанси, операционал принциплар, рисқларни симплификацияси, рисқларни баҳолаш, таҳлил – тизим,

синергетика, сифат, SWOT-таҳлил, лойиҳа, ассоциатив услуб, эксперт баҳолаш, эвристик услуб, индивидуал баҳолаш, аналитик, статистик, микдорий баҳолаш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Рискларнинг корректлиги баҳолашга қўйиладиган талаблар.
2. Методик ва операционал принциплар тушунчасини ҳамда таркибини ёритинг.
3. Риск-қарорларни қабул қилиш услубий асосларини ёритинг.
4. Рискларни баҳолаш ёндашувларини ёритинг.
5. Рискларни бошқариш қандай принципларга бўлинади?
6. Рискнинг сифат таҳлили қандай вазифаларни бажарилишини тақозо этади?
7. Рискни сифатли таҳлил этиш услубларига нималар киради?
8. Экспертиза процедурасини ўтказиш тартибини ёритинг.
9. Гуруҳий эксперт процедурасини қандай турларини биласиз?
10. Микдорий услубнинг қандай турларини биласиз?

## 8. АХБОРОТ МАКОНИ ҚОНУНИЯТЛАРИ

8.1. Ахборот макони ва ахборот муҳитининг моҳияти.

8.2. Ахборот коммуникация тизими субъектлари иқтисодий рискларини бошқариш синергетикаси.

8.3. Ахборотлашган жамиятни шакллантиришда хўжалик юртиш субъектлари.

Мавзу бўйича таянч иборалар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

### 8.1. Ахборот макони ва ахборот муҳитининг моҳияти.

Ахборотлашган жамиятни қуриш энг аввало ахборот коммуникация маконини шакллантиришни тақозо этади. Айнан шундай макондагина унинг моддий асоси бўлмиш ахборот коммуникация тизими<sup>32</sup> шаклланади ҳамда бу тизимнинг элементлари ўзаро алоқага кириша олади.

Бунда «ахборот тизимлари» дейилганда «ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари»<sup>33</sup> йигиндиси тушунилади. Ўз навбатида, ахборот коммуникация тизими мамлакат миқёсида ҳам ўз элементларига эга. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, мамлакатнинг ахборот тизими давлат ахборот тизими, тармоқ ва ҳудудий ахборот тузилмалари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар ахборот тизимлари мажмуаси сифатида таркиб топади<sup>34</sup>.

АКТ соҳасини бошқариш эса энг аввало ахборот макони қонуниятларини билиб олишни талаб этади. Шунини ҳисобга олиб, АКТ соҳасини, ёки унинг айрим фаолият йўналишларини бошқариш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш учун энг аввало ана шу ахборот маконига хос бўлган қонуниятларни чуқур

<sup>32</sup> Бутенко В.В., Назаренко А.П., Сарьян В.К. Эффективность использования радиочастотного спектра и инфокоммуникационная среда. [www.itu.int/md/dologin\\_md.asp?lang=en&id=R08-SEM.RAD02-C...](http://www.itu.int/md/dologin_md.asp?lang=en&id=R08-SEM.RAD02-C...)

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 3-м.7-қ.

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 15-модда.

англаб олишга ва бир тизимга солишга эътибор қаратилди. Ахборот маконининг бу қонуниятлар асосида амал қилиши ва ривожланиши аста-секинлик билан ахборот ҷамиятига ўтишга олиб боради.

**Биринчи қонуният** ахборот коммуникациялари соҳасини ривожлантиришни тартибга солувчининг (давлатнинг) макроиқтисодий ҳамда бу соҳадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг микроиқтисодий хатти-ҳаракатлари ўртасидаги ўзаро муштараклик ва қарама-қаршилигининг мавжудлигини ифодалайди. Бу қонуният оқибат натижада ривожланиш учун тегишли импульслар яратади.

**Иккинчи қонуният** ахборот-коммуникация тизимининг субъектлари ҳамда объектларининг ўзаро таъсири тўғридан-тўғри ёки оралик тизим орқали амалга оширилишида намоён бўлади. Бу ўзаро таъсир характери ахборот мулкдорлари ёки эгалари томонидан, шунингдек ахборот ресурслари ва ахборот технологиялари характери билан белгиланади.

**Учинчи қонуният** ахборот-коммуникациялари маконининг ўзи ҳамда унинг таркибига кирувчи элементларнинг инерцион ривожланиш хусусиятига эгаллигини намоён этади. Бундай хусусият иқтисодиёт ва ҷамиятни ахборотлаштириш жараёнининг динамик тарзда узлуксизлиги билан изоҳланади.

**Тўртинчи қонуният** ахборот ҳамкорлигини ифодалайди. Бу локал ахборот маконлари ҳамда ахборот-коммуникация субъектлари элементлари ўртасидаги универсал ўзаро таъсирнинг мавжудлиги билан характерли.

**Бешинчи қонуният** ахборот маконининг ривожиди доимий равишда етишмовчиликнинг мавжудлиги, яъни ахборот технологиялари ривожининг макон ва давр нуқтаи-назаридан бир текис бўлмаслигининг ифодасидир. Бу тенгсизлик ахборот маконининг ривожига туртки бўлади.

**Олтинчи қонуният** мавжуд ахборот макони фақат мазкур маконни ташкил қилувчи моддий элементларнинг ўзаро узвий ҳаракати натижасида намоён бўлишини англатади. Бу ўзаро узвий ҳаракат бузилса, ахборот макони самарадорлигига ҳам жиддий путур этади. Бошқача айтганда, ҳақиқатда мавжуд бўлган ахборот маконининг ўзи фақат унинг моддий элементлари таркибий қисмлари ўзаро алоқаларида намоён бўлади.

Ахборот маконининг бу қонуниятлари ахборот-коммуникациялари тизимининг шаклланиши ва ишлаш мазмунини, қолаверса, унинг ривожда зиддиятлар ҳамда мавҳумликлар мавжуд бўлиши объектив характерга эга эканлигини изохлаб беради. Зиддиятлар ва мавҳумликларнинг мавжудлиги эса ривожланишда рисклар пайдо бўлишига шароит туғдиради.

Ахборот макони қонуниятлари ахборот-коммуникация тизими шаклланиши ва ишлаш характери, уни бошқариш механизмлари ва жараёнларини белгилаб беради. Бунда унинг субъектлари фаолиятининг тижорат табиатига эга эканлигини инобатга олинса, риск-менежмент ана шу соҳани бошқаришнинг энг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Бу нарса эса бошқарувга оид кўплаб қарорлар, яъни ахборот тўлиқ бўлмаган, қарама-қарши тенденциялар, тасодифийлик элементлари, мақсадлар ўзгарувчанлиги ва ҳоказолар мавжуд бир шароитда қабул қилиниши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, рақобатчилик шароитида кутилаётган натижага эришиш ёки эриша олмаслик ноаниқлиги ва ўзига ишонмаслик вужудга келади, кўшимча харажатлар ва йўқотишларга учраш эҳтимоли ортади.

Субъектлар фаолиятини тижорат табиатига эга эканлиги, яъни тадбиркорлик фаолияти rischi тушунчаси хорижий адабиётларда жуда кенг тарқалган. Рус тили луғати бу атама «эҳтимол тутиладиган хавф-хатар, омадли якуни кўзлаган ҳолда таваккалига ҳаракат қилиш» тарзида таърифланади<sup>35</sup>. Аммо рискни бундай лингвистик (тилшуносликка оид) тушуниш корхонадаги замонавий менежментнинг муҳим тонфаси сифатида уни таърифлаш учун етарли эмас, албатта.

## **8.2. Ахборот-коммуникация тизими субъектлари иқтисодий рискларини бошқариш синергетикаси.**

Бозор иқтисодиёти шароитида бизнесга, яъни хўжалик юритиш фаолиятига нисбатан олганда рискнинг маъноси кўпдан-кўп мос келмайдиган, айрим ҳолларда эса қарама-қарши асосларга эга бўлган янада кенг ва кўп жиҳатли асосларга эгадир. Жумладан, В.В.Черкасов томонидан, XXI аср бошларига келганда иқтисодиётга оид адабиётларда рискнинг 40 дан ортик

<sup>35</sup> Ожегов С.И. Словарь русского языка.—М.: Русский язык, 1982.

таснифловчи аломатлари ва унинг 220 дан зиёд турлари мавжудлиги таъкидланган<sup>36</sup>. Кейинги ўн йилликнинг риск-менеджмент соҳасидаги интенсив тадқиқотлари ана шу муқаддам келтириладиган рисклар, шу жумладан, 2008 йилдаги ва сўнги йиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi билан шартланган рисклар тўпламини сезиларли даражада кенгайтди. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув фаолияти жиҳатида рисклар классик ва неоклассик назариялар позициясидан кўриб чиқилади. Биринчи ҳолатда рисклар бозор ноаниқлиги шароитида қабул қилинган қарорлар амалга оширилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг математик тахминлари билан тенглаштирилади. Иккинчи ҳолатда эса кўйилган мақсадлардан четга оғиш эҳтимолини баҳолаш билан чегараланилади. Бунда наинки қабул қилинган қарорни амалга оширишдан кутилаётган фойда ва наф, қолаверса, эҳтимол тутиладиган четга оғишлар катталиги ҳам инобатга олинади.

Тадбиркорлик рискларини математик тарзда баҳолаш усуллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмасада, иқтисодиётга оид адабиётларда бу масала юзасидан, шунингдек, рискнинг объектив характериға оид баҳс-мунозаралар ниҳоясига етганича йўқ<sup>37</sup>.

---

<sup>36</sup> Черкасов В.В. Проблемы риска в управленческой деятельности. – М.: Релф-бук, 2002. с.70.

<sup>37</sup> Балдин К.В. Управление рисками в инновационно-инвестиционной деятельности предприятия. – Москва, ИТК Дашков и К., 2009; Васин С. М. Управление рисками на предприятии Москва, КноРус, 2010; Воробьев С. Н. Управление рисками в предпринимательстве. Москва, ИТК Дашков и К., 2010; Воробьев С. Н. Системный анализ и управление рисками в предпринимательстве. Москва, МПЦИ, 2009; Егоров С. А. Управление хозяйственными рисками Москва, ТетраСистемс, 2009; Ермасова Н. Б. Риск-менеджмент организации. Москва, ИТК Дашков и К., 2010; Мамаева Л. Н. Управление рисками. Москва, ИТК Дашков и К., 2009; Никонов В. Управление рисками. Как больше зарабатывать и меньше терять. Москва, Альпина Паблицерз, 2009; Рыхтикова Н. А. Анализ и управление рисками организации. Москва, ФОРУМ, 2009; Тепман Л. Н. Управление рисками. Москва, Анкил, 2009; Филина Ф. Н. Риск-менеджмент. – Москва, Menegment-pro, 2008; Фомичев А. Н. Риск-менеджмент. – Москва, ИТК Дашков и К., 2009; Щапкин А.С. Экономические и финансовые риски: Оценка, управление, портфель инвестиций. – Москва, ИТК Дашков и К., 2011.

Объектив концепция тарафдорлари риск объектив ҳодисадир, негаки унинг катталиги реал мавжуд бўлган бозор номуайянлиги ва ноаниклигини сифат-миқдорий баҳолашни акс эттиради, деб ҳисоблайдилар. Шунинг баробарида, бошқа бир қарама-қарши нуктаи-назар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра риск субъектив ҳодисадир, чунки субъект томонидан у ёки бу альтернативани танлаш оқибатини инobatга олади, яъни риск бу – хавф-хатар, эҳтимол тугилувчи оқибатлар таҳдидини инobatга олган ҳолда хулқ-атвор вариантини танлашдир<sup>38</sup>.

«Рискли» вазиятнинг объектив таркибий қисмлари объектив миқдорий таҳлилга тортилиши имкони бўлгани учун рискнинг субъектив жиҳати муҳим ҳисобланади, чунки маълум маънода риск даражаси ахборот-коммуникация тизими объектнинг фаолияти билан боғлиқ. Ахборот технологияларининг қизғин ривожланиши ва бошқарувга оид қарорлар қабул қилишда қайта ишланадиган ахборот оқимининг сезиларли ва жиддий ортиши бошқарув соҳасида янги муаммолар пайдо бўлишига олиб келди. Ўз табиатига кўра рақобатли бўлган ахборот технологиялари бозори биринчи галда истеъмолчилар учун шак-шубҳасиз фойда ва наф билан бир қаторда ўзида салмоқли рисклар, шу жумладан, иқтисодиётнинг инновацион тармоқлари учун характерли бўлган, муҳим стратегик қарорлар қабул қилаётган, инobatга олиниши лозим бўлган специфик рискларни ҳам келтириб чиқаради.

Аввал кўрсатиб ўтганимиздек, иқтисодиётга оид адабиётларда рискларнинг хилма-хил турлари келтириб ўтилган. Улар турли белгилар бўйича гуруҳланади. Бироқ рискларнинг ана шу гуруҳланиши, қоидага кўра, сабаб-оқибат ёндашувига мўлжалланади. Аммо, афсуски, кўриб чиқилган адабиётларда рискларни бошқариш усуллари бўйича таснифлаш учратилмади. Шубҳасизки, рискларни бошқаришнинг барча шакллари ва

---

<sup>38</sup> Гончаренко Л.П. Риск-менеджмент. – Москва, КноРус, 2010; Грачева М. В. Управление рисками в инновационной деятельности. – Москва, Юнити-Дана, 2010; Дамодаран А. Стратегический риск-менеджмент: принципы и методики. – Москва, Вильямс, 2010; Домашенко Д. В. Управление рисками в условиях финансовой нестабильности – Москва, Магистр, 2010; Черкасов В. В. Проблемы риска в управленческой деятельности. – Москва, Рефл-бук, 1999.



усуллари уларнинг намоён бўлиш характериға боғлиқ, аммо, биз таснифлашға ана шундай ёндашувнинг йўқлигини рискларни бошқариш назариясининг жиддий ва сезиларли камчилиги деб ҳисоблаймиз.

Шу боисдан биз барча рискларнинг иккита катта гуруҳға бўлинишини назарда тутадиган янги таснифий гуруҳлашни таклиф этамиз.

**Биринчи гуруҳ** – уларни бошқариш давлат ва унинг тузилмалари фаолияти билан боғлиқ бўлган рисклар.

**Иккинчи гуруҳ** – уларни бошқариш бевосита хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган рисклар. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, рискларни бошқариш самарадорлиги ва соҳалари, юқоридаги таснифлашдан келиб чиқилганда, иқтисодиёт ривожланишининг у ёки бу боскичида давлат томонидан тартибға солиш ва ўзини-ўзи тартибға солишнинг ўзаро нисбати билан боғлиқ бўлади. Бу масала эса рискларни бошқариш таълимоти томонидан ҳалигача кўриб чиқилмаган. Айни маҳалда бошқарув жараёнларини тартибға соладиган ва ўзини-ўзи тартибға соладиган рискли вазиятлар таъсирининг нисбати рисклар тушунчасининг ўзига ва иқтисодий жараёнлар барқарорлигини таъминлашға, уларнинг таъсирига тамомила бутунлай янгича қарашни шакллантиришға ва таърифлашға имкон беради.

### **8.3. Ахборотлашган жамиятни шакллантиришда хўжалик юритиш субъектлари**

Рисклар назариясининг ҳозирги замон талқинида «риск» тушунчаси «тахдид» сифатида тушунилади. Биз эса буни чекланган тушуниш дея тасаввур қиламиз. Айтайлик, ахборот маконини қандайдир хаотик-тартибсизларча ҳаракатланаётган элементлар йиғиндиси сифатида тасаввур этайлик. Шунда, агар биз рискни тахдид тариқасида тушунадиган бўлсак, рискларни бошқариш жараёни ҳаракатланаётган элементлар хулқ -атвори устидан кузатиб туриш ва уларни керакли томонга йўналтиришға уринишлардангина иборат бўлиб қолади, холос. Бу ҳолда биз ҳаракатнинг моҳиятига чуқур кириб бормаймиз, балки унинг биз учун афзал бўлган ҳаракат йўналишидан эҳтимол тутиладиган четга оғишларига қараб мўлжал оламиз.

Рисклар назариясидаги мавжуд замонавий қарашларнинг олиб борилган таҳлили шуни кўрсатадики ҳозирча рисклар илмий адабиётларда асосан сабаб-оқибат нуқтаи-назаридан тавсифланади. Ўйлаймизки, бу ёндашув рискларнинг фақат намоён бўлиш шаклини акс эттиради ва ушбу иқтисодий ҳолатнинг моҳиятини акс этирмайди.

Шу боисдан биз рисклар категориясининг янгича таърифини тавсия этамиз. Яъни, Рисклар қандайдир таҳдид эмас, балки бус-бутун характерга эга бўлган ахборот-коммуникация тизими элементларининг бу тизимнинг барқарор ривожланиши томон йўналтирилган тартибсиз ҳаракатидан кутилаётган оқибатларнинг ташқи намоён бўлишидир.

Биз томонимиздан киритилган ана шу риск тушунчасининг таърифи кенг қамровли характерга эга бўлиб, ахборот макони ва унинг ахборот-коммуникация тизими ривожланиши ва юзага келишига тўлиқ ҳажмда татбиқ этилиши мумкин. Бунда ахборот тизими хилма-хиллигининг ахборот макони шаклланишига таъсири хусусида сўз юритганда, ахборот жараёнларининг яна бир жиҳатини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бу жараёнлар кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан якка тартибдаги дастурлар бўйича амалга оширилади. Бозор шароитида уларнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи – фойда олишдир. Аммо бундай классик модел фақат бозор муносабатлари ривожланишининг бошланғич босқичларига хосдир. Жамиятнинг ривожлана бориши билан иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш заруриятига тобора кўпроқ даражада кўзга ташланади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимида у ўзининг авж нуктасига кўтарилган эди. Икки тизим мусобақаси тажрибаси эса ўзини-ўзи тартибга соладиган иқтисодиёт объектларига эркинлик ва ташаббускорлик ҳавола этган ҳолда давлатнинг тартибга солиб турувчи таъсирини оқилона олиб бориш афзаллигини намоён этди.

Ана шу жиҳат ахборотлашган жамиятни механизмини ҳамда унинг инвестициявий маконини шаклланишида ҳам марказий масалалардан бири сифатида амал қилади. Бундай муайян ҳолатда ҳаммаси гўё оддийдек туюлади. Чунки масала фақат давлат таъсири улушини белгилаш, қолган ҳамма нарсани ахборот-телекоммуникация корхоналарига ўзини-ўзи тартибга солиш

учун қолдириш керакдек тушунилади. Аммо назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам буни амалга ошириш ўта мураккаб. Чунки ахборот-коммуникация жараёни тобора янгидан-янги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва техник реалликларга мослашиб боргани ҳолда доимий ривожланиб ва ўзгариб борадиган жонли организм сифатида яшайди ва тараққий этиб боради. Унинг ахборот маконида рўёбга чиқарилиши эса ахборот-коммуникация тизими субъектлари хўжалик фаолияти натижасида билвосита ифодаланadi. Бунда моҳиятан хўжалик муносабатлари механизмига давлат томонидан тартибга солиш ва ўзини-ўзи тартибга солиш ўртасидаги зиддиятлар кучли таъсир этади.

Шунинг учун ахборотлашган жамиятни шакллантириш механизмининг самарадорлиги ахборот-коммуникация жараёни иштирокчилари улушлари ва «пайлари» билан эмас, балки ахборот-коммуникация тизимида жамият, давлат ва бевосита хўжалик юритиш субъектлари манфаатларини ўзаро мувофиқлаштириш даражаси билан белгиланади.

Буни икки ҳолатда кўриб чиқамиз. **Биринчиси** – классик бозор хўжалиги, давлатнинг тартибга солиш таъсири чекланган. Бу ҳолда хўжалик тузилмаларнинг яқка тартибдаги ҳаракати амалда турли мақсадларга йўналтирилганлиги, барча амал қилиши зарур бўлган меъёрларнинг йўқлиги сабабли субъектлараро ноаниқлик, мавҳумлик вужудга келади. Бу ҳолат эса рисклар юзага келиши учун идеал шароитдир.

**Иккинчиси** – давлат томонидан тартибга солишнинг рационал механизми таъминланган. Бунда давлат иқтисодиётнинг ҳолатига қараб мўлжал олган ҳолда, бозор иштирокчиларига турли мақсадлардаги сигналлар йўллаб туради. Бу сигналлар турли шаклда бўлиши мумкин, бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам у қонун, фармон ёки қарор кўринишидаги норматив ҳужжат шаклига эга бўлади. Давлатнинг ана шу сигналларига бирламчи хўжалик тузилмаларнинг ўз фаолиятида тўла амал қилиши уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунликни, мувофиқликни келтириб чиқаради. Оқибат, ноаниқлик ва тартибсизлик ўрнини тартиб эгаллайди. Бу эса уларнинг иқтисодий фаолияти натижаларига ижобий таъсир этади, энг асосийси, рисклар юзага келиши эҳтимолини минималлаштиради.

Одатда, бундай ижобий ҳолатнинг асосий сабабчиси

сифатида давлатнинг тартибга солиш механизми кўрсатилади. Аслида эса бу, биринчи навбатда хўжалик субъектлари томонидан иқтисодий рискларни ўз-ўзини бошқариш механизмнинг ишга туширилиши сифатида талқин этилиши лозим. Яъни, хўжалик субъекти фаолиятида иқтисодий рисклардан огоҳлантириш механизми давлат тартибга солиш тизимидан ҳуқуқий сигнал олиб, ташқи таъсирларсиз ўз-ўзидан ишга тушади, шу тахлит ноаниқлик ва мавҳумликнинг конкрет намоиши кўринишидаги хаос ўрнини тартиб эгаллайди. Бу жароённи «рисклар синергетикаси»<sup>39</sup> сифатида таърифлаш мумкин.

Яъни, рискларни бошқариш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмларининг ўзаро муштараклиги синергетиканинг асосий қоидаларига мос келади. Рискларни бошқариш синергетикасининг муҳим хусусияти шуки, у риск даражасини жиддий пасайтиришни таъминлайдиган кўшимча ресурслар критик массаси тўпланганда ахборот коммуникациялари тизими объектларининг хўжалик фаолияти сакрашсимон фаоллашувини англатади.

Маъмурий, ҳуқуқий сигналдан ташқари давлат рисклар даражасини пасайтириш мақсадларида иқтисодий рағбатлантиришнинг турли шаклларида фойдаланиши, яъни ахборот-коммуникация тизимини ўзига хос «дамлаш»ни амалга ошириши ҳам мумкин. Натижада эса ташқаридан етарлича интенсив бўлган реал ёки потенциал ресурслар оқимини қабул қилган хўжалик тизимлари, қоидага кўра, тўғри чизиқ тарзида эмас, балки иқтисодий рискнинг пасайиш даражасига мос равишда сакрашсимон жавоб қайтаради. Бошқача қилиб айтганда, ахборот-коммуникация тизимининг асосий ўсиши унинг интенсив ривожланиши билан қоришиб кетади.

Ана шу йўналишда тартибланган тузилмалар бирданига ўз-ўзидан юзага келишига тааллуқли бўлган ўта муҳим натижалар 1970 йилларнинг бошларида чет эллик олимлар томонидан қўлга киритилган эди. Улар Брюссель Эркин университети профессори,

---

<sup>39</sup>Синергетика – Мураккаб тизилмаларнинг ўз-ўзини тартибга солиши, ички барқарорлигини таъминлаши <http://ru.wikipedia.org>

Нобель мукофоти лауреати (1977) Илья Романович Пригожин ва унинг ҳаммуаллифи Изабелла Стенгерс тадқиқотлари билан боғлиқ эди. Улар бир хил тизим учун турли шароитларда ўзини-ўзи ташкиллаштиришнинг ҳар хил шакллари кузатилиши мумкинлигини исботлаб беришди. Рискларни бошқариш жараёнларига нисбатан қўллаганда бу қуйидаги кўринишда бўлади. Давлатнинг тартибга солиш механизми билан боғлиқ ресурсларнинг аста-секин кўпайиб бориши билан хўжалик тизимлари «критик остона»дан ўтадики, унда рисклар даражаси сезиларли ва жиддий пасайиши ва шу билан боғлиқ бўлган барча иқтисодий жараёнларнинг жадаллашуви кузатилади.

Шунга қарамасдан, давлат қарорлари таъсири остида рисклар пасайиши шароитида ахборот-коммуникация тузилмалари фаоллигининг бирданига ўсиб кетиши давлат ва ахборот-коммуникация тизими маҳаллий объектлари иқтисодий манфаатларида мувофиқликка эришилганидан далолат беради. Моҳиятан олганда бунда иқтисодий манфаатлар босқичли йўналишининг максимал мос келишига эришилади ва бу соҳани синергетикада аттрактор<sup>40</sup> деб аташади. Биз кўриб чиқаётган ҳолда эса аттрактор тоифаси деганда давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлар уйғунлашуви натижасида иқтисодий рисклар даражаси минималлашиши қайд этиладиган соҳани тушунамиз. Бунинг оқибатида мазкур соҳа ахборот-телекоммуникация тизимининг тобора кўпроқ субъектларини ўзига жалб эта бошлайди, кирган субъектлар эса унинг кўламини кенгайтириб юборади ва рисклар даражасини пасайтиради.

Шундай қилиб, биз томонимиздан иқтисодий рискларни бошқариш тизимига киритилаётган барқарорлик аттрактори тушунчаси давлат томонидан «жўнатилаётган» норматив-ҳуқуқий сигналлар таъсири остида давлат эмас, балки ахборот-телекоммуникация тизими субъектларининг ўзи рискларсиз соҳани шакллантиришини тушуниб англаб етишга имкон беради. Бироқ хўжалик юритиш субъектларининг ҳаммаси ҳам кўзда тутилаётган рискка қарши стратегияга риоя қилавермайди. Улардан айримлари «ғалати аттракторлар» деб аталувчи соҳаларга киради ва муайян хўжалик соҳаси ичида мунтазам тавсифлашга ва иқти-

---

<sup>40</sup>Лотинча. attracto – ўзига тортмоқ, ўзига жалб қилмоқ.

содий мантиққа бўйсунмайдиган мажбурий адашишларни содир этади. Бунда венчур характердаги, коррупцион ва бошқа криминал фаолият чегарасидаги юқори рискли ва яширин характердаги хатти-ҳаракатларни мўлжалловчи ғалати ҳамда ажабтовур аттракторларни ҳам фарқлай олиш лозим. Кейинги ҳолатда давлатнинг тартибга солиш таъсири бошқача йўналишда бўлмоғи керак.

Шундай қилиб, иқтисодий жараёнларни тартибга солиш асносида давлат фақат ташқи рисклар таъсирини камайтиришни таъминловчи йўлларнинг қатъий белгиланган туркумига йўл қўя олади, холос. Аммо бунда фойдаланувчиларнинг катта миқдори ахборот ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган йўналишларни қўллаб-қувватлайди. Бунинг энг оддий ҳамда очиқ воситаси эса аҳоли ва хўжалик юритиш субъектлари ахборотлардан хабардорлиги даражасини оширишдир. Бу ҳам тартибга солиб турувчи воситадир, чунки зарур ахборотни ҳавола эта туриб, давлат ахборот-коммуникация тизимидаги ўзини-ўзи тартибга солиш жараёнларига таъсир ўтказишга қодир бўлган муҳим рағбатлантирувчи сигналларни жўнатиб туради. Очидан-очиқ фойдаланиш мумкин бўлган давлат ахборот ресурсларидан ташқари Ўзбекистондаги иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан тартибга олиб туриш стратегияси ва тактикасини ақс эттирувчи «электрон ҳукумат» тизимида иқтисодий таъсир бошқариш механизмлари тўғрисида тўлиқ ҳуқуқий ахборотларни тақдим этувчи «Кафолат», «Ҳуқуқ» ва «Норма» деган учта рақобатлашувчи нодавлат ахборот-ҳуқуқ тизимлари ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам уларни иқтисодий жараёнларда рискларни бошқаришнинг муҳим воситалари сифатида қараб чиқиш мумкин.

Рисклар назариясининг замонавий қарашлари уларнинг тавсифномасини сабаб-оқибат алоқалари нуқтаи-назаридан талқин қилади. Бироқ таснифлаш назариясига алоқаларни бошқариш ва ана шу жараёнлар моҳиятини аниқлаш даражасини тавсифловчи янги гуруҳлаштириш аломатлари киритилиши эндиликда таҳдид сифатида эмас, балки бутун бошли тизимнинг барқарор ривожланишига эришишга йўналтирилган кутиш элементлари тартибсиз ҳаракатининг сиртдан намоён бўлиши сифатида қараб чиқилаётган иқтисодий таваккал тоифаси янги тушунчасини шакллантириш ва таърифлашга имкон беради.

Бундай таснифлашдан келиб чиқилса, рискларни бошқариш самарадорлиги ва соҳалари тараққиётнинг у ёки бу босқичида иқтисодиётда давлат томонидан тартибга солиш ва ўзини-ўзи тартибга солиш нисбати билан боғлиқ бўлади.

Рискларни бундай таснифлаш мазмунидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, уларни бошқариш самарадорлиги ҳамда бу бошқаришнинг кўлами иқтисодиёт ривожланишининг у ёки бу босқичида давлат томонидан тартибга солиш ва ўзини-ўзи тартибга солишнинг ўзаро нисбатига бевосита боғлиқ бўлади. Яна таъкидлаш мумкинки, рискларни бошқариш жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг ўзини-ўзи тартибга солиш механизми синергетиканинг асосий қондаларига мос келади.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Ахборот муҳити, ахборот-коммуникация макони, ахборот тизимлари, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш, ахборот ресурслари, ахборотлашган жамият, синергетика, уйғунлик, мувофиқлик, иқтисодий, рақобат, ижтимоий ва техник реалликлар, категория, тадбиркорлик rischi.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар -**

1. Ахборот-коммуникация макони деганда нимани тушунасиш?
2. Ахборот маконининг қонуниятларини ёритинг.
3. Ахборот муҳитининг моҳиятини ёритинг.
4. Иқтисодий рискларни бошқариш синергетикаси деганда нимани тушунасиш?
5. Рисклар категориясининг янгича таърифини ёритинг.
6. Рискларни бошқариш синергетикасининг хусусиятини ёритинг.
7. Ахборотлашган жамиятни шакллантиришда хўжалик юритиш субъектларининг аҳамиятини ёритинг.
8. Тўлиқ ҳуқуқий ахборотларни тақдим этувчи қандай рақобатлашувчи нодавлат ахборот-ҳуқуқ тизимларини биласиз?
9. Ахборот маконининг биринчи қонунияти нималарни кўзда тутади?
10. Тадбиркорлик фаолияти rischi тушунчасини таърифланг.

## **9. АХБОРОТ РИСКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛИ СИФАТИДА**

9.1. Суғуртанинг моҳияти ва функциялари.

9.2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суғуртанинг ривожланиш хусусиятлари.

9.3. Ахборот рисклари ва уларни суғурта қилишнинг зарурияти.

9.4. Суғуртанинг ихтиёрий ёки мажбурий усуллари.

### **9.1. Суғуртанинг моҳияти ва функциялари**

Суғурта тарихий категориялардан бўлиб, у жамият курилишининг дастлабки даврларида вужудга келган ва аста-секин шаклланиб, ижтимоий ишлаб-чиқаришнинг ажралмас бир қисмига айланди. Суғурта иборасининг маъноси “кўрқув” яъни “страх” сўзи билан боғлиқ. Мулк эгалари мулкнинг сақланишига нисбатан табиий офатлар, ўғирлик ёки бошқа турли хил хатарлар натижасида хонавайрон бўлишга нисбатан кўрқувни ҳис этганлар ва бу мулк эгаси ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчининг моддий фаровонлиги учун хавотирланишнинг асосий сабабчиси ҳисобланган. Шу тариқа манфаатдор мулк эгалари ўртасида зарарни биргаликда қоплаш ғояси юзага келди.

Жамиятнинг ривожланиши шароитида суғурта мулкчиликнинг барча шакллари, корхона ва ташкилотлар, фуқароларнинг даромадлари, манфаатлари, ҳимоясининг асосий воситасига айланди. Суғурта ишлаб чиқариш муносабатларининг зарурий элементи бўлиб, молиявий зарбаларни юмшатувчи ўзига хос воситадир. Суғурта иқтисодий категория сифатида молия категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Аммо молия тўлалигича даромадларни тақсимлаш билан боғлиқ бўлса, суғурта қайта тақсимлаш муносабатларини қамраб олади.

Суғуртани белгиловчи хусусиятлари куйидагилар:

1. Суғурталашда тўсатдан, олдиндан билиб бўлмайдиган ва кўзда тутилмаган ҳолатлар, яъни суғурта ҳодисалари эҳтимоли мавжудлиги билан асосланувчи қайта тақсимлаш пул муносабатлари юзага келади;

2. Суғуртада кўрилган зарарни суғурта иштирокчилари, яъни суғурталанувчилар ўртасида қоплаш амалга оширилади. Зарарни бундай қоплаш усули зарар кўрувчи хўжаликлар сони суғурта



иштирокчилари сонидан кам бўлиши эҳтимоллигига асосланади, айниқса иштирокчилар сони етарлича катта бўлганда.

Зарарни бундай қоплашни ташкил қилиш учун мақсадли йўналтирилган суғурта фонди ташкил қилинади. Бу фонд суғурта иштирокчиларининг бадаллари ҳисобидан шакллантирилади. Суғурта фондининг маблағлари фақатгина уни ташкил қилганлар ўртасида ишлатилади, суғурта базасининг ҳажми эса ҳар бир қатнашчининг зарарни қоплашдаги улушини билдиради. Шунинг учун, суғурта қатнашчиларининг доираси қанчалик кенг бўлса, суғурта базасининг ҳажми шунга мос ва суғурта ҳам самарали бўлади.

3. Суғурта зарарни қоплашни ҳудудий бирлик ва маълум вақт давомида амалга оширишни кўзда тутати. Бунда йил давомида суғурталанувчилар ўртасида суғурта фондини ҳудудлар бўйича самарали қайта тақсимлаш учун етарли катта ҳудуд ва суғурталашга тегишли объектлар талаб қилинади.

Суғуртанинг қуйидаги функциялари мавжуд.

1. Таваккалчилик

2. Олдини олиш

3. Жамғариш

4. Назорат

**Таваккалчилик** функциясининг амал қилиши давомида суғурта иштирокчилари ўртасида бўлиши мумкин бўлган суғурта ходисалари оқибатлари билан боғлиқ пул шаклидаги қимматнинг қайта тақсимланиши рўй беради.

**Олдини олиш** функцияси суғурта фонди маблағларининг бир қисми ҳисобидан суғурта таваккалчилигини камайтириш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Ҳаёт суғуртасида суғурта категорияси кредит категорияси билан ҳаётни маълум муддатгача суғурталаш шартномалари бўйича маблағларни жамғаришда анча яқинлашади. Ҳаёт суғуртаси орқали пул маблағларини **жамғариш** оилавий шароитда суғуртавий ҳимояга бўлган эҳтиёж билан боғлиқдир.

**Суғуртанинг назорат функцияси** суғурта фондининг катъий мақсадли шакллантирилиши ва унинг маблағларидан тўғри фойдаланишидан иборат. Мазкур функция юқоридаги учта ўзига хос функциялардан келиб чиқади ва конкрет суғурта муносабатларида улар билан бирга намоён бўлади.

## 9.2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суғуртанинг ривожланиш хусусиятлари

1991 йилда “Мол-мулкларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсида давлатга тегишли бўлган корхоналарни ижарага бериш, ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш жараёни бошланди. Иқтисодий ислохотлар кучли ижтимоий сиёсатни уйғунлаштириш орқали босқичма-босқич амалга оширилди.

Маълумки, илгари барча корхоналар давлатнинг ихтёрида бўлганлиги туфайли, уларни ҳар хил кўнгилсиз ҳодисалардан суғурталашга эҳтиёж булмаган. Мазкур корхоналарга суғурта ҳодисалари натижасида зарар етказилса, бу зарарлар давлат маблағлари ҳисобидан бемалол қопланар эди. Аммо мол-мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида нодавлат секторда корхоналарни пайдо бўлиши ўз-ўзидан суғурта хизматларига бўлган талабни сезиларли равишда оширди.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти шароитида ўз мустақиллигига эришганлиги суғурта соҳасида ҳам илгариги мустамлакачилик қолдиқларини тугатишга, республикада жаҳон стандартига асосланган мустақил суғурта тизimini барпо этишга кенг имкониятлар яратилди.

1993 йилнинг 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (ҳозирги Олий Мажлис) “Суғурта тўғрисида”ги Қонун қабул қилди. Мазкур қонун суғуртани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда суғуртанинг мавқеи ва ўрнини белгилаб берди, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талабини тўлароқ қондирилишини, шунингдек суғурта муносабатларининг барча иштирокчилари манфатларини ҳимоя қилиниши ва мажбуриятларга риоя этилишини таъминлади.

1992-1994 йилларда иқтисодиётнинг барча бўғинларида монополияга барҳам берилиши ва хусусийлаштириш жараёни кучайишига қарамасдан, Ўзбекистон суғурта бозорида давлат суғурта муассасаларининг устунлиги сақланиб қолди. Мамлакатнинг шаҳар ва - туманларидаги асосий суғурта операциялари Ўзбекистон Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат

суғурта Бош бошқармаси ва унинг жойларидаги бўлинмалари томонидан амалга оширилди. Агар ушбу даврда суғурта бадаллари таркибини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, умумий ҳажмда шахсий суғуртанинг улуши кам эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 1991 йилда суғурта бадалларининг умумий ҳажмида шахсий суғуртанинг умумий ҳажми 38,5 фоизини ташкил этган бўлса, 1992 йилда мазкур кўрсаткич 16,2 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби пулнинг қадрсизланиши ва ўша пайтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда рўй берган тангликлар билан боғлиқдир.

1993-1994 йиллар давомида суғурта соҳасида монополиядан чиқариш жараёни бир мунча тезлашди. 1994 йил охирларида мамлакат нодавлат секторида 60дан ортиқ суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ 1994 йил 21 январда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси (1997 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси қилиб ўзгартирилди) ташкил этилди. Унинг асосий мақсади республика иқтисодиётида экспорт ўсишини янада рағбатлантириш, Ўзбекистонлик экспортчиларни суғуртавий ҳимоя қилишни таъминлаш, хорижий мамлакатлар инвесторлари билан алоқа қилувчи ўзбек инвесторларининг фаолиятини кучайтириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб этилаётган чет эл инвестицияларини комплекс суғуртавий ҳимоя қилишдан иборат.

Суғурта хизматлари соҳасини самарали ривожлантиришни таъминлаш, деҳқончилик маҳсулоти етиштирувчиларни ва аҳолини суғурта йўли билан ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат суғурта бош бошқармаси негизида «Ўзагросуғурта» Давлат Акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 мартдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган «Кафолат» Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг асосий фаолият йўналиши шаҳар аҳолиси ҳаётини, саломатлиги ва мол-мулкни, республика шаҳарларида юридик ва жисмоний шахсларнинг мо-

лиявий ва тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат.

“Мадад” суғурта агентлиги эса 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашдан, уларга самарали суғурта хизматларини кўрсатишдан иборат.

2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун республикамизда суғурта хизматлари самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлади.

### **9.3. Ахборот рисклари ва уларни суғурта қилишнинг зарурияти**

Корхонанинг ахборот рискларини суғурталаш бу ахборот хавфсизлигига хавф амалга ошган ҳолатларда моддий зарарни тўлдириш бўйича ахборот муносабатлари субъектларига суғурта жамиятлари томонидан кафолат беришга асосланган, ахборотни ҳимоя қилиш тизимини молиявий-иқтисодий таъминлаш доирасида ахборотни муҳофаза қилиш тизимидир.

Бундан ташқари, рискларни бошқариш механизми бу ўринда фақат моддий зарарни қоплашнигина ўз ичига олмайди. Суғурталаш жараёни суғурта объектини таҳлил қилиш, шунингдек, шартнома тузиш олдидан корхонанинг ахборот рискларини бошқариш тизими ҳолатини тўлиқ ва батафсил аудит қилишни назарда тутати. Бундан тўловни ортиқча тўламаслик муҳим бўлган суғурталанувчи ҳам, шунингдек, «битмаган» тизимни суғуртага олишни истамайдиган суғуртачи ҳам манфаатдор. Суғурта рағбатлантирувчи роль ўйнайди, фирма ўзининг ахборотни ҳимоя қилиш тизимини яхшилаётган туриб, ўз суғурта бадалларини камайтириш имконига эга бўлади.

Ахборот рискларини суғурталашдан ютиш, шунингдек, корхонанинг ишлаш самарадорлиги ошишида ҳам ифодаланган. Натижада потенциал мижозлар ва ҳамкорлар томонидан ишонч кучаяди. Бундан ташқари, ахборот рискларини суғурталаш ички ва ташқи бозорда корхонанинг ахборот ошкоралигини оширади.

Ахборотни ҳимоя қилиш методи сифатида суғуртани танлашда ахборотни йўқотишдан келган зарар ва уни ҳимоя қилиш бўйича тадбир баҳосини таққослаш ўтказилади.

«Самарадорлик-қиймат» мезонидан келиб чиқиб ахборотни ҳимоя қилишнинг у ёки бу методидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ахборотни ҳимоялаш усули сифатида суғурталаш танланган ҳолатда қуйидаги омилларга эътибор қаратилади:

1. Хавфнинг амалга ошиш эҳтимоли унчалик катта эмас, лекин ахборот тизими учун етарли бўлганда суғуртадан фойдаланган маъқул.
2. Ахборот қиймати каби кўрсаткичлар аҳамиятли. Агар корхона учун ахборотнинг ўзи, унинг махфийлиги, мавжудлиги муҳим бўлса, маблағнинг катта қисмини айнан ахборотга руҳсатсиз уланишни бартараф этишга, яъни ҳимоянинг муҳандислик-техник ёки дастурий-аппарат ёки криптографик маблағидан фойдаланишга йўналтириш лозим. Агар ахборотни тиклаш мумкин бўлса ва унинг йўқолиши ёки модификацияси ахборот тизимининг иш қобилятига унчалик катта таъсир кўрсатмаса, у ҳолда маблағнинг катта қисмини суғуртага йўналтириш мақсадга мувофиқ.
3. Хавфнинг амалга ошиш эҳтимоли етарлича юқори бўлганда потенциал йўқотишдан келадиган зарар кам бўлади.

Суғурта қоплами ҳажмини аниқлашда суғурталанувчи шуни тушуниши керакки, бугун айнан ахборот рискларини суғурталаш янгилик эканлиги сабабли суғурта шартномасида юзага келиш мумкин бўлган барча суғурта ҳолатларини, шунингдек суғурталаш қоидаси ва шартларини батафсил ёзиш лозим.

Суғурталашнинг биз таклиф этаётган синфидан ташқари, ахборот-коммуникация тизими объектлари суғуртанинг аъъанавий турларини ҳам таъминлаши лозим. Бунда ахборот-коммуникация тизимида мулкни суғурталашда суғурталашнинг қуйидаги объектларини кўриб чиқиш лозим:

- ҳимоя объектлари бўлиши мумкин бўлган бино ва иншоотлар (ахборотни муҳофаза қилиш хизмати биноси, унда ахборот ташувчилар доимий сақланади, қайта ишланади);
- ажратилган биналардан ҳимоя объектлари (ёзма ва тасвирий ахборот ташувчилар, ахборотни узатиш ва қайта ишлаш воситаси, ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш тизими, радио ва кабель алоқаси воситалари, радио ва телевидение);

- ахборотни муҳофазалаш воситалари (муҳандислик-техник, дастурий-аппарат, криптографик, электр, электрон, оптик ва бошқа қурилмалар, асбоб-ускуналар ва техник тизимлар);
- ёзма ва тасвир шаклдаги ташувчиларни транспортировкалаш воситаси, шунингдек, ахборот ташувчиларининг ўзи.

Электрон жиҳозларни кенг қўллаш, унинг нархи қимматлилиги, эксплуатация хусусияти ва турли рискларга чидамлилиги суғурталашнинг мустақил турига суғурталашни ажратиб кўрсатади. Шунинг учун суғуртани қоплашга суғурта шартномасида санаб ўтилган ахборотларни узатиш ва қайта ишлашнинг техник воситаси ишдан чиқиши ёки бузилиши натижасида, ташқи омиллар, шунингдек, ўғирлик туфайли юзага келадиган бевосита зарарлар тегишли. Суғуртанинг мазкур тури айниқса тармоқлашган компьютер тармоқлари, мураккаб электрон-ҳисоблаш комплекслари, алоқа воситалари ва бошқа қимматбаҳо жиҳозларга нисбатан самарали.

Умумий энергия таъминоти тармоғидан тўсатдан электр энергияси узатилишининг узилиб қолиши, ҳаво айланиш тизимининг ишдан чиқиши натижасида етказилган зарар, шунингдек, тизимнинг ўзига етказилган зарардан ҳимоя, экспериментал ёки тадқиқот ишини ўтказиш учун суғурталанган асбоб-ускуналардан фойдаланиш кўшимча равишда берилиши мумкин. Электрон ва компьютер жиноятдан суғурталаш компьютер тармоқлари ва электрон воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган жиноий хатти-ҳаракатлардан келадиган зарарни қоплаш имконини беради. Бу жиноий ҳаракатлар фирибгарлик йўли билан тайёрланган ёки кўриниши ўзгартирилган маълумотлар ёки командаларнинг компьютер тармоғига киритилиши, воситани ёки миջозлар билан алоқани кўчириш (жумладан маълумотларни узатиш вақтида); қасддан йўқ қилиш ёки ўғирлаш, электрон маълумотларни ва уларнинг ташувчиларини вирусли ҳужум; миջозларнинг электрон, телекс, факсимиле тизимлар ва телефон алоқаси бўйича узатадиган сохта ишонч қоғозлари асосида тўловларни амалга ошириш.

Сифатсиз ахборот воситасини ва тизими етказиб берилган тақдирда, шунингдек, меъёрий-техник ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолда кузатишлар юз берганда мулкий зарар

етказилганлиги учун ишлаб чиқарувчининг масъулияти, шунингдек, дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар жавобгарлигини суғурталаш ҳам суғурта объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бунда жавобгарликнинг қуйидаги асосий турларини суғурта қилиш мумкин:

- ахборотга нисбатан интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилганлиги учун;
- ахборот, шунингдек электрон ҳужжатлар бузилганлиги ёки йўқотилганлиги учун;
- сифатсиз ва ишончсиз ахборотни тақдим этганлик учун;
- сифатсиз ахборот технологиялари ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш воситаларини яратганлик учун;
- ахборот ресурсларини шакллантириш жараёни ва қоидасини бузганлик учун;
- ахборот маҳсулотлари ва ахборот хизматларини тайёрлаш ҳамда тақдим этиш жараёни ва қоидасини бузганлик учун;
- ахборотни ўз вақтида етказиб бераманлик учун, ахборотни тақдим этишни асоссиз рад этганлик учун;
- ахборот олиш ва фойдаланиш қоидасини бузганлик учун;
- ахборотни ноқонуний олганлик ва фойдаланганлик учун;
- ахборотларга рухсатсиз киришга имкон берувчи технологик кириш йўли яратганлик учун.

Комплекс ахборот суғуртаси – электрон қурилма суғуртаси ва компьютер ахборотлари ҳамда электрон алоқа воситалари соҳасида жиноятдан суғурта қилиш методларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

#### **9.4. Суғуртанинг ихтиёрий ёки мажбурий усуллари.**

Ахборот рискларини суғурталашнинг самарадорлигини таъминлаш қуйидаги омилларга боғлиқ:

- суғурта механизмини АКТ ривожига мос равишда ривожлантириб боришни таъминлаш;
- ўта хатарли ҳамда катта ҳажмдаги ахборот рискларини суғурта тизими ҳимоясига босқичма-босқич киритиш;
- суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизмини замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш;

- суғурта бозорда эркин рақобат муҳитини таъминлаш;
- ахборот рискларини суғурталаш соҳасининг илмий-ахборот базасини талаб даражасига кўтариш;
- суғуртанинг бу йўналишини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш.

Рискларнинг хусусияти, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда рискка нисбатан суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий усуллари қўлланилиши мумкин.

Мажбурий суғурта турлари, шартлари ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Томонларнинг хошиш-иродасига мувофиқ амалга ошириладиган суғурта ихтиёрий суғурта ҳисобланади. Ихтиёрий суғуртанинг шартлари томонларнинг келушвиғига асосан белгиланади. Суғурталанувчи ва суғурталовчининг ҳуқуқлари ҳамда бурчлари, шунингдек ҳар бир суғурта турларининг шартлари тегишли суғурта шартномалари билан белгилаб қўйилади.

Ихтиёрий суғурта асосан ахборот эгасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш зарурияти лозим бўлганда юзага чиқади. Масалан, турли сабаблар оқибатида ахборот ўғирланиши ёки йўқотилиши ахборот эгасига жиддий иқтисодий зарар етказиши мумкин. Бу ҳолда ахборот эгаси ўз манфаатларини олдиндан ихтиёрий равишда суғурта ҳимояси билан таъминлаб олиши мумкин.

Мажбурий суғурта эса, ахборот эгасининг учинчи шахс, яъни ушбу ахборотдан фойдаланувчи олдидаги жавобгарлигини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш усули сифатида юзага келади. Масалан, нотўғри ёки ноқулай ахборот етказиб берилганлиги оқибатида ахборот олувчининг мол-мулки ёки соғлиғига зарар етиши мумкин. Бундай зарар одатда давлат томонидан йўлга қўйиладиган мажбурий суғурта усули билан қопланилиши мумкин.

### **Мавзу бўйича таянч иборалар**

Суғурта, ахборот коммуникация, суғурта бозори, ахборот тизимлари, ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, ахборот ресурслари, мажбурий ва ихтиёрий суғурта, ахборот, ахборотни ҳимоялаш, ахборот маҳсулотлари, ахборот хизматлари, хавф, зарарни қоплаш, суғурталанувчи, суғурталовчи.



## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғурта тушунчаси қандай келиб чиққан?
2. Суғурта дастлаб қандай шаклларда амал қилиб келди?
3. Суғуртанинг иқтисодий моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Суғуртанинг функциялари нималардан иборат?
5. Мустақиллик даврида суғурта соҳасида қандай ўзгаришлар амалга оширилди?
6. Суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий шаклларини тушунтириб беринг.
7. Ахборотни ҳимоялаш усули сифатида суғурталаш танланган ҳолатда қайси омилларга эътибор қаратилади?
8. Ахборот рисклари моҳиятини тушунтиринг.
9. Ахборот рискларини қандай ҳолларда суғурта қилиш мақбул ҳисобланади?
10. Ахборот рискларини суғурталашнинг самарадорлигини таъминлаш қандай омилларга боғлиқ?

## ГЛОССАРИЙ

**Ахборотлашган жамият (information society)** – постиндустриал жамият концепцияси, цивилизация тараққийетининг янги тарихий босқичи бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг асосий маҳсулотлари ахборот ва билимлар ҳисобланади.

**«Риск»** – термини грекча *risikon*, *ridsa*-сўзларида тик қоя, қоятош-мазмунини англатса, италянча «*risiko*»-сузида-хавфли, хавф-хатар, *risicare*-сўзида қояларга чап бермоқ мазмунини англатади. Французча «*risdoe*»-тахлика, хавф-хатар, кўркинч, (тик қоядан айланиб ўтишда гуёки таваккал қилиш) мазмунини англатади. Вебстер луғатида «риск»-зарар ёки зиён қуриш имконияти, хавф-хатари дейилса, Ожегов луғатида «риск» сўзига «хавф-хатар ҳолати имконияти» ёки муваффақиятли ҳаракат» деб тариф берилади.

**Ахборот хавфсизлиги** деганда бошқарув тизими ахборот ресурслари, шунингдек дастурий ва қурилма воситаларини бузилишига ёки уларни руҳсатсиз ишлатилишига олиб келадиган ҳодиса ёки фаолият тушунилади.

**Ахборотлаштириш** – жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот рисклари, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари тизимларини қўллаган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техникавий жараёндир.

**Ахборот ресурси** – ахборот тизимини таркибида электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки ва маълумотлар базасидир.

**Ахборот технологияси** – ахборотни йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва қўллашга имкон берувчи методлар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар жамланмаси.

**Ахборот тизими** – ахборотни йиғиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш ва қўллашга имкон берувчи ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибланган шаклидир.

**Ахборотнинг яхлитлиги** ҳам ахборот хавфсизлигини энг муҳим жабҳаларидан бири бўлиб, ахборотни ноқонуний ўзгартириш ёки бузилишининг олдини олишини таъминлайди.

**Ахборотнинг конфиденциаллиги** – энг кучли ишланган ва барча ўлчовлар бўйича аҳамиятга эга аспект ҳисобланади.

**Ахборот хавфсизлиги** ёки ахборот технологиялари хавфсизлиги деб, ахборот ресурслари эгаси ёки ахборот фойдаланувчисига зарар келтириши мумкин бўлган ички ёки ташқи характердаги ихтиёрсиз ёки ихтиёрий таъсирлар, ахборот ҳисоб тизимида қайта ишланган ахборотнинг ҳимояланганлик даражасининг юқори кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

**Фуқаролар ҳақида ахборот** – (персонал маълумотлар) – фуқаронинг унинг шахсиятини идентификациялашга имкон берувчи фактлар, ҳодисалар ва ҳаёт шароитлари ҳақидаги маълумот.

**Хизмат сири.** Агар ахборот ҳақиқий ёки эҳтимолий тижорат қимматликка эга бўлса, у ҳолда ахборот хизмат ёки жорий сир ҳисобланади. Қонунда, агар ахборотга кириш чекланган бўлса, у ҳолда ахборотни ҳимоя объекти сифатида давлат ва хусусий ахборотларга ажратилмайди.

**Солиқ сири.** Солиқ сирини солиқ органларига солиқ тўловчи ҳақида олинган ҳар қандай маълумотлар ташкил этади.

**Алоқа сири.** Электр тармоқлари ёки почта алоқаси бўйича узатилаётган ёзишмалар, телефон сўзлашувлар, телеграф, почта жўнатмалари ва бошқа маълумот сири Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан сақланади.

**Банк сири.** Банк ҳисоби, банк қўйилмалари, ҳисоб счётидаги операциялар ва клиент ҳақидаги маълумот сирларини сақланиши кафолатланади.

**Суғурта сири.** Суғурта қилувчи ўзининг профессионал фаолияти натижасида олинган суғурта қилинувчи ҳақидаги маълумотларни эълон қилишга ҳаққи йўқ.

**Таҳдид** – ахборотнинг яхлитлилиги, кириш мумкинлилиги, махфийлигининг бузилишига сабаб бўлувчи шартлар ва омиллар йигиндиси.

**Камчилик** – таҳдидларни амалга оширилишига имкон яратувчи, ҳимоя тизимидаги камчиликлар.

**Ахборот рисклари** – бу компания томонидан ахборот технологиялари қўлланилиши катта заралар ёки зиёнларнинг вужудга келиши хавфидир. Бошқача айтганда, ахборот рисклари электрон ташувчилар ёки бошқа алоқа воситаси ёрдамида

ахборотни яратиш, узатиш, сақлаш ва қўллаш билан боғлиқ бўлади.

**Рискларни бошқариш** – бу рискларни идентификациялаш, таҳлил қилиш ва корхонада ахборот хавфсизлигига доир рискли ҳодисаларнинг салбий натижаларини минималлаштириш, ижобий натижаларини максималлаштиришга доир қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлардир.

**Рискларни бошқаришни режалаштириш** – ёндашувларни танлаш ва рискларни бошқариш бўйича фаолиятни режалаштириш.

**Рискларни идентификациялаш** – рискларни аниқлаш ва уларнинг характеристикаларини ҳужжатлаштириш.

**Рискларни сифат жиҳатидан баҳолаш** – рискларни ва унинг келиб чиқишини, муваффақиятга таъсирини англаш мақсадида сифат жиҳатларини таҳлил қилиш.

**Рискларни сон жиҳатдан баҳолаш** – рискларнинг келиб чиқиш эҳтимолини ва оқибатларини сон жиҳатдан таҳлил қилиш

**Рискларга жавоб қайтарилишини шакллантириш** – рискли ҳолатларнинг салбий оқибатларини пасайтириш ва афзалликларини қўллаш бўйича чора-тадбирларни аниқлаш.

**Рисклар мониторинги ва назорати** – рисклар мониторинги, қолган рискларни аниқлаш, лойиҳа рискларини бошқариш режасини бажарилиши ва рискларни минималлаштириш бўйича чораларни самарадорлигини баҳолаш.

**Риск таҳлили** – бу маълум бир зарарга қарши нуқтаи-назарларни ёки ёндашув фаолиятни танлаш учун тавсиялар ишлаб чиқишга ахборотларни йиғиш, баҳолаш ва қайд қилишдан иборат фаолият ҳисобланади.

**Рискларни классификациялаш** деганда, рискларни алоҳида гуруҳларга, уларга қўйилган мақсад ва алоҳида белгилари тушунилади. Рискни классификацияси илмий асосланган бўлса, у ҳар бир рискни умумий тизимида ҳар бир рискнинг аниқ жойига эга бўлиб рискларни қўллашга қулай ва самарали усулларини таъминлаб беради.

**Соф риск** – бу мулкка зарар етиши оқибатида реал активларни йўқотиш ҳамда корхона фаолият олиб бормаслиги натижасида фойдани йўқотишдир.

**Табиий риск** – табиий офат, масалан, ер қимирлаши, сув тошқини, бўрон ва эпидемия натижасида етказилган иқтисодий зарар.

**Экологик риск** – атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида юзага келадиган қўшимча харажатлар эҳтимолидир.

**Сиёсий риск** – сиёсий тизимнинг ўзгариши, жамиятда сиёсий кучнинг тақсимланиши ва сиёсий беқарорлик оқибатида мулккий йўқотишлардир.

**Транспорт rischi** – турли транспорт воситалари (автомобиль, темир йўл, денгиз ва ҳаво) ёрдамида юклар ташиш оқибатида юзага келадиган йўқотишлар.

**Тижорат rischi** – бу хўжалик субъектининг тадбиркорлик фаолияти натижасида пайдо бўладиган йўқотиш эҳтимолидир ва у ишлаб чиқариш ҳамда савдо риқсларга бўлинади.

**Спекулятив риск (чайқовчилик)** – бу тижорат бошқарув қарорларини қабул қилиш натижасида асосий капитал баҳосининг ўзгариш riskидир.

**Молиявий риск** – бу молиявий ресурсларнинг йўқолиши хавфи, яъни корхонанинг банклар ва бошқа молиявий институтлар билан вужудга келадиган муносабатлари соҳасидаги riskларидан иборат.

**Тизимли риск** – бу маълум бир бозор конъюнктурасининг (тузилишининг) ўзгариши.

**Селектив риск** – маълум бир бозорда инвестиция объектини нотўғри танлаш оқибатида бой берилган фойда ёки йўқотиш riskи.

**Ликвидлик rischi** – сифат баҳосининг ўзгариши натижасида инвестиция объектини реализация қилиш билан боғлиқ бўлган йўқотиш riskи.

**Кредит rischi** – қарздор ўзининг мажбуриятларини бажара олмаслиғи билан боғлиқ.

**Худудий риск** – маълум бир худуднинг иқтисодий ҳолати билан боғлиқ. Бу риск бир ҳил маҳсулотлар ишлаб чиқариш худудлари билан хусусиятли. Масалан нефть ва кўмир қазиб олинadиган худудлар, кофе ишлаб чиқарувчи худудлар. Рақобат кучаниши ёки ушбу худуднинг маҳсулотига боғлиқ нарх тушиши натижасида юзага келадиган иқтисодий қийинчиликларни бошидан ўтказиши мумкин.

**Тармоқ rischi** – бу иктисодиётнинг алоҳида тармоқлари билан боғлиқ бўлиб, иккита асосий омил билан аниқланади: даврий тебранишга дучор бўлган ва ҳаётий цикл босқичи.

**Корхонани тугатишга оид риск** – инвестиция объекти бўлган конкрет бир фирма билан боғлиқ. У кўп ҳолларда ҳудудий риск ва тармоқ riskидан келиб чиқади.

**Инновацион риск** – бу янгилик яратиш билан боғлиқ, масалан ишлаб чиқарилишига кўп маблағ кетадиган янги товар ва хизматлар амалга ошмай қолиш эҳтимоли.

**Инфляцион риск** – пул муомаласи каналларининг товар айланмаси талабининг меъёридан кўп бўлган ортиқча пул массалари билан тўлиб кетиши натижасида нархлар даражасининг кўтарилиши.

**Дефляцион риск** – ушбу риск, пулнинг ҳарид қобилияти ошганида нархлар даражаси пасайишининг содир бўлиши, тадбиркорликнинг иқтисодий шароитлари ёмонлашиши ва даромадлар пасайиши riskидир.

**Валюта rischi** – фонд ва товар биржаларида ташқи савдо, кредит, валюта операцияларини ўтказилганда чет эл валютаси курсининг миллий валютага нисбатан ўзгаришига боғлиқ бўладиган йўқотишлар хавфи билан боғлиқ бўлган риск.

**Фонзли риск** – тижорат банклари, кредит ташкилотлари, инвестицион институтлар, компаниялар томонидан кўриладиган талофотлар хавфидир

**Нарх, баҳо rischi** – бу фоиз ставкалари даражасининг ўсиши ёки пасайиши натижасида қарз мажбурияти баҳосининг ўзгариши riskи;

**Кредит rischi** – қарз олувчи томонидан кредиторга тўланиши лозим бўлган асосий қарз ва фоизларнинг тўланмаслик хавфи билан боғлиқ бўлган риск.

**Ташқи riskлар** – корхона фаолияти ёки унинг контактли аудиторияси (ижтимоий гуруҳлар, юридик ва жисмоний шахслар) билан бевосита боғлиқ эмас.

**Ички риск** бевосита корхонанинг фаолияти ва контактли аудиторияси билан боғлиқ.

**Сиёсий риск** – давлат сиёсатининг ўзгариши натижасида даромадни тушиб кетиши ва зарар кўриш билан боғлиқ riskлар.

**Суғурта рисклари** – агар мол-мулкка бевосита (авария, жиҳоз бузилиши ва ҳок.) ёки билвосита (бузилган мол-мулкни номоён қилиш ва кўчириш, жиҳозларни қайта ўрнатиш, ижара даромадини йўқолиши, фаолият белгиланган ритмини бузилиши, молиялаштиришни ошириш зарурияти) зарар хавфи мавжуд бўлса.

**Рискни бошқариш стратегияси** – номаълум хўжалик вазияти шароитларида рискни прогноз қилиш ва уни камайтириш усулларига асосланган режалаштириш ва бошқариш санъатидир.

**Рискни бошқариш тактикаси** деганда аниқ шароитларда қўйилган мақсадга эришишнинг конкрет методлари ва усуллари тушунилади.

**Рискларсиз ҳудуд** – риск-индикаторлари тизим элементлари нормал ҳаракати ва йўқотишларнинг реал асослари йўқлиги ҳақида сигналлар жўнатиб турувчи ҳудуддир.

**Йўл қўйиладиган риск ҳудуди** – унинг доирасидаги фаолияти ўзининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини сақлаб қоладиган, аммо йўқотишлар аввал рўй берган тизим элементлари нормал ҳаракатида тўхталишлар бошлагани ҳақида риск-индикаторлар сигналлари вужудга келувчи соҳадир.

**Критик риск ҳудуди** тизим элементларининг мувофиқлаштирилмаган ҳаракати даражаси кутилаётган даромад (фойда) катталигидан ортиқ бўладиган йўқотишларга олиб келиши тўғрисидаги риск-индикаторлар сигналлари билан тавсифланади.

**Ҳалокатли риск зонаси** ўз катталиги жиҳатидан критик даражадан юқори бўладиган, максимум даражада эса бутун мол-мулкнинг қийматига тенг бўлган, яъни банкротлик оқибатида капитални бутунлай йўқотишларга олиб келувчи хўжалик тизими элементлари ҳаракатидаги эҳтимол тутилувчи катаклизмлар ва ҳалокат тўғрисидаги риск-индикаторлар сигналларини шакллантирувчи ҳудуд.

**Тўлов қобилияти** (баланс ликвидлиги) йўқотилиши транслятори эса балансдаги актив ва пассив маблағлар мувофиқлиги риск-индикатор томонидан аниқланиши саналади

**Методологик принциплар** – бу концептуал шароитни аниқловчи принцип бўлиб, улар умумийлиги билан ажралиб туради ҳамда кўриб чиқиладиган риск турининг махсуслигига боғлиқ бўлмайди.

**Операционал принциплар** – аниқ, бир хил маъноли маълумотни борлиги ҳамда уни таҳлиллаш имкони мавжудлиги билан боғлиқ принциплар.

**Қарор** – ҳар қандай бошқарувнинг марказий бўғини. Рискни бошқаруви бўйича қарорларни классификацияси, улар учун характер хусусиятларини аниқлаш ҳамда қарор қабул қилишда рискларни камайтириш имконини назарда тутишни имкон беради.



## ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги Қонуни. 13.01. 1992й. № 512-ХII.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Радиосатоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни. 25.12. 1998 й. № 725-1.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни. 1999 й. 20. 08. № 822- I.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2002 й. 05.04. № 358-II.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» Қонуни. 2003 й. 11.12. № 560-II.
6. Ўзбекистон Республикаси «Электрон рақамли ёзув тўғрисида»ги Қонуни. 2003й. 11.12. N 562-II.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳужжатлар айланмаси тўғрисида»ги Қонуни. 2004 й. 29.04.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни. 2004й. 29.04.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Қонуни. 2005 й. 16.12.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3022-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги ПФ-3080-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 23 октябрдаги ПҚ-1836-сон қарори).
13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги ПФ-4702-сон Фармони.
14. Программа развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на 2002-2010 годы (Прило-

- жение № 1 к Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 06.06.2002 г. № 200).
15. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 413 от 27.11.2002г. “О мерах по дальнейшему развитию рынка страховых услуг”.
  16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
  17. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Тошкент, Ўзбекистон, 2010.
  18. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси менежменти масалалари. – Т.; “Fan va texnologiya” нашриёти, 2005 йил, 300 б.
  19. Бродецкий Г.Л. Управление рисками в логистике. – Москва, Академия, 2010. С. 187.
  20. Васин С.М. Управление рисками на предприятии. – М.: Кно-Русс, 2010. С. 299.
  21. Воробьев С.Н. Управление рисками в предпринимательстве. – М.: ИТК «Дашков и К», 2010. С. 490.
  22. Кенжабаев О.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Дисс. И.ф.н. – Тошкент, 2005.
  23. Махкамова М.А. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини инновацион ривожланишининг замонавий ҳолати. //ТАТУ хабарлари, №1. – Т.: 2008, 104-107-Б.
  24. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М.: Дело, 1999. - С.383.
  25. Муҳитдинов Х.А. Ўзбекистонда телекоммуникация хизматлари бозори ривожланишининг молиявий масалалари (“Ўзбектелеком” АК мисолида). Дисс.и.ф.н. – Т., 2006.
  26. Шибаршова Л.И. Информационные технологии и дистанционное обучение – новая эра образования. – Компас 2002, №4.

27. Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Таваккалчиликни бошқариш. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2010.
28. Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005.
29. Шарифходжаев М.Ш., Абдуллаев Ё.А. Менежмент. – Т.: Ўқитувчи. 2001.
30. Иминов Т.К. Риск-менежмент в сфере инфокоммуникаций Узбекистана. – Т.: ТУИТ 2005
31. Комилов Ш.М., Расулев Д.М., Машарипов А.К., Зокирова Т.А., Эрматов Ш.Т., Мусаева М.А., «Компьютер тизимларида ахборотни ҳимоя қилиш» фанидан маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005, 192 бет.
32. Хужаев Н., Хамидова С.А., Асадова З. Тадбиркорлик ва таваккалчилик. – Т.: 1996
33. Камилов Ш.М., Машарипов А.К., Закирова Т.А., Эрматов Ш.Т., Мусаева М.А. Компьютер тизимларида ахборотни ҳимоялаш. Маъруза матнлари. ТДИУ. – Тошкент, 2003.
34. Иминова. Н.А. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида иқтисодий рискларни бошқариш. Дисс.и.ф.н. – Т., 2012.
35. Иминова. Н.А. Управление рисками в сфере ИКТ в Узбекистане //Инвестиции. Научно–практический журнал–Украина. 2009. – № 7.- С. 47-48.
36. Иминова Н.А. Ўзбекистонда ахборот–алоқа соҳасида риск менежментининг шаклланиши // Иқтисодий ва таълим. – Тошкент, 2009.–№ 4. -Б. 113-114.
37. Иминова Н.А. Ахборот рискдан ҳимояланиш механизми // Jamiyat va boshqaruv. – Тошкент, 2010. -№ 2 – Б. 93-95.
38. Иминова Н.А. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият асослари шаклланиши хусусиятлари // Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари: Республика илмий-техник анжумани. – Тошкент, 2011.–Б. 189-192.
39. Иминова Н.А. ва бошқалар. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодий рискларни социологик таҳлили // Молия. – Тошкент. 2011.- № 5-6.– Б. 125-128.
40. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонунлари базаси сайти.
41. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси Қўмитаси сайти.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1. “РИСК-МЕНЕЖМЕНТ” ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА МАЗМУНИ</b> .....	7
1.1. Рискларни бошқаришнинг мақсади ва вазифалари.....	7
1.2. Риск тушунчаси ва тарифларига берилган назарий қарашлар.....	9
1.3. Бошқарув объекти сифатида рискларни ўрганиш.....	13
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	14
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	15
<b>2. ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ</b> .....	15
2.1. Ахборотлашган жамият шаклланиш хусусиятлари.....	15
2.2. Ахборотлашган жамият тушунчаси ва уни ривожланиш тенденциялари.....	17
2.3. Ахборот-телекоммуникация тизимини ҳуқуқий асосларини шаклланиши.....	23
2.4. Ахборот-телекоммуникация тизимларини бошқариш бўйича меъёрий ҳужжатлар.....	28
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	37
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	37
<b>3. АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДА АХБОРОТ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	38
3.1. Ахборотлашган жамиятда рискларнинг асосий тушунчалари ва моҳияти.....	38
3.2. Замонавий ахборотлашган жамиятда ахборот rischi (ҳавфсизлиги) ва унинг аҳамияти.....	45
3.3. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида ахборот технологияларининг ва ахборот рискларининг асосий ва амалий аспекти.....	51
3.4. Ахборот рискларини бошқаришнинг мазмуни, моҳияти, хусусиятлари ва таснифлари.....	62
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	72
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	72

<b>4. АХБОРОТ РИСКЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ.....</b>	<b>73</b>
4.1. Бошқаришда ахборот ва унинг аҳамияти.....	73
4.2. Ахборот тизими ва рискларини ортиши, хусусиятлари.....	76
4.3. Ахборот рисклари классификацияси.....	77
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	83
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	83
<b>5. ИКТИСОДИЙ РИСКЛАР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ.....</b>	<b>84</b>
5.1. Иктисодий рискларни классификациялаш.....	84
5.2. Соф ва спекулятив рисклар.....	86
5.3. Инвестиция лойиҳаси rischi ва унинг умумий тавсифи.....	94
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	100
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	100
<b>6. РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ: ЗАРУРИЯТ, МОҲИЯТ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ.....</b>	<b>101</b>
6.1. Рискларни бошқариш стратегияси, тактикаси.....	101
6.2. Риск функцияси, бошқариш жараёнининг асосий усул ва босқичлари.....	103
6.3. Ахборот-коммуникация тизимида рискларни бошқариш чизмаси ва уларни баҳолаш усуллари.....	107
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	121
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	121
<b>7. РИСКНИНГ СИФАТ ВА МИҚДОР ТАҲЛИЛИ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ УСЛУБИ.....</b>	<b>121</b>
7.1. Рискларни бошқариш принциплари.....	122
7.2. Рискнинг сифат таҳлили.....	126
7.3. Рискнинг миқдор таҳлили.....	134
7.4. Риск-қарорларни қабул қилиш услубий асослари.....	139
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	146
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	146
<b>8. АХБОРОТ МАКОНИ ҚОНУНИЯТЛАРИ.....</b>	<b>147</b>
8.1. Ахборот макони ва ахборот муҳитининг моҳияти.....	147

8.2. Ахборот коммуникация тизими субъектлари иктисодий рискларини бошқариш синергетикаси.....	150
8.3. Ахборотлашган жамиятни шакллантиришда хўжалик юретиш субъектлари.....	152
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	158
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	158
<b>9. АХБОРОТ РИСКЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҚОБИЛ УСУЛИ СИФАТИДА.....</b>	<b>159</b>
9.1. Суғуртанинг моҳияти ва функциялари.....	159
9.2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда суғуртанинг ривожланиш хусусиятлари.....	161
9.3. Ахборот рисклари ва уларни суғурта қилишнинг зарурияти.....	164
9.4. Суғуртанинг ихтиёрий ёки мажбурий усуллари.....	168
Мавзу бўйича таянч иборалар.....	169
Такрорлаш ва назорат учун саволлар.....	169
Глоссарий .....	170
Фойдаланган адабиётлар.....	177

## СОДЕРЖАНИЕ

Введение.....	3
<b>1. СУЩНОСТЬ И ЦЕЛЬ ДИСЦИПЛИНЫ “РИСК-МЕНЕДЖМЕНТ”</b> .....	7
1.1. Цели и задачи управления рисками.....	7
1.2. Сущность и основные теоретические аспекты понятие риска. ....	9
1.3. Изучение рисков как объекта управления .....	13
Ключевые слова по теме. ....	14
Вопросы для контроля .....	15
<b>2. ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ</b> .....	15
2.1. Особенности формирования информационного общества.....	15
2.2. Понятие информационного общества и тенденции его развития.....	17
2.3. Формирование правовых аспектов информационно-телекоммуникационной системы .....	23
2.4. Нормативные документы по управлению информационно телекоммуникационной системы .....	28
Ключевые слова по теме.....	35
Вопросы для контроля.....	35
<b>3. ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫМИ РИСКАМИ В СФЕРЕ СВЯЗИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ</b> .....	36
3.1. Сущность и основных понятие рисков информационного общества .....	36
3.2. Информационный риск и его роль в современном информационном обществе .....	43
3.3. Основные и практические аспекты информационных технологий и информационных рисков в национальной экономики Республики Узбекистан.....	49
3.4. Сущность, значения, особенности и классификации управления информационных рисков. ....	60
Ключевые слова по теме.....	70
Вопросы для контроля.....	70
<b>4. ОСОБЕННОСТИ И КЛАССИФИКАЦИЯ</b>	

<b>ИНФОРМАЦИОННЫХ РИСКОВ.....</b>	<b>71</b>
4.1. Информация в управлении и его значения.....	71
4.2. Информационная система, увеличения рисков и их особенности.....	74
4.3. Классификация информационных рисков.....	75
Ключевые слова по теме.....	81
Вопросы для контроля.....	81
<b>5. ОСОБЕННОСТИ И КЛАССИФИКАЦИЯ ЭКОНОМИЧЕСКИХ РИСКОВ.....</b>	<b>82</b>
5.1. Классификация экономических рисков.....	82
5.2. Чистые и спекулятивные риски.....	84
5.3. Риски инвестиционного проекта и их общая характеристика.....	92
Ключевые слова по теме.....	98
Вопросы для контроля.....	98
<b>6. ОРГАНИЗАЦИЯ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ: НЕОБХОДИМОСТЬ, ЗНАЧЕНИЯ И МЕТОДЫ ИХ ОЦЕНКИ.....</b>	<b>99</b>
6.1. Стратегия и тактика управления рисками.....	99
6.2. Функция риска, основные методы и этапы процесса управления.....	101
6.3. Схема управления рисками в информационно коммуникационной системе методы их оценки.....	105
Ключевые слова по теме.....	119
Вопросы для контроля.....	120
<b>7. КАЧЕСТВЕННЫЙ И КОЛИЧЕСТВЕННЫЙ АНАЛИЗ РИСКОВ А ТАКЖЕ МЕТОДЫ ИХ ПРОВЕДЕНИЯ .....</b>	<b>120</b>
7.1. Принципы управления рисками.....	120
7.2. Качественный анализ рисков.....	124
7.3. Количественный анализ рисков.....	132
7.4. Методические основы принятия решений по рискам.....	138
Ключевые слова по теме.....	145
Вопросы для контроля.....	145
<b>8. СУЩНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННОГО ПРОСТРАНСТВА.....</b>	<b>145</b>



8.1. Сущность информационного пространства и информационной среды .....	145
8.2. Синергетика управления экономических рисков субъектов в информационно-коммуникационной системе.....	148
8.3. Хозяйствующие субъекты при формировании информационного общества .....	151
Ключевые слова по теме.....	157
Вопросы для контроля.....	157
<b>9. СТРАХОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ОБЩЕСТВ. ОПТИМАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ .....</b>	<b>158</b>
9.1. Сущность и функции страхования .....	158
9.2. Особенности развития страхования в годы независимости Узбекистана.....	160
9.3. Информационные риски и необходимость их страхования.....	163
9.4. Обязательные и произвольные методы страхования ...	167
Ключевые слова по теме.....	168
Вопросы для контроля.....	168
Глоссарий .....	169
Использованная литература .....	177

## CONTENTS

<b>Introduction.....</b>	<b>3</b>
<b>1. The essence and purpose of "RISK MANAGEMENT" discipline.....</b>	<b>7</b>
1.1. Goals and objectives of risk management.....	7
1.2. Theoretical approaches upon the risk and it's nature.....	9
1.3. The study of risk as a management objective.....	13
Gloassary on the subject base.....	14
Control questions.....	15
<b>2. Specific aspects of formation of information society in Uzbekistan.....</b>	<b>15</b>
2.1. Features of the establishment of Information Society.....	15
2.2. The concept of the information society and it's development trends.....	17
2.3. The formation of the legal aspects of information-telecommunication system.....	23
2.4. Normative and regulatory documents on the management of information-telecommunication system.....	28
Gloassary on the subject base.....	35
Control questions .....	35
<b>3. Theoretical bases of management of information risks in communications and informatization sphere.....</b>	<b>36</b>
3.1. The essence and the basic concepts of risk in the information society.....	36
3.2. Information risk and its role in today's information society.....	43
3.3. The basic and practical aspects of Information technologies and information risk in the national economy of the Republic of Uzbekistan .....	49
3.4. The content of the information risk management, the nature, characteristics and classification.....	60
Gloassary on the subject base.....	70
Control questions.....	70
<b>4. Specification and classification of information risks.....</b>	<b>71</b>
4.1. The information and its importance in management.....	71
4.2. Information system and increasing of risk degree, features.....	74

4.3. Information risk classification.....	75
Gloassary on the subject base.....	81
Control questions.....	81
<b>5. The specification and classification of economic risks.....</b>	<b>82</b>
5.1. Economic risk classification.....	82
5.2. Real and speculative risks.....	84
5.3. Investment project risk and it's general description.....	92
Gloassary on the subject base.....	98
Control questions.....	98
<b>6. Risk management organization: necessity, essence and evaluation methods.....</b>	<b>99</b>
6.1. Risk management strategies, tactics.....	99
6.2. The function of risk, method and stages of management process.....	101
6.3. The risk management scheme in Information and communication system and evaluation methods.....	105
Gloassary on the subject base.....	119
Control questions.....	120
<b>7. Qualitative and quantitative analysis of risk and it's conducting methods.....</b>	<b>120</b>
7.1. The principles of risk management.....	120
7.2. Quality analysis of risk.....	124
7.3. The quantitive analysis of risk.....	132
7.4. The methodological bases of risk-decision making.....	138
Gloassary on the subject base.....	145
Control questions.....	145
<b>8. Information space .....</b>	<b>145</b>
8.1. The essence of the information space and the environment.....	145
8.2. The risk management philosophy in the business risk of information and communication systems participants.....	148
8.3. Economic entities in the organization of information society.....	151
Gloassary on the subject base.....	157
Control questions.....	157
<b>9. Information risk insurance as alternatives to ensure information security.....</b>	<b>158</b>

9.1. The essence and functions of insurance .....	158
9.2. Development of insurance in Uzbekistan over the years of independence.....	160
9.3. Information risks and the necessity of their insurance.....	163
9.4. Methods of voluntary or compulsory insurance.....	167
Gloassary on the subject base.....	168
Control questions.....	168
Gloassary .....	169
Literatures used.....	177

**ИМИНОВА НАРГИЗАХОН АКРАМОВНА**

## **РИСК - МЕНЕЖМЕНТ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент – «Aloqachi» – 2017**

Муҳаррир:	М. Миркомилов
Тех. муҳаррир:	А. Тогаев
Мусаввир:	Б. Эсанов
Мусахҳиҳа:	Г. Тагаева
Компьютерда саҳифаловчи:	Н. Ҳасанова

Нашр.лиц.ii № 176, 11.06. 2010.

Босишга рухсат этилди: 29.12.2017 йил.

Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида  
босилди. Шартли босма табоғи 12,0. Нашр босма табоғи 11,5  
Тиражи 50. Буюртма № 74.

«Nihol print» ОК да чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 99./101.